

ISSN 2181-8738

ВОДИЙНОМА

АПРЕЛЛ-ИЮН
2023 ЙИЛ
№2 (29)



ВАТАН СИЗЛАРНИКИ БЎЛГАНИ КАБИ МЕНИКИ ҲАМДИР

Боймирза Ҳайит билан суҳбат



МУНДАРИЖА

«ВОДИЙНОМА»

(Тарихий мерос)

Ижтимоий-тарихий, илмий ва оммабоп журнал
2023 йил №2 (29)

Муассис: «Мерос» халқаро илмий-амалий
экспедиция жамоат фонди

Ҳамкоримиз: Андижон давлат университети

Бош муҳаррир:

Рустамбек Шамсутдинов

Бош муҳаррир ўринбосари:

Абдулла Шаропов

Таҳрир ҳайъати:

Ақромжон Юлдашев – б.ф.д., профессор

Абдулла Расулов – т.ф.д., профессор

Анвармирзо Хусаинов – Халқаро экология, инсон
ва табиат хавфсизлиги фанлар академияси муҳбир
аъзоси

Жамшид Жўразода – т.ф.д., профессор

Кудияров Алишер – т.ф.н., доцент

Мамбет Қойгелдиев – т.ф.д., академик

Мухаммадҷон Алиқожиёв – т.ф.н., доцент

Мирсодиқ Исҳоқов – т.ф.д., профессор

Наим Каримов – ф.ф.д., академик

Нурмонжон Ғафуров – т.ф.д., профессор

Улуғбек Абдуллаев – т.ф.д., профессор

Шухрат Ризаев – ф.ф.н., доцент

Масъул котиб:

Мухтор Худоёров

Техник муҳаррир:

Азизбек Маҳкамов

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги
томонидан 2018 йил 5 июнда № 0975 рақам
билан рўйхатга олинган.

Нашр индекси: 170112

Нашр учун масъул: Р.Т.Шамсутдинов

Таҳририят манзили: 170100, Андижон шаҳри
Университет кўчаси 129-уй.

Телефон: (99890) 253-26-32

Факс: (99874) 223-83-52.

Почта: vodiynoma@mail.ru

Босишга рухсат этилди: 15.02.2023 й
Қоғоз бичими 60x84 1/8 Босма тобоғи: 13,5
Офсет босма. Офсет қоғози. Адади: 500 дона.

Баҳоси келишилган нарҳда. Буюртма № 116

Чоп этилган мақолаларда билдирилган фикр-
мулоҳазалар таҳририят нуқтаи назарига мос
келмаслиги мумкин. Келтирилган факт ва
рақамларнинг аниқ ва холислиги учун муаллиф
жавобгар ҳисобланади.

Муқова дизайни ва оригинал макет «Akademnashr
NMM» МЧЖ томонидан тайёрланган.

«Akademnashr» МЧЖ босмаҳонасида чоп этилди.
Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Сўгалли ота
кўчаси 5-уй.

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация
Комиссияси раёсатининг 2017 йил 29 мартдаги
239/5-сонли қарори билан Тарих фанлари бўйича
илмий журналлар рўйхатига киритилган.

МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ, ТАРИХИЙ МЕРОСИМИЗ ДАРФАЛАРИ

Анвармирзо Хусаинов

Каъбатуллоҳ остонасида 2

Р.Т.Шамсутдинов, А.Маҳкамов, Ш.Болтабоев

Боймирза Ҳайит ва унинг Туркистон тарихи тўғрисидаги
мероси ҳақида 5

А.Кудияров

Қумар она образи – руҳлантирувчи куч 55

СОВЕТ МУСТАМЛАКАЧИЛИГИ ДАВРИДА ТУРКИСТОН

Саидмурод Тўрахўжаев

Россиядаги очарчилик авж олган ҳудудлардаги аҳолининг
Туркистон АССРга эвакуацияси тарихидан 58

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИНИНГ ФАШИЗМ УСТИДАН ҚОЗОНИЛГАН ҒАЛАБАГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ

Дилшодбек Ҳомидов, Азизбек Маҳкамов

Ўзбекистоннинг ғалабага қўшган ҳиссаси китоб-альбомлари
таълим тизимида ўқитилиши зарур 63

Р.Т.Шамсутдинов

Фронт баҳодирларидан бири Турсунбой Рўзиев 90

ЎЗБЕКИСТОННИНГ МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИ ТАРИХИ

Фарҳод Набиев

Ўзбекистонда учинчи ренессанс ижтимоий шароитларининг
шаклланишига доир 93

ТАЪЛИМ ВА ИЛМ ФИДОЙИЛАРИ

Бобир Ғойибов

Мирсодиқ Исҳоқов ва Жаҳон Суғдшунослиги 98

Дилшодбек Ҳомидов

«Водийнома» – олимлар журнали 109



КАЪБАТУЛЛОҲ ОСТОНАСИДА

Анвармирзо Хусаинов

*Бу ерда айтганинг ҳар сўз
жондин хитоб ўлур,
Кўнгилга тушган ҳар шуъла
офтоб ўлур...*

*«Аллоҳу акбар»инг бергай
бирмас, минг садо,
Сендан савол эса, жоним,
Ҳақдин жавоб ўлур...*

*Мажнун бу даргоҳга келиб,
чекмишиди нолалар,
Сен ҳам энди бу ҳалқага
кирсанг, савоб ўлур.*

*Сўрдим саволки, ошиқмен,
бўлгайму бир самар?
Келди жавобим: ишқ аро
минг бир азоб ўлур.*


*Сўрдим саволки, йўлчимен,
Келди жавобим: шошмагил,
боб-боб ўлур...*

*Фарёд солиб дедимки, оҳ,
кўнглим юз поради,
Келди садо: ҳар порасидин
бир китоб ўлур...*

*«Даргоҳингга қай юз билан
боргаймен, эй Хўжам?» –
Десам, деди: «Кўз ёшларинг
сенга ҳижоб ўлур...»*

*Тошига бош уриб, Жамол,
этдим илтижо,
Шояд, дуоларим бир кун мустажоб ўлур...*

1989 йил



Жамол Камол

Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти бош муҳаррири

Ушбу шеърнинг яратилиш тарихини мен 2022 йил 25 сентябрь куни аср намозидан кейин қиёматли акам ва кўп йиллик илмий-ижодий ҳамкорим Жамол Камолнинг ўзларидан эшитганман. Суҳбат ва мулоқотимиз тугагандан кейин 12 соат ўтмасдан ўзбек адабиётининг ёрқин юлдузи ўз уйларида, қизлари Ферузахон, набиралари Азизахон ва куввлари Жумабойлар қўлида хотиржамликда боқий дунёдан фоний дунёга йўл олар эканлар, охириги сўзлари – илтимослари «дерезани кенг очинглар» дея тўйиб-тўйиб тоза ҳаводан нафас олганлари бўлибди. Шоирнинг куввлари Жума Нуров менга бу воқеа содир бўлганидан бир неча дақиқа ўтмасдан: «Анвармирзо ака, отамизни бериб қўйдик», – деб ўксиниб қўнғироқ қилди.

... Шоир вафотидан 12 соат олдинги мулоқотимиз ёдимга тушди. Шу куни Жамол аканинг кайфиятлари яхши, ақлу ҳушлари жойида эди. Мен Жамол ака билан учрашув вақтини қадрлаб суҳбатга доимо пухта тайёрланар эдим.



Ўша куни ҳам у кишига суҳбат, баҳс, мунозара учун аниқ мавзу ва саволларни тайёрлаб қўйган эдим. Шунга асосан суҳбатни бошладим:

– Жамол ака, мен бугун яна бир бор «Каъбатуллоҳ остонасида» шеърингизни катта ҳаяжон ва мамнуният ила ўқиб чиқдим. Менда гўёки шеър айнан Каъбатуллоҳ остонасида битилган деган фикр пайдо бўлди.

– Ҳа-да, ушбу шеърни 1989 йилда айнан Маккаю мукаррамада Каъбатуллоҳ остонасида яратганман.

– Жамол ака, мумкин бўлса, қуйидаги саволимга жавоб берсангиз: шўролар сиёсатининг динимизга, қадриятларимизга қарши хуружлари энг авжига чиққан вақтда қандай қилиб Макка зиёрати шарафига етгансиз?

– Анвармирзо, ёнингизда дафтар-қалам борми? Унда мен Каъбатуллоҳ зиёратига қандай эришганим тарихини тўлиқ айтиб бераман, сиз эса ёзиб олинг. 1989 йилда Туркия ҳукуматининг ташаббуси билан ҳар йили Истанбул шаҳрида ўтказиладиган жаҳон шеърляти байрамига ўзбекистонлик бир гуруҳ ижодкорлар таклиф қилинди. Гуруҳимизда мен ва Шукруллоҳ, Одил Ёқубов, Рамз Бобожон ва Эмин Усмон бор эди.



Худо ёрлақан кунда Истанбулдаги энг ҳашаматли саройлардан бирида жаҳон шеърляти фестивали бошланди. Юртимиз ижодкорлари номидан сўзга чиқишни оқсоқол ижодкорларимиз менга топширишди. Тадбирда раислик қилувчи Туркия бош вазири жаноб Демирел минбарга яқинлашганимда менга пешвоз чиқиб қўлимни сиқиб кўришди ва секингина мурожаат қилди: «Жамолбей, илтимос, бизнинг турк тилида бир неча сўз айтинг, ҳамма хурсанд бўлади». Мен қўлимдан келганча ҳаракат қилиб кириш сўзимни турк адабий тилида айтдим ва залдагиларга сўзим маъқул бўлди, улар мени кучли қарсақлар ила олқишладилар. Ўша

кундаги ажойиб-ғаройиб воқеалар ушбу туркча нутқимдан бошланди. Танаффус вақтида мен томонга бир турк биродаримиз кучоқ очиб келди: «Чўх гўзал сўз айтдингиз турк тилида. Туркча суҳбатлашсак бўладими?» «Албатта гаплашамиз, яна инглиз тилини ҳам ёрдамга чақирамиз», – деганимда янги дўстим жуда қувонди. Шу куни у билан суҳбатимиз менинг меҳмонхонадаги хонамда Тошкентдан олиб келинган қанд-қурс, Бухоро ҳалволари, қуруқ мева ва патир-нонлар билан чой устида ярим кечагача давом этди. Оромижон суҳбатимиз сўнгида турк дўстим: «Жамолбей, сиз билан учрашганим, бир-биримизга кўнгил очиб унутилмас суҳбат қурганимиздан ниҳоятда хурсандман ва Аллоҳга шукроналар айтаман. Рози бўлсангиз, мен сизга қиёматли акам деб мурожаат қилсам», – деди. Мен шодлик ила суҳбатдошимни қўллаб унга қиёматли укам деб кучоқ очдим. Шунда қиёматли укам: «Менинг имкониятларим кенг. Сизга бир яхшилик қилмоқчиман Худо йўлига, мендан нима истаюрсиз? Бирор орзуингиз амалга ошишига ёрдам беришга тайёрман», – деди. «Мен ҳаётимдан жуда мамнунман, бахтли оилам, уч нафар фарзандим, дўстларим бор, ўз-

бек жамиятида, адабиётида ҳурматим баланд, ижодим ҳам кўнгилдагидай давом этмоқда. Бирок орзусиз, армонсиз одам йўқ. Кўнглимда бир амалга ошмайдиган орзу яшайди, у ҳам бўлса Макка ва Мадина шаҳарлари ва қадамжолари зиёратига бормоқ», – дедим. Турк дўстим кутилмаганда: «Жамолбей акам, бу орзуингиз амалга ошишига ёрдам бераман. Ҳозир паспортингизни беринг, сизни эртанинг ўзида Умага бошлаб бораман», – деди. Менинг кўнглимда дарҳол бу инсоннинг ваъдасига ишонч уйғонди, унга миннатдорлик билдириб Умра сафарига жўнашга рози бўлдим ва паспортимни қўлига тутдим. Яна қиёматли укамга: «Бир илтимосим бор, – де-



дим. – Мен билан сафардош тўрт нафар забардаст ўзбек ижодкорлар бор, улар ҳам, шубҳасиз, Маккаю Мадинани зиёрат қилиш шарафига лойиқ шахслар. Имконингиз бўлса, уларга ҳам юксак ҳомийлик кўрсатсангиз». «Қиёматлик акам Жамолбейнинг дўстларини ҳам Умра сафарига олиб боришга тайёрман», – деди у. Шунда ҳамюртларимга хушхабарни етказиш учун Шукруллоҳ аканинг хоналарига кирдим. Бахтимга, у ерда жамоат жам экан. Уларга: «Қани, паспортларингизни менга беринглар. Эртага Худо берган турк биродарим бизларни Маккаю Мадина зиёратига олиб бормоқчи ўз ҳисобидан», – деганимда олдин сафардаги ҳамроҳларим устимдан кулишди. Шукруллоҳ ака ҳамманинг фикрини билдирди: «Жамол, сен жуда соддадил, ишонувчан одамсан. Қандай қилиб турк биродаринг бизни бир кунда Умрага олиб кетади?» «Саудия Қироллигига виза олиш учун Ўзбекистоннинг расмий розилиги керак, у ердаги аҳвол эса бизга маълум. Яна бугунгина танишган дўстинг йўлини топиб бизни Умрага олиб борди дейлик. Бунинг оқибатини ўйладингми? – деб гапга қўшилди ўша вақтда юртимиз ёзувчилар уюшмаси раиси бўлган Одил Ёқубов. – Биз бу авантюрага қўшилмаймиз. Зеро, Ватан бор, Ватанда болачақа бор». «Сизлар бормасангизлар ҳам, ўзим эртага Умрага жўнайман, Аллоҳга таваккал, орзуим амалга ошишига бир қадам қолганда шундай имкониятдан воз кечиб Аллоҳнинг ғазабига учрашдан қўрқаман. Тошкентда менинг жазоим бирорта ҳайфсан ёки нашриётдаги лавозимимдан бўшатиш бўлса, мени бундай жазолар қўрқитмайди», – дедим. Шунда гуруҳимиз оқсоқоли Шукруллоҳ бир зум ўйланиб туриб: «Жамолнинг айтганига қўшиламан, Умра сафари нақд бўлиб турганда ундан фойдаланмасак увол бўлади, биласизлар, мен жинойий ва маъмурий жазолардан қўрқмайман. Ўтмишда ҳеч қандай айбим бўлмаганда мени қатағон қилиб бир неча йилга Сибирь қамоқларига жўнатишган эди. Энди Маккаю Мадинани зиёрат қилганим учун жазолашса, ҳар ҳолда, нима учун жазоланганимни биламан», – деб паспортини менга топширди. Шукруллоҳ оқсоқолимиз фикри устувор келиб бошқалар ҳам менга паспортларини топширишди. Қисқаси, бу ёғига эртақ давом

этди. Эртаси куни қиёматлик укам бизнинг Истанбулдан Венага, Венадан Иордания пойтахти Амманга, Аммандан Жиддага учиб боришимизни таъминлади. Яна уч кеча-кундуз бу фаришта инсон Умра сафарини биз билан ўтказди.

Сафаримиз охирида Жидда аэропортида у зот ҳар биримизга эсдалик совғалари улашиб, бизни кузатиб қўйишни ўғлига топширди. «Меҳмонларни омон-эсон, яхши кайфиятда Истанбулга етказасан», – деб топшириқ берди.

Шунда қиёматлик укамни бир чеккага тортиб, ўтган кунларда беролмай юрган саволимни бердим: «Эй азиз инсон, сафардошларим билан сизнинг исми-шарифингизни билишни истаймиз, токи ҳаққингизга дуо қилиб юрайлик, бизга шунча ҳиммат кўрсатган олижаноб инсон ҳаққига шеърлар, қасидалар ёзайлик». Таниш-



ганимиздан буён мени ва ҳамроҳларимни қалб гўзаллиги, бағрикенглиги, ҳиммати баландлиги ва ақллилиги билан тинимсиз ҳайратга солаётган инсон мени яна бир бор лол қолдирди. У зот: «Жамолбей ака, мен қардош ўзбек халқининг энг етук шоири ва таржимони билан Маккаю Мадинага бирга бораман деган орзуимга етиш учун Аллоҳ йўлида ҳиммат кўрсатдим. Бунинг ажр-мукофотини Яратгандан кутаман. Сиз билан, қиёматлик акам, жаннат боғларида кўришмоқ ва Истанбулда бошланиб, Маккаю Мадинада давом этган, жонимга, руҳимга, ақлимга лаззат бағишлаган суҳбатларни давом эттирмоқни сўраб ўтаман. Сиз ҳам мени эслаганингизда шуни сўранг. Менинг кимлигим эса Аллоҳга ошкор, сизлар учун охиратгача сир бўлиб қолсин. Омин, оқ йўл сизларга, азиз умрадош ҳамроҳларим», – деб дуо қилдию ўз йўлига кетди.



БОЙМИРЗА ҲАЙИТ ВА УНИНГ ТУРКИСТОН ТАРИХИ ТЎҒРИСИДАГИ МЕРОСИ ҲАҚИДА

Р.Т.Шамсутдинов, А.Маҳкамов, Ш.Болтабоев

Боймирза Ҳайит Маҳмудмирза ўғли 1917 йил 17 декабрда Наманган уезди Уйчи райони Ёрқўрғон қишлоғида таваллуд топган. Онаси Робия Ҳайит ва отаси Мирза Маҳмудмирзо ўғли маърифатли инсонлар бўлишган. Ўрта мактабни битиргач, Тошкентдаги Ўрта Осиё давлат университетининг Тарих факультетини муваффақиятли битирган. Ўз она юртида мактабда тарих фанидан дарс бера бошлаган. Таътил вақтида Жалолободдаги санаторияда дам олаётганида уруш бошланиб қолиб, ҳарбий хизматга олинган. Қизил армиянинг танк қўшинлари қўмондони сифатида Иккинчи жаҳон урушида қатнашган. Урушнинг 10-кунида Белоруссия ҳудудида немисларга асир тушган. Боймирза Ҳайитнинг айтишича, ҳарбий лагердан уни Мустафо Чўқай олган. Асирликда у совет режимига қарши кураш олиб бориш учун сафарбар қилинган. Кейинчалик Вермахт томонидан ташкил этилган Туркистон легионида зобит бўлиб хизмат қилган. Боймирза Ҳайит Туркистон легионининг сардорларидан бири бўлган. Туркистон миллий комитети дастурида Ўрта Осиё халқларининг барчаси – қozoқлар, ўзбеклар, тожиклар, қирғизлар, туркманларни ягона Турк миллатига айлантириб Россиядан ажратиб олиш, ёшларни миллий руҳда тарбиялаш, унда турклар маданиятини кенг тарғиб этиш, Туркия билан яқин алоқа ўрнатиш, мил-

лий ҳукумат тузиш ва русларни ҳайдаб чиқариш кўрсатилган. Бу комитетнинг 40 кишидан иборат раҳбар органи Берлинда фаолият кўрсатган. Дастлаб унинг раиси Мустафо Чўқаев бўлган, 1942 йил охирида у ҳалок бўлгач, бу лавозимга Вали Қаюмхон тайинланган. Энг муҳим ҳарбий бўлимни Боймирза Ҳайит бошқарган. Вали Қаюмхон Кайзералледа яшаган, авиаҳужум пайтида бу жой ёниб кетган, шундан сўнг ҳарбий қўмондонлик ўз фондидан Курфюрстендамм кўчасидаги 99-уйни ажратиб берган, моддий жиҳатдан тўла таъминлаган. 1944 йили Вали Қаюмхон Розенберг қабулида бўлган, суҳбатда фон Менде иштирок этган. Унга лагерлардан кўпдан-кўп асирларни сафарбар этиш топширилган. Турли миллатга мансуб легионерларни бирлаштириш ва улар устидан руслар бошчилик қилиши масаласи кўтарилган. Бироқ бунга розилик берилмаган. Чунки бундай қарор қабул қилиш миллий регионлар шахсий таркибига салбий таъсир кўрсатар эди. Шу сабаб бу фикрни Вали Қаюмхон ҳам қабул этмаган.



Доктор Боймирза Ҳайит



1943 йили уларнинг қисмига Вали Қаюмхон келган. Батальон плацда саф тортган ва меҳмон нутқ сўзлаган: «Мен 20 йилдан бери большевикларга қарши курашиб келяпман. Энди биз сизлар билан биргаликда кураш олиб борамиз. Немислар бизнинг дўстимиздир. Улар бизга Туркистон халқини рус зулмидан озод қилишда ёрдам кўрсатадилар, бундай вақт тез орада юз беради. Немис қўшинлари ҳозирдаёқ Сталинград остонасида, уни забт этиб, Қозоғистон ва Туркистонни озод қилиш сари силжийди. Мен хон бўламан, сизлар эса йигитларим бўласизлар. Германияга сидқидилдан хизмат қилинглари, русларни аёвсиз йўқ қилинглари».

Бу ташрифдан сўнг икки кун ўтиб шахсий таркибга қурооллар берилган: ўқчи ротадагилар винтовкалар, пулемёт ротасидагилар қўл ва ўрнатиловчи пулемётлар, учта танкка қарши пушка олишган. Батальон дарҳол фронтга жўнатилган. Шунинг ҳам таъкидлаш жоизки, уруш вақтида немислар Берлинга маслаҳат учун Туркия генерали марҳум Анвар пошонинг укаси Нури пошони чақирдишган. У Германия қўмондонлигига барча туркий халқлар – туркистонликлар, озарбайжонликлар, қримликлар, иделуралликлар ва шимолий кавказликлардан турк армиясини ташкил этишни тавсия қилган. Германияга кетиш олдида Истанбулдаги Туркистон муҳожирлар ташкилотидан режа тузилган, ҳатто Нури пошони Туркистон давлатининг бошлиғи этиб тайинлаш кўрсатилган. Аммо Нури пошонинг лойиҳаси немисларга ёқмаган ва уни ҳарбий асирлар билан ишлашдан четлатишган. Умуман, немислар ҳарбий асирларнинг йирик қўшинларга айланишидан қўрқардилар. Уларда бунинг учун асос ҳам бор эди: ҳарбий асирларнинг қўмондонлик буйруқларини бажаришдан бош тортишлари бўлиб турган.¹

1944 йил 19 ноябрда Туркистон миллий комитетининг таркиби эълон қилинган, унга мувофиқ, Вали Қаюмхон раис бўлган, аъзолари


капитан Боймирза Ҳайит, гаупштурмфюрер Боқи Абдураззоқ, оберштурмфюрер Ғулом Алимов (андижонлик – Р.Ш.), унтерштурмфюрер Анаяв Кодшам ва бошқалар бўлганлар. Аммо СССРда яшаган легионерлар совет ҳокимиятининг қасос олишини олдиндан билганлар. Шу боис 1944 йили тажрибаларидан келиб чиқиб туркистонлик асирларнинг бир қисми Франция, Югославия, Польша, Италия, Словакия, ҳатто Испаниядаги партизанлик ҳаракатларига оммавий равишда ўтиб кетганлар. СС Туркистон командири, асли андижонлик Ғулом Алимов 1944 йил декабрида немис армиясидан дезертирлик қилиб, Венада съезд бўлаётган даврда Братислава ёнида турган руслар ва словаклар билан алоқа ўрнатиб, 500 нафар легионери ҳамда партизанлар билан биргаликда фашизмга қарши кураш олиб борган.



Шу анжуманда биз Буюк Бобурийлар салтанати, Туркистондаги «босмачилик» ҳаракати тарихини қардош турк биродарлар билан биргаликда тадқиқ этиш, бу икки масала бўйича ҳозиргача юз берган ноўрин, фанга хилоф қарашларга қарши илмий ҳамкорлик қилиш ҳақида чиқишлар қилганмиз. Анжуман ҳақида Туркиядаги «Хуррият» газетаси маълумотлар бериб борган, жумладан, бизнинг чиқишларимиз ҳақида ҳам ижобий фикрлар билдирилган.

Шахсий кутубхонамизда доктор Боймирза Ҳайитнинг бизга автограф билан тақдим этган мана бу иккита китоби сақланмоқда.

¹ Соцков Л. Неизвестный сепаратизм. На службе СД и Абвера. – Москва.: Рипол классик, 2003. – С.26.



*Мухтарам Ҳайитнинг
«Басмачилар» китоби
Д. Баймирза Ҳайит
ниҳоятларин билан
Баймирза - Ҳайит
Ankara, 7.1.1994*

*Muhterem
Prof. Baymirza Hayit'ine,
Sohbetlerimizden birini hatırlayarak
Bolsun, diye
Baymirza - Hayit 28.01.98*

Доктор Боймирза Ҳайитнинг турк тилидаги «Босмачилар: Туркистон миллий озодлик тарихи (1917 – 1934)» китоби даставвал немис тилида, сўнг турк тилида нашр этилган. Биз мазкур асарни биринчи бор ўзбек тилида Сиз муҳтарам ўқувчиларга тақдим этишни жоиз билдик.

МУҚАДДИМА

Бу тадқиқот Туркистоннинг 1917 – 1934 йиллардаги миллий курашига бағишланади. Бунини ўз тарихимизни тўлиқ ифодалаш йўлидаги биринчи қадам сифатида таърифлашимиз мумкин. Ҳозиргача Туркистоннинг бу драматик даври тарихини тизимли, илмий таҳлил қилишга доир ҳеч қандай тадқиқот йўқ эди. Бу тадқиқотда туркистонликлар ва руслар ўртасидаги қуролли тўқнашувлар кураши муҳокама қилинди. Туркистонликларнинг совет тузумига қарши миллий, маданий, исломий-диний ҳаракатлари ва миллий анъаналари (масалан, оилавий ҳаёт, анъаналарни сақлаб қолиш, русларга ассимиляция қилиш), бошқа томондан, Коммунистик партия ва Совет давлати миллий сиёсати ва унга қарши курашни ушбу китобнинг давоми сифатида кўриб чи-

қиш мумкин. Туркистонда 1989 йилдан бери «босмачилик» бўйича тадқиқотлар очиқчасига муҳокама қилиниши қувонарли ҳолдир. Бу ердаги ва хориждаги ҳамкасбларим ҳозирги мустақил Туркистон давлатларида (Қозоғистон, Қирғизистон, Ўзбекистон, Тожикистон ва Туркменистон) ва Москвадаги барча архивлардаги материалларни ҳисобга олган ҳолда изланишларини давом эттирадилар деб умид қиламиз.

Имкон қадар барча исмларни туркий та-лаффуз билан беришга ҳаракат қилдим. Китобнинг немис тилидаги нашрида муаллиф ва манба номлари транскрипцияси немис тилида берилган. Биз уларнинг туркий нашрида булардан воз кечдик. Биз туркча алифбодан фойдаландик. Кирилл алифбосида ёзилган муаллиф номлари, шиорлар, сўзлар ва унвонлар туркча алифбода берилган. Пастки изоҳларда муаллиф ёки сўз номларидан кейин қавс ичида хабар қилинади. Рақамлар бутун сарлавҳа шу рақам остида жойлашганлигини англатади. Ресурсларни қидириш пайтида кўплаб илмий кутубхоналардан ёрдам олиш шарафига эга бўлдим. Бунинг учун, айниқса, қуйидаги кутубхоналарга ўз миннатдорчилигимни билдирмоқчиман: Bayerische Staatsbibliothek, Мюнхен; Кёльн, Bundesinstitut für Ostwissenschaften кутубхонаси; Британия кутубхонасининг Ҳиндистон идораси, Миллий кутубхона, Лондон; Конгресс кутубхонаси, Вашингтон; Ҳовер инқилоб институти кутубхонаси ва Стенфорд университети, Калифорния; Жамоат кутубхонаси, Нью-Йорк: Universitätsbibliothek, Köln; Versitatsbibliothek, Истанбул. Колумбия университетидеги профессор Эдвард Оллвортга менга Версти кутубхонасида тадқиқот қилиш имкониятини бергани учун, айниқса, самимий миннатдорчилик билдираман. Жаноб Лоуелл А. Безанис, ушбу тадқиқот учун муҳим аҳамиятга эга ресурсларни топишда ёрдамингиз учун сизга алоҳида раҳмат айтмоқчиман. Шунингдек, Бриджит Диккинсон хонимга тил ва имло хатоларини текширишда, хоним Маурезн Турнбуллга (Лондон) Ҳиндистон кутубхонаси идорасидан кўплаб фотонусхаларни олишдаги



ёрдамлари учун ўз миннатдорчилигимни билдирмоқчиман. Сон-саноксиз жаноблар ва хонимлар маслаҳати, совғалари, манбалари ва меҳмондўстлиги билан ёрдам беришди. Мен уларнинг барчасига самимий миннатдорчилигимни билдирмоқчиман. Ушбу тадқиқотни амалга оширишда чет элдаги бир гуруҳ туркистонликлар иштирок этишди. Улар моддий ёрдам беришди. Махсус саҳифада бу одамларнинг исмлари тилакларим билан келтирилган.

Ниҳоят бу китобни чиқаришда менга ёрдам берган рафиқам Рутга ва фарзандларимга чин юракдан раҳмат айтмоқчиман. Бу асарнинг туркча версиясини нашр қилишга имкон берган Туркия диний жамғармасига чексиз миннатдорчилигимни билдираман. Бу асарни немис тилидан туркчага таржима қилиш, ёзишда ёрдам берган барча дўстларимга раҳмат айтаман.

Агар мен бу тадқиқот билан 1917 – 1934 йилларда Туркистон миллий курашидаги шахидларнинг зиёли хизматкори бўлиш шарафига муяссар бўлсам, ўзимни бахтиёр ҳис қиламан.

Dr. Vaymirza Hayit

КИРИШ

Руслар 1918 – 1935 йиллар ўзлари босиб олган Туркистонда дин ва ватан учун ўзларига қарши курашган мужоҳидларни, бу мустақиллик курашини «босмачи» ва «босмачилик» деб атаганлар. Шундай қилиб, рус шовинизми ва империализмига қарши бу миллий кураш ҳаракатини бошланишидан олдин омма олдида камситиб, тўхтатамиз деб ўйладилар. Нафақат Совет Россияси, балки Чор Россияси ҳам 1916 йилда Туркистонга бостириб кириш пайтидаги миллий кўзғолонларни худди шундай камситувчи сифатлар билан тилга олиб, «қароқчилар ҳаракати» деб атаган. Бироқ Биринчи жаҳон урушигача ҳам шундай инқилобий ҳаракатлар, ислоҳотчилик ҳаракатлари, миллий истиқлолчилик ҳаракатлари ўзларини кучли ҳис қила бошлаганлар. Бу ҳаракатлар мустамлака-

чи давлатларнинг ҳисоботларида «анархизм» деб номланган.¹

Бугунги ўзбек адибларидан Муҳаммад Али ўзбек-турк луғатига асосланиб қуйидагиларни ёзади: «Босмачи» ва «босқинчи» сўзлари, аслида, бир илдиздан келиб чиққан. «Босмачи»: босмачилар ҳаракати аъзоси; «босқинчи»: ҳужумчи, безори, босқинчи, ўғри, бегона юртни босиб олган куч, зўрловчи. Кўриниб турибдики, ҳар икки сўзнинг умумий маъноси иш-ҳаракатнинг бошқалар томонидан ташқаридан амалга оширилишидир. Хулоса қилиб айтганда, «босмачи» сўзи босқинчи, тажовузкор бирлашма деган маъноларни англатади.²

«Босиб олмоқ» феълидан олинган бу сўзлар деярли барча туркий шеваларда бир хил маънога эга бўлиб, ҳеч қандай яхши маъно билдирмайди, чамаси. Машҳур турколог Вильгелм Радлоффнинг фикрича, «босмоқ» дегани бостириш, сиқувга олиш, мағлуб этиш, бостириб кириш маъноларини билдиради.³

Аслида, бу таърифга кўра, «босмачи» ёрлиғи руслар учун кўпроқ мос келади. Ҳеч қандай ҳуқуқ ва қонунга эга бўлмаган, Туркистонга бостириб кирган, халқини қирғин қилган, бутун бойликларини талон-торож қилган бу империалистик кучга яна қандай сифат бериш мумкин? Афсуски, у ўзининг сиёсий ва ҳарбий устунлигидан фойдаланиб мазлум Туркистон

¹ Асфандиёров С. История Казахстана. 1-жилд. Олма-ота, 1935. 244-бет; Большая Советская Энциклопедия. 1-нашр. 1927. 5-жилд. 35-бет: «Чор маъмурияти полиция кучларини кучайтириш орқали ҳужум қилинган ҳудудларда босмачилар ҳаракатига қарши курашмоқда (охранка); баъзан ҳаттоки босмачилар тўдаларини йўқ қилиш учун махсус ҳарбий экспедициялар ҳам ташкил қилинган... Инқилобдан кейин (1917 йилдан кейин) босмачиларнинг ҳаракати бошқача тус олди; Б.Ҳайит. Совет Иттифоқида туркийлик ва исломнинг айрим масалалари. – Истанбул, 1987. 147-бет; Мирза Кенжабек. Фитна санъати // Эрк. Тошкент, 1990. 7-сон. 3-бет.

² Муҳаммад Али. Ҳақиқатдан чекинма тарих // Мулоқот. Тошкент, 1991. 2-сон. 64-бет.

³ Wilhelm W. Radloff. Опыт Словаря Тюркских Наречий. IV жилд. Санкт-Петербург, 1911. 1525 – 1526-бетлар; 1541: Босмачи – босиб чиқариш, босиш. Хойзер-Шевкет. 6. Baski. Wiesbaden, 1963. Луғатга кўра, «босмачи» сўзи бошқа сўзлар қатори «тўсатдан ҳужум қилиш» деган маънони англатади. Карл Стеуенвалдга кўра (Turkisch-Deutsches Wörterbuch. Wiesbaden, 1972), Basmaci = босма кўлёмалар ишлаб чиқарувчиси ёки сотувчиси; 1918 йилдан Туркистон озодлиги курашчиси. «Босиш» бошқа сўзлар қатори «тўсатдан ҳужум қилиш» деган маънони англатади. Худди шундай ҳолатда «Буюк туркча луғат» (Шевкет Радо, Муҳаррем Эргин томонидан нашр этилган) тасдиқланади: «Босмачи сўзи «тўсатдан ҳужум қилиш» маъносини билдиради.



мужоҳидларига ўз лақабини берди. Сиз уйга бостириб кириб, одамларини ўлдирасиз, мол-мулкини талон-торож қиласиз, кейин эса эгасини «босмачилик»да айблайсиз. Бу қандай қонунга мос келади ва буни қандай мантиқ билан изоҳлаш мумкин?

1991 йилнинг май ойида дунёнинг энг буюк романчиларидан бири, Туркистоннинг суюкли фарзанди Чингиз Айтматов билан бўлган суҳбатимизда Туркистон озодлик ҳаракатига қўшилган мужоҳидларни «босмачи» ўрнига «озод қилувчи» (нажоткор) деб аташ кераклигини айтди. Аммо қисматни қарангки, бу хунук сўз ҳам Туркистон мужоҳидларининг сифатдошига айланиб, вақт ўтиши билан тозаланиб, гўзал бўлди...

Подшолик даври ва Совет Иттифоқига оид бошқа луғатларда «босмачи» сўзининг «бандит» маъносини билдириши ҳақида маълумот йўқ.¹ Катта эҳтимол билан рус ташвиқоти Туркистон миллий курашини инкор этиш мақсадида бу сўзини қароқчи сифатида рус тилига ўтказган бўлиши мумкин.² Босмачи сўзи рус тилидан Ғарбий Европа сиёсий ва тарихий адабиётига ҳам худди шу маънода кўчирилган. Шундай қилиб, «босмачи» сўзи Туркистоннинг 1918 – 1934 йиллардаги миллий озодлик кураши тарихи учун умумий тушунча сифатида тарихий терминологияга ўтди. Китоб номи сифатида умумий фойдаланиш муҳитида қолиш учун «босмачи» тушунчасини танладим, лекин руслар ишлатган маънода ишлатмайман. Шу билан бирга, баъзи рус тарихшунослари босмачиларнинг ўғри эмаслигини, аксинча, Турки-

тонни Россия империясидан қутқаришни мақсад қилган истиқлол курашчилари эканлигини тез-тез таъкидлаб ўтишларини ҳам унутмаслик керак. Мен бу масалани кейинроқ батафсил кўриб чиқаман. Шуни ҳам билиш керакки, Афғонистоннинг руслар 1979 йил охиридан то ҳозирги кунгача давом этиб келаётган миллий истиқлол урушини босмачилик деб таърифлайдилар ва ўша даврдаги Туркистон босмачилари билан Афғонистон босмачилари ўртасида параллеллик мавжудлигига ишора қиладилар.³

Совет Иттифоқида Туркистонда совет даври ҳақида кўплаб китоблар, рисоалар, мақолалар нашр этилган, матбаа ҳаракати тарихига оид тарих китобларига ҳам айрим боблар қўшилган. Бу ёзма манбаларни имкон қадар жамлаб, китобнинг илова бўлимида беришга ҳаркат қиламан.

Босмачилар ҳаракати ҳақидаги совет тадқиқотлари ўзига хос кескин характерга эга бўлиб, буни қуйидаги фикрларда ҳам кўриш мумкин:

1. Советларнинг босмачилар ҳаракати ҳақидаги тадқиқотлари шу пайтгача расмий давлат тарғиботи ва Коммунистик партия тамойиллари таъсирида эди. Шунинг учун у воқеаларни холис кўрсата олмади. Совет тадқиқотларида босмачилик «аксилинқилобий, шовинистик ҳаракат бўлиб, унда феодаллар ва руҳонийлар ўз ҳукмронлигини ўрнатишга ҳаракат қилганлар» деб таъкидлайдилар. Уларнинг фикрича, босмачилар ҳаракати – «фуқаролар урушининг ҳодисаси ва кўринишларидан бири».

³ Борис Лунин. Басмачество: Социально-политическая сущность. Ташкент, 1984. 3-бет: «Уша пайтдаги Советларнинг Марказий Осиёсида бўлгани каби, бугун Афғонистонда ҳам босмачилар курол-яроғ ва сиёсий реакция байроғини кўтариб юришади». 130-бет: «Мужоҳид ва босмачи – бир тупроқ маҳсули. Тарих давомида улар бир-бирига яқин бўлган ҳодиса бўлиб, қон билан боғлиқлигини айтишимиз мумкин. Бинобарин, биз Марказий Осиёдаги босмачиларни кўздан кечириш орқали Афғонистондаги мужоҳидлик ҳаракатининг асл маъносини тарих нуқтаи назаридан билиш имконига эга бўлдик». А.И. Зевелов, Ю.А. Поляков, Л.В. Шишкина. Басмачество // Правда истории и вымысел фальсификаторов. Москва, 1986. 8-савол: «Афғонистондаги инқилоб муҳолифларини душман ёки босмачи деб таърифлаш тасодиф эмас». «Совет Ўзбекистони» газетасининг 1986 йил 28 январдаги сониди Афғонистон мужоҳидларининг раҳбарларининг президент Рейган томонидан қабул қилиниши «босмачиларнинг қабул қилиниши» деб берилган. Ҳозиргача чоп этилган совет нашрларида «Афғонистон мужоҳидлари худди Туркистондаги босмачиларга ўхшайди» деган совет тарғиботининг даввоси яққол кўриниб турибди. Бу гоё ўқувчига «аксилинқилобий» ва «қароқчи» образини етказиш мақсадида ҳамон сақланиб қолган.

¹ Худди шундай, Лазар Захарович Будагов. Сравнительный Словарь Турецко-Татарских Наречий. Санкт-Петербург, 1869 ва Э.В. Севортян. Этимологический словарь тюркских слов. Москва, 1978. Улар «босмачи» сўзига ҳеч қандай изоҳ бермайдилар. Р.Абдурахмоновнинг ёзишича (Русско-Узбекский словарь. Москва, 1954. 693-бет) «Разбойник» сўзи русчада Босқинчи, Ўғри, Таловчи, Йўлтўсар, Қароқчи деган маънони англатади.

² Руслар миллий курашнинг маъносини чалғитиш ва менсимаслик учун «босмачи» сўзини қўллаганлари ҳақида сон-саноксиз ёзма ҳужжатлар мавжуд. Худди шу мавзуда, масалан, С.Н. Ellis «The Transcaspian Episode» (Londra, 1963. Hutchinson Co. Publishers) асарининг 165-бетиди шундай ёзади: «Босмачи қароқчилар сўзини большевиклар рус ҳукмронлиги ва большевизмга қарши мусулмон миллий инқилобига нисбатан номақбул маънода қўллашган. Илгари кўзғолонлар бўлиб ўтиб, 1916 йилда чор кўшинлари томонидан қаттиқ бостирилиши билан яқунланган.



2. Советлар ҳар доим босмачилар ҳаракати немислар, турклар, англизлар ва америкаликлардан доимий ёрдам олган деб даъво қиладилар. Бироқ улар буни тасдиқловчи ҳужжатлар билан ҳеч қандай далил келтира олмадилар.

3. Советларнинг босмачи тадқиқотлари бу миллий кураш Туркистоннинг оммавий ҳаракати эканлигини инкор этади. Улар руҳонийлар ва бойлар каби жуда кичик муҳолифат гуруҳи Туркистон халқига таъсир ўтказишга ҳаракат қилмоқда деб даъво қиладилар.

Албатта, объектив тадқиқот совет тадқиқотларининг бундай даъволарини қабул қилмайди. Ушбу тадқиқотда биз бунинг сабабларини тўлиқ тушунтиришга ҳаракат қиламиз. Лекин, биринчи навбатда, бир ҳақиқатни унутмаслик керак: босмачилар ҳаракати собиқ Россия империяси давридаги фуқаролар урушининг бир қисми бўлмаган. 1918 – 1919 йилларда Туркистонда большевиклар ва большевикларга қарши руслар бир-бирига қарши курашдилар. Эҳтимол, биз бу воқеани Россиядаги фуқаролар урушининг бир қисми сифатида кўришимиз мумкиндир. Ҳар иккала қарама-қарши рус қаноти ҳам ҳукмронлик учун курашда ғалаба қозонишга ҳаракат қилишганди.

Лекин Туркистон ва Россия ўртасидаги кураш фуқаролар уруши эмас эди. Чунки қарама-қарши кучларнинг миллий тушунчалари бутунлай бошқача эди. Руслар Туркистонни ўз ҳукми остига қайтариб олоқчи эдилар. Туркистонликлар эса Россия ҳукмидан қутулиб, ўз миллий давлатини барпо этишга ҳаракат қилардилар. Туркистон Россия томонидан ҳарбий жиҳатдан босиб олинди. Туркистонликлар Россия фуқароси эмас эдилар, барча совет тарихчилари ва географлари Туркистон совет вилояти эмаслигини тасдиқлайдилар. Бу мамлакатда бугунги кунгача сақланиб қолган хусусиятлар (тили, ландшафти, маданияти ва тарихи, дини, ҳудудий интроверсияси, ўзига хос урф-одат ва анъаналари ва бошқалар) мавжуд. Буларда русларга ҳеч қандай ўхшашлик йўқ.

Совет Иттифоқи ҳозиргача босмачилар ҳақидаги архив материалларини эълон қилмаган. Советлар ўз ихтиёрида босмачилар ҳаракатининг ҳақиқий миллий тавсифини очиб

берадиган кўплаб манбаларни ёпдилар: масалан, Қизил Армиянинг тезкор буйруқлари, тезкор хариталар, шаҳид бўлган босмачилар рўйхати, ҳукуматнинг махфий қарорлари ва бошқалар; разведка бўлинмаларининг хабарлари, заҳарланган ичимлик суви, қудуқлар ва ёқилғи қуйиш шохобчаларининг диаграммаси; босмачиларга нисбатан барча суд қарорлари; туркистонликларнинг босмачи операциясига муносабати ҳақида ёзма хабарлар; уруш ўлжаларининг расмлари; ҳаракат пайтида ва 1934 йилдан кейин Сибирга сургун қилинганлар рўйхати; ҳукумат ва Коммунистик партия маъмуриятининг босмачиликка қарши курашда ва ундан кейинги даврдаги сиёсий ёки иқтисодий низомлари ва махфий фармонлари. Босмачи маъмуриятининг ҳужжатлари совет ҳокимияти томонидан қўлга олинган. Қизиғи шундаки, улар томонидан 1919 – 1935 йилларда Совет Иттифоқида нашр этилган кўплаб асарлар ҳам тадқиқот учун очиқ эмас.

Агар улар тадқиқот учун босмачилар ҳақидаги архив материалларини чиқармасалар, биз илм-фаннинг мустамлака тарихидаги ноёб ҳодиса бўлган ўша буюк, қонли тарихий воқеаларни тўлиқ етказишини кута олмаемиз. Эҳтимол, Советлар Қизил Армиянинг босмачиларга қарши олиб борган шафқатсиз кураш усулларини яшириш учун ҳеч қачон босмачилар ҳақидаги архив материалларини нашр этмаслар. Шунга қарамай, ғарб тадқиқотчилари советларнинг босмачилик ҳақидаги иккиламчи манбаси бўлган ушбу нашрга ихчам баҳо берсалар, қандайдир хулосалар чиқаришлари мумкин.

1920 йилдан кейин Ғарбий Европа ва Америкада босмачилар ҳақида бир нечта мақолалар нашр этилди. Европа-Америка ҳам, мусулмон Шарқи ҳам кенг қамровли тадқиқот асарини нашр этишда муваффақият қозона олмади. Тадқиқотчилар Ғарбий Европада жуда кўп бўлган босмачилар ҳақидаги ҳужжатларни илмий жиҳатдан ҳам кўриб чиқмаганлар. Худди шундай, Англия, Франция, Австрия, Венгрия ва Туркия архивларида ҳам босмачилар ҳақида олимлар томонидан ҳеч қачон ҳисобга олинмаган ҳужжатлар мавжуд. Мен ушбу тадқиқот



учун Ғарбий Европа архивлари ҳужжатларидан фойдаланишга қарор қилдим. Тан оламан, молиявий сабабларга кўра барча ҳужжатларга эга бўла олмадим.

Шу боисдан ҳам «Босмачилик ҳақида Британия, хусусан, Ғарбий Европа ҳужжатлари» сарлавҳаси остида кейинги манбаларни баҳолаш иши, эҳтимол, келгусидаги тадқиқотчиларнинг вазифасидир.

Босмачишуносликнинг яна бир муаммоси шундаки, у воқеаларни унда яшовчи (муҳоҷидлар) нуқтаи назаридан етказди. Бу билан мен Туркистон халқининг ўзлари томонидан босмачилар ҳаракатининг намоён бўлишидаги муаммоларни назарда тутяпман. Маълумки, босмачи маъмурияти кураш даври воқеалари ҳақидаги ёзма матнларни тўплаган, аммо бу ҳужжатлар Қизил Армия бўлинмалари ёки инқилобий кенгаш органлари томонидан босмачилар мағлубиятга учратилганида қўлга киритилганди.

1921 – 1935 йиллар оралиғида кўп сонли босмачилар, жумладан, унинг етакчилари Туркистонни тарк этишга муваффақ бўлдилар. Тўғрироғи, Афғонистон, Эрон ёки Хитой ҳукмронлиги остида бўлган Шарқий Туркистондан бошпана топиб, босмачиларга оид бир қанча ҳужжатларни ўзлари борадиган жойларга олиб кетишган. Ҳужжатларнинг аксарияти Афғонистон архивига топширилган. Қочган босмачилар сони шаҳидлар ёки асирлар сонига нисбатан жуда чекланган эди. Бироқ босмачилар ҳаракатида иштирок этган бу гуруҳ хорижда хотираларини айтиб мустақиллик уруши (босмачилик) тарихига ҳисса қўшиши кутилган эди. Шунини унутмаслик керакки, хорижда яшган ёки ҳозир ҳам яшаб келаётган туркистонлик сиёсий муҳоҷирлар, афсуски, бу буюк миллий курашнинг ойдинлашишига етарли ҳисса қўшмаяптилар. Жумладан, босмачиларнинг етакчиларидан бири Шермуҳаммадбекнинг хотиралари ёзилди. Аммо булар миллий курашнинг аниқ тарихини бериш учун етарли эмас. Туркистондан келган сиёсий муҳоҷирлар ҳам шу мавзуда бир неча мақолалар чоп этишган. Бироқ булар жамоатчиликка тизимли ҳолда тақдим этилмади.

Ниҳоят бу тадқиқот 1917 – 1934 йиллардаги Туркистон миллий кураши тарихи ҳақида умумий ва тизимли тасаввур тақдим этишни мақсад қилган. Бу қуролли миллий кураш совет руслари ва ҳаракатнинг айрим хоинлари томонидан мағлубиятга учратилди. Аммо босмачилик руҳи совет маъмурияти учун қўрқинчли даҳшатга айланди. Бу руҳ эса ҳозирги Туркистон миллий кураши учун ғоялар мероси бўлиб келади.

1916 ЙИЛГИ ҚЎЗҒОЛОННИНГ ОҚИБАТЛАРИ

1916 йил 8 июлда рус подшоси фронт ортида ишлаш учун Туркистондан ишчи кучи олишга буйруқ беради. Бу буйруққа кўра, 484 000 туркистонлик (234 000 Туркистон генерал-губернаторлигидан ва 250 000 Дашт генерал-губернаторлигидан) зудлик билан аскарликка (мардикорликка – Р.Ш.) олиниши керак эди. Бироқ рус маъмурияти туркистонликларни қандай паст баҳолагани тез орада маълум бўлди.

Туркистонликлар урушда руслардан енгилган, аммо уларга хизмат қилиш ниятида эмас эдилар. 1916 йилнинг июлидаёқ подшо қарорига қарши биринчи реакциялар ва норозиликлар бошланди. Рус полицияси ва аскарлари намоёнчиликларга қарши ўқ узиш орқали норозиликларни бостириш мумкин деб ўйлаган ва шу тариқа подшоҳ буйруғини бажарган. Охир-оқибат намоёнчиликлар қуролли тартибсизликларга айланди. Шундай қилиб, руслар нафақат фронтда жанг қилиш, балки Туркистондаги қўзғолонни ҳам бостиришга мажбур бўлдилар. Қўзғолон Россияга қарши иккинчи фронтга айланди. Александр Керенский 1916 йил 13 декабрда император парламенти бўлган Думада рус маъмуриятини айблади: «Урушнинг ҳар бир жабҳасига янги Туркистон fronti қўшилди. Қаранг, жаноблар, Туркистон ва Қирғиз даштлари Тула ёки Тамбов вилоятлари эмас. Биз уларга инглизлар ва французлар ўз мустамлакаларига қандай муносабатда бўлсалар, шундай муносабатда бўлишимиз керак».



Шундай қилиб, Туркистон 1916 йилнинг августига Россиянинг fronti бўлиб қолди. Лекин Россия Туркистоннинг даҳшатли туши эди. Зўрлик билан 200 мингга яқин туркистонлик фронтга ишга олинди. 1917 йилдан 1918 йилгача улардан фақат бир нечтаси қайтиб келди. Қўлидан келмаганлар фронтларда ҳалок бўлдилар. Орқага қайтишга муваффақ бўлганлар эса мажбурий ҳарбий хизматга чақирилгани, у ердаги хўрликлар, уларга нисбатан ғайриинсоний муносабат туфайли русларга қарши бўлиб қолганлар.

Айниқса, шўро тузумининг биринчи даврида подшоҳ қўшинлари ва уларнинг қўл остидаги қўшинларининг Туркистонда қўзғолонни бостириш учун қилган ваҳшийликларини ҳеч бир рус тарихчиси яширмаган.

Қўзғолончиларга қандай муносабатда бўлганлигини яхшироқ тушуниш учун Россия губернаторларининг буйруқларидан мисоллар келтириш ўринли бўлади. Масалан, Туркистон генерал-губернатори Николай Куропаткин 1916 йил сентябрида: «Гуруҳ бошлиқлари (қўзғолон раҳбарлари назарда тутилган – Б.Ҳ.) қамоққа олинсин, иштирокчилар (оддий қўзғолончилар назарда тугилади) афв қилиниши мумкин. Шу маънода мен Государга (подшоҳга) хабар бераман, лекин қўзғолончилар кўп рус қонини тўккан Пржевалский (Қорағол) ва Пишпекнинг тоғли ҳудудларидаги қўзғолончилар бу буйруқдан ташқари жазоланади».

Фарғона вилояти ҳокими Гиппиус ўз қўл остидагиларга шундай дейди: «Маҳаллий халққа эълон қиламанки, артиллерия бўлинмалари Фарғона вилоятига ўз техникалари билан етиб келишди, бу бўлинмалар нафақат ғазабланган халқни бостиришга, балки бутун қишлоқларни тарқатиб юборишга, аҳоли пунктларини, керак бўлганда ҳатто катта шаҳарларни ҳам талон-торож қилиш, вайрон қилишга ҳам қодир. Қишлоқда кимдир тартибсизлик келтириб чиқарса, бутун қишлоқ вайрон бўлади».

Руслар ҳеч қачон ўзларининг қаттиқ чораларини яширишга эҳтиёж сезмаганлар. Етгисув ҳудудидаги қўзғолонни бостириш учун туркистонлик 83 854 оиладан 53 665 таси йўқ қилинди. 160 мингга яқин туркистонлик суд қарорисиз

бир умрга Сибирга сургун қилинди. Куропаткин тасдиқладики, 1917 йил февраль ойининг охирида ҳарбий суд 347 нафар туркистонликларни ўлимга, 228 нафарини умрбод қамоқ жазосига ва 129 нафарини қамоқ жазосига ҳукм қилган. Ушбу қарорларни бажариш генерал-губернаторнинг охирги расмий вазифаларидан бири эди. Баъзи чет эллик гувоҳлар, жумладан, австриялик ҳарбий асир, офицер Фритз Вилфорт 1916 йилда Жиззах шаҳридаги қўзғолонни бостириш учун русларнинг ғайриинсоний муносабатини тасвирлайди:

«1916 йил 2 август. Эски Жиззах вайроналар уюми, қўл етадиган ҳамма нарса ёниб кетган, ҳар томонда ўзимиз кўмишимиз керак бўлган ҳарбий асирлар жасадлари, ҳалок бўлган отлар. Бизнинг вазифамиз – отми, одамми, чуқурга барча жасадларни тўлдириш, ўликлар кўп. Уни майдончага йиғиб, ҳаво иссиқ бўлган пайтда ўт қўйишади. Қуёшнинг жазирамасида мурда ва жасадларнинг ҳиди ҳавони айнитади. Афсуски, даҳшатли қишлоқлар ҳам бор: жасадлар орасида ўлаётган ярим ўликлар рус аскарларининг зарбалари билан дарҳол бошқалар билан бирга дафн этилади. Бизнинг аскарлар бу даҳшатли қўл меҳнати эвазига Начальникдан (бошлиқ) мўл-кўл озиқ-овқат, ҳатто талон-торож қилинган кўрпа-тўшак, чой, тамаки, мулозимлар учун қуритилган мевалар каби барча турдаги нарсаларни олишга муваффақ бўлди».

1916 йилги Туркистон қўзғолони ҳақида Совет Иттифоқида кўплаб асарлар ёзилганини эслаш керак. Айниқса, кейинги пайтларда қўзғолон ҳақида «античоризм, антифеодализм ва реакционер» каби бирёқлама, ёлғон номлар қўлланилса-да, бу манбалар қўзғолоннинг ирода эркинлигига асосланган миллий қўзғолон эканлигини тасдиқламайди, батафсил маълумот бермайди.

Февраль инқилоби (1917) натижасида чоризм йўқолди. Аммо Туркистонда унинг 100 – 120 минг кишилиқ қўшини қолган деб ҳисобланган.

1917 йил феврилида Петербургдаги тўнтариш ҳақидаги хабар телеграф орқали Туркистонга етиб келди. Генерал-губернатор Ку-



ропаткин табиий равишда рус маъмуриятига содиқ эди ва ҳеч иккиланмасдан ўз идорасини янги Россия ҳукумати ихтиёрига топширди. Туркистон халқи ўзлари ярим подшоҳ деб ҳисоблаган подшоҳ ва губернаторнинг ҳукмронлиги тугаганидан хурсанд эди. Шунга қарамай, улар руслар қолдирган ваҳшийликни унутиш ниятида эмасди. Худди шундай, туркистонликлар саккиз йил ичида (1898 йилги Андижон қўзғолонидан кейин 1917 йилгача) биргина Туркистон генерал-губернаторлигида рус ҳокимиятига қарши 4922 марта қуролли ҳужум уюштирганини туркистонликлар ҳам, руслар ҳам унутмаган.

ТУРКИСТОН КЕЛАЖАГИ УЧУН 1917 ЙИЛДА ТУРКИСТОНЛИКЛАР БИЛАН РУСЛАР ЎРТАСИДАГИ КУРАШ

1916 йилнинг ўрталаридан бошлаб, айниқса, Туркистонда рус мустамлакачилари иштирокида ҳарбий террор тўлқини вужудга келди. Бу ерда туркистонликларга қарши хунрезлик ёки қирғинлар ҳақида гапирмаймиз. Чунки олимлар бу ишни кўп маротаба қилишган. Туркистон 1917 йилги инқилобда февралдан то сентябргача ижтимоий ва иқтисодий тушкунликда эди.

1916 йилда Туркистон генерал-губернаторлигидан Россияга 654 388 т пахта, 38 004 м² чидамли жун гилам, 49 744 тонна гўшт, 70 000 қорамол, 12 797 туя ва 2,4 миллион олтин рубль жўнатилди. Бироқ марказий даштлардан фронтларга қанча миқдорда материаллар жўнатилгани ҳақида маълумотга эга эмасмиз.

1917 йилда Туркистонда очарчилик бошланди. Сафаров 1917/1918 йиллардаги очарчилик оқибатларини Еттисув вилояти мисолида баён қилади:

«Маҳаллий маълумотларга кўра, турли ҳудудларда очлик, совуқлик ва касалликдан ҳалок бўлганлар сони 25% дан 50% гача. Ҳайвонларнинг атиги ўндан бир қисми омон қолди. 1918 йил февраль ойида 122 459 вагон буғдой келди. Барча кирувчи дон фақат рус халқиға тарқатилди».

Маълумки, Россия Туркистонда пахта етиштиришни кўпайтиришни рағбатлантирди, шу билан бирга, ғалла етиштиришни чеклади. Натижада Туркистон Россиядан жўнатиладиган донга қарам бўлиб қолди. 1917/1918 йилларда Россия Туркистондан пахта, Туркистон эса Россиядан ғалла ол олмади. 1917 йил февраль инқилоби даврида Туркистонда иқтисодий нотинчлик, очлик ва қашшоқлик хавфи юқори банд эди. 1917 йил апрель ойининг бошида Россия муваққат ҳукумати Туркистон генерал-губернаторлигида ижро этувчи Туркистон қўмитасини тайинлади. Собиқ чор амалдорлари, зобитлари, аскарлари, милиционерлари, темирўлчилар ва рус муҳожирлари (мустамлакачи ер эгалари) 1917 йил 6 мартда Тошкентда 19 кишидан иборат Жамоат ташкилотлари ижроия қўмитасини туздилар. Кўпчиликни ташкил этган бу аъзолар рус социал-инқилобчилари бўлган ва у Россия социал-демократик партияси (русча қисқартмаси – РСДРП) сафидан чиққан эди. Аммо бу қўмита санкция кучига эга эмас эди. Бу сафар инқилобий Россия номидан мамлакатни собиқ Туркистон губернатори Куропаткин бошқараётган эди. Ижроия қўмита Куропаткинни ҳудуддан олиб кетишни талаб қилди. Шундан сўнг Куропаткин 1917 йил 31 мартда Тошкентда ҳибсга олиниб, Петербургга олиб келинди.

Кенгаш Россия ҳукуматининг Туркистондаги ҳукмронлигини ишчи ва ҳарбий делегатларга, 1917 йил ўрталаридан эса деҳқон делегатларига ўтказиш масаласини кўриб чиқди. 1917 йил сентябридаёқ Кенгаш 13 кишидан иборат инқилобий қўмита тузди, жумладан, социал-демократларнинг сўл қанотидан 4 нафар большевик, беш нафар сўл социал-инқилобчи, социал-демократлардан икки нафар меньшевик ва икки нафар анархист. Бу қўмита бошқарувни кенгаш орқали қўлга олишда юзага келиши мумкин бўлган муаммоларнинг олдини олиши керак эди. У Тошкентдаги ишчи, аскар ва деҳқон делегатларидан иборат бўлган ижроия қўмитаси билан ҳам жуда яқин ҳамкорлик қилган. Қўмита 1917 йил 13 сентябрда Туркистондаги черкес қўшинлар қўмондонини ҳибсга олган эди. Энди кенгашнинг кўп аъзолари инқилобий қўмита билан ҳукмронлик учун курашдан



қочиш мақсадида Фарғона вилоятига кетишга мажбур бўлдилар. Кенгашда инқилобий қўмита ва социал-демократларнинг большевиклар қанотининг айрим аъзоларигина қолди.

Шундай қилиб, большевиклар келажакдаги ҳаракатларнинг моҳиятини белгилашда ўз сўзларига эга бўлдилар. Аммо улар ҳали ҳам социал-демократлар, ҳатто анархистларнинг иштирокига муҳтож эдилар. Улар ўз фаолиятини коммунист номи билан давом эттирмадилар.

1917 йил 7 ноябрдаги Петербург тўнтариши большевиклар томонидан амалга оширилган инқилоб ва муваққат Россия ҳукуматини ағдариш Тошкентдаги социал-демократларнинг большевиклар қанотини ҳам рағбатлантирди. Кенгашнинг ишчи, аскар ва деҳқон делегатларидан иборат инқилобий қўмитаси 9 – 13 ноябрь кунлари Тошкентда Ляпин бошчилигида қўзғолон кўтарди, бу қўзғолон натижасида 600 нафар аскар ёрдамида қўзғолончи темирйўлчилар шаҳар қалъасини эгаллаб олдилар. Шу кун Тошкент ишчи, аскар ва деҳқон делегатлари ўзларининг барча маҳаллий советларига телеграф орқали: «Тошкентда шўролар бутун ҳокимиятни ўз қўлига олдилар, сизлар ҳам ҳукмронлик қиласизлар», – деб хабар қилди. Қолаверса, 1917 йил февраль инқилоби даврида ўзини советларнинг маҳаллий вакили сифатида кўрган, лекин улар устидан ҳеч қандай ваколатга эга бўлмаган Тошкент шўроси эндиликда «Совет ҳукмронлиги» (Советская власть) қиёфасини ёйишга ҳаракат қиларди. Россия, албатта, большевиклар даврининг бошланишини назарда тутмаган. Бироқ бу ҳаракат билан Туркистонда Россияни советлаштириш бошланган эди.

Бирорта ҳам туркистонлик аъзо бўлмаган Ишчи, аскар ва деҳқон кенгаши делегатларининг ўзларини ёлғиз инқилоб вакиллари деб билишлари ҳам ғалати, ҳам кулгили эди. Маълумки, Туркистон меҳнаткашлари рус меҳнаткашларидан руҳланиб 1917 йил апрель ойида Мусулмон меҳнаткашлари иттифоқини ҳам туздилар. Ушбу иттифоқда фақат самарқандлик мусулмон ишчилар гуруҳи фаол эди. 23 ноябрда Тошкентдаги кенгаш – Иттифоқ ташкилоти, ишчи ва аскар делегатлари кенгашига қарашли Тошкент ижроия қўмитаси чекланган

бирлашма гуруҳидан иборат бўлиб, суверенитетнинг мусулмонлар томонидан тортиб олинишини кўриб чиқади. Туркистон шароитида совет ҳокимияти ўз қўлига ўтган деб даъво қилиб, мамлакатнинг аксарият қисмини ўз ирода-сига қарши зўравонлик йўли билан босиб олди.

Тошкентдаги большевиклар советлари зудлик билан ўзларини қонуний ҳокимият сифатида ўрнатишлари керак эди. Кенгашнинг инқилобий қўмитаси, ижроия қўмита деб ҳам атайдиган бўлсак, 1917 йил ноябрда Советларнинг 3-съездини ўтказди, унда тахминан 114 делегат қатнашди. Большевикларнинг Тошкент гуруҳи раҳбари Тоболин қурултойда большевиклар ва максималистлар (социал-инқилобий) фракцияларининг бирлашган декларациясини ўқиб чиқди. Унга кўра большевиклар ва максималистларнинг бирлашган фракцияси мавжуд марказий ҳокимиятни (Россияни назарда тутди – Б.Ҳ.) ва унинг бўлинмаларини тан олади ва бундан буён Халқ Комиссарлари Советини ишчи, аскар ва деҳқон делегатларининг энг юқори мамлакат ташкилоти сифатида тан олади. 114 нафар рус, 7 нафар большевик ва 8 нафар социал инқилобчи қатнашиб, 17 овозга қарши 97 маъқул овоз билан Советлар Халқ Комиссарлари таркибини сайладилар. Аъзолар орасида бирорта ҳам туркистонлик йўқ эди. Қурултойлар залида бўлган Туркистон Уламолар Жамияти раиси Шерали Лапин 1917 йил ноябрда бўлиб ўтган Туркистон мусулмонлари қурултойида Туркистоннинг мухторият ҳуқуқи тўғрисидаги қарорни ҳимоя қилди ва Россия советларининг ҳукмронлик талабига қарши чиқди. Руслар Лапиннинг сўзларига эътибор бермадилар. Халқ Комиссарлари Совети бошлиғи Ф.И.Колесов Конгресс якунида Ленинга шундай деди: «Халқ Комиссарлари Совети сизнинг барча буйруқларингиз бажарилишини таъминлашни ҳаётий вазифа деб биледи».

Тошкентда совет ҳукмронлигига бирданига эришилди. Большевиклар ва социал инқилобчиларнинг бирлашиши натижасида Советларнинг 3-съезди «инқилобнинг юқори органларига социал-инқилобий ва конституциявий демократларни, шунингдек, маҳаллий аҳоли орасида пролетар тузилмаси мавжуд эмасли-



ги сабабли маҳаллий мусулмонларни олиб келиш мақсадга мувофиқ эмас, чунки маҳаллий халқ ҳукмронликни қандай баҳолаётгани номаълум» деган қарорга келди. Бу қарор кўплаб совет манбаларида шармандалиқ билан кутиб олинди, аммо ҳеч бир совет манбаси бу илк «инқилоб»ни тан олмайди. Жорж Сафаров большевикларнинг бу бирёқлама маълумотларидан аниқ хулоса чиқаради ва шундай ёзади:

«Парламент ғалабасига эришилди, бироқ, айни пайтда, Туркистондаги мустамлакачилик руҳияти янги совет ҳокимияти томонидан яхши мустаҳкамланди. Янги ҳокимият меҳнаткашлар оммаси, мазлум халқларнинг ишончини қозониш ўрнига давлат ишончини қозониш учун ҳаракат қилишларини хоҳлади. Большевиклар партияси бундай воқеаларга аралашиб у ёқда турсин, ҳатто кўзга ҳам кўринмасди. Фақат бир неча большевик инқилобчилари талвасага тушиб қолди. Партия биринчи марта октябрь инқилобидан кейин ташкил этилган. Большевиклар партияси Туркистондаги совет ҳукмронлигини таъминлаши ўрнига совет ҳокимиятини тасдиқлаш зарурати туфайли совет маъмуриятининг ўзи большевиклар ва сўл инқилобчилар партияларини ташкил этгани катта зиддиятдир. Натижада большевиклар ва сўл социал-инқилобий партиялар бошиданоқ сонсаноқсиз авантюристлар, мансаб изловчилар ва жиноятчилар учун қайноқ нуқтага айланиши муқаррар эди. Большевиклар расман ўзларини «большевиклар ҳукумати партияси»дан бошқа нарса деб билишмагани ҳам жуда қизиқ.

Бошқа томондан, чор мустамлакасидаги сааноат пролетариатига мансублик руслар учун миллий имтиёз эди. Шунинг учун бу ердаги пролетариат диктатураси бошиданоқ типик мустамлакачилик эди; Рус меҳнаткашлари уюлмаган, инқилоб амалиётига мослаштирилган дастур ва инқилобий анъанага эга бўлишига қарамай, «Туркистон халқларини бошқариш» вазифасини ўз зиммаларига олишган, шу сабабли улар кўплаб оддий одамлар (ишчи бўлмаган одамларни англатади – Б.Ҳ.) билан «биргаликда ишлаш»га мажбур бўлишган.

Туркистондаги руслар «февраль-сентябрь» инқилоблари шарофати билан янги тузум то-

Улар 20 км узоқликдаги Бачкир қишлоғига етиб келишарди. Совет аскарлари қочганларни қишлоққача таъқиб қилиб боришди, лекин Бачкир ва унинг атрофидаги қишлоқларнинг мусулмон халқи бутун қишлоқ бўйлаб ислонинг яшил байроғини осиб ўз қишлоғини охиригача ҳимоя қилдилар ва руслар бу ҳудудда муваффақият қозона олмадилар. Қўқон шаҳри ҳимоячиларининг Бачкирда паноҳ топишига икки киши сабаб бўлди. Бу икки шахсининг ҳам исми Эргаш эди. Бу икки Эргашнинг бири катта, иккинчиси кичик бўлгани учун уларни катта-кичик Эргаш деб аташарди. 1917 йилда кичик Эргаш ўттиз нафар дўстлари билан бирга рус ҳукмронлигига қарши чиқади ва етти йил давомида тўда сифатида яшайди. Унинг гуруҳи омон қолиш учун Россия ҳукуматининг тижорат объектларига ҳужум қилди. Унинг ўзи ҳам ўз халқига заррача озор бермаган самимий мусулмон эди. Рус полицияси томонидан тинимсиз таъқиб қилинган Эргаш бирорта ҳам одамни ўлдирмаган эди. Эргаш 1913 йилда ушланиб, 20 йилга қамалди. 1915-йилда Андижон рус қамоқхонасидан қочган кичик Эргаш 1916-йилдаги қўзғолонга қўшилади ва 1917-йил апрелида туғилган жойи Бачкирга қайтади. У ва унинг дўстлари қурол сотиб олишга пуллари йўқлиги сабабли рус полицияси ва рус қўриқчиларининг қуролларини ўғирлашади. 1917 йил ноябрда Эргаш Қўқон шаҳар кенгаши томонидан милиция бошлиғи этиб тайинланди. 1917 йил декабрда ҳам

Туркистон мухторияти ҳукумати томонидан у шу лавозимга қайта тайинланганди. Шундай қилиб, унга анъанавий туркча «Қўрбоши»лик унвони берилди. Эргаш Россиянинг энг шафқатсиз душманларидан бири эди. У Қўқон шаҳрида ўз тарафдорлари билан йирик мағлубиятга учраган бўлса-да, жасорати ва умидини йўқотмади. Бачкирда қайта ташкил этилган Эргаш гуруҳи совет русларига қарши курашини давом эттирди. Бошқа шахслар ҳам гуруҳ-гуруҳ бўлиб озодлик курашини давом эттирди ва арман ҳамда рус аскарларига қарши курашди. 26 февралда руслар Бачкирга ҳужум қилди ва Эргаш тарафдорлари мудофаа позициясини эгалладилар. 1918-йил 27-февралда Эргаш қизил гвардиячиларнинг асосий нишони сифатида Бачкирда шахид бўлди.

Яна бир Эргашнинг ватани ҳам Бачкир¹ бўлиб, уни баланд ёки катта Эргаш деб аташарди. Эргаш диндор бўлиб, Қўқонда қилган маърузаларига ҳар сафар 20 мингдан ортиқ мусулмонлар ташриф буюришарди. Эргаш тинмай ўзининг диндор биродарларини русларга қарши курашга даъват этарди. У чор Россияси тугатилиши билан Туркистоннинг озод бўлиши мумкинлигига ишонган. Катта Эргаш Қўқондаги қирғинни, шаҳарнинг талон-тарож қилинишини ўз кўзи билан кўрган одам сифатида ҳозир ўзини совет ёки большевик деб атайдиган русларнинг фақат номлари ўзгарганини, лекин моҳияти ўзгаришсиз қолганини кузатарди. Айни вақтда Туркистон Мухторияти ғоясининг ашаддий тарафдори ҳам бўлган. Маълумки, XX аср бошларида Қўқон шаҳрида 248 та масжид, шулардан 18 таси катта масжид, 16250 та тураржой бўлган. 1917 йилда шаҳарда 382 та масжид, 40 та мадраса ва 6000 га яқин мусулмон руҳонийлари бўлган.

Масжидлар миллий ва диний масалаларни муҳокама қилиш ва қарорлар қабул қилиш учун йиғиладиган марказ вазифасини ўз зиммаларига олгандилар. Руҳонийларнинг аксарияти миллий кураш юкини ўз елкасида кўтарган етакчилар эди. Баъзи руҳонийлар қон

¹ Асарда Бачкир қишлоғи «Бачир» тарзида берилган. Аслида эса бу ҳудуд Фарғона вилояти, Бувайда тумани Бачкир қишлоғи номи билан маълумдир (– Р.Ш., М.А., Ш.Б.)



тўкилишини истамагани учун, қуролли кураш керак эмас, деб эътироз билдиришган. Бироқ, халқ орасида кўплаб тарафдори бўлган Мулла Эргаш, мусулмонлар чет эл ҳукуматларига бўйсунуши юз берган тақдирда Ислому мусулмонларни ҳимоя қилиб бўлмаслиги фикрини илгари сурди. Эргаш эркинлик ғоясининг ҳимоячиси сифатида кўпчилик руҳонийлар томонидан қўллаб-қувватланди.

1918-йил 20-февралда руслар ва туркистонликлар ўртасида уруш кетаётган бир пайтда икки рус зобити тинчлик шартномаси деб аталмиш шартномага замин яратиш мақсадида туркистонликлар томондан тўрт соатлик ўт очишни тўхтатишни талаб қилади. Руҳонийлар бу талабга ижобий жавоб бериш кераклигини таъкидлаган бўлсалар, Мулла Эргаш бунга қарши бўлиб: «Душманларимиз мағлуб бўлиш арафасида. Дарҳол ҳужум қилсак, ғалаба бизники... Уларга тўрт соат вақт берсак, бутун ўқ-дориларини қалъадан кўтариб, кейин бизни умуман тинч қўймайдилар. Биз ҳаммамиз вайрон бўлгунимизга қадар ҳужум қиладилар ва сизлар эса одамларнинг қирғини учун жавобгар бўласизлар. Сизлардан илтимос қиламанки, бизни йўқ қилиш учун уларга бундай имкониятни берманг» деб айтганди. Шунга қарамай, икки соатлик ўт очишни тўхтатишга келишиб олинди. Руслар шу икки соат ичида қалъадан олиб келинган қурол-яроғ ва ўқ-дорилар билан шаҳардаги мавқеини анча мустаҳкамлай олдилар. Икки соатдан кейин улар ўт очишни бошладилар. Ҳужум Қўқон бутунлай вайрон бўлгунга қадар давом этди, одамларнинг бир қисми жангларда ҳалок бўлди, қолганлари эса шаҳарни тарк этди. Эргашнинг бўлажак воқеалар ҳақидаги башорати ва оммани огоҳлантириши унинг ақл-заковати ва тажрибасини яққол кўрсатиб қўйганди.

Қўқон руслар томонидан босиб олинганидан кейин Эргаш Бачкирга чекинди ва кичик Эргаш билан русларга қарши кураш олиб борди. Кичик Эргаш шаҳид бўлгач, катта Эргаш қўмондонликни ўз қўлига олди ва шу тариқа «Қўрбоши» унвони соҳиби бўлди. Шундан сўнг русларга қарши урушни ташкил қилиш вази-

фаси тўлалигича Эргаш зиммасига тушди. У Фарғона водийси халқи томонидан танилган ва ҳурматга сазовор шахс эди.

Айни вақтда Фарғона водийсида русларга қарши курашган ва ўз гуруҳларига ўзлари бошчилик қилган 40 га яқин мустақил қўрбошилардан иборат босмачилар қўшини мавжуд эди. Бу 40 та қўрбоши орасидан қуйидагилар айниқса машҳур эди: Муҳаммадаминбек (ҳам омма орасида, ҳам кўплаб совет манбаларида Мадаминбек номи билан машҳур); Шермуҳаммадбек унинг ёрдамчилари этиб тайинланди. Бу мажлисда миллий курашнинг мақсадлари муҳокама қилинди. Қўрбошилар бутун Туркистонни рус ҳукмронлигидан озод қилишга, ислом ва миллий анъаналарга асосланган давлат тузумини барпо этишга қарор қилдилар. Маълумки, руслар томонидан Қўқонда мухторият ҳукуматининг тугатилиши оқибатида миллий кураш биринчи навбатда Қўқон шаҳрини ҳимоя қилиш тарзида юзага келди. Бироқ Туркистон мухторияти ҳукумати миллий курашни ривожлантиришда ҳам, ташкилий босқичда ҳам ҳеч қандай фаоллик кўрсатмади. Шу сабабдан қўрбошиларнинг мухтор ҳукуматни ҳимоя қилиш ёки Туркистон мухторият ҳукуматини қайта тиклаш мақсади йўқ эди. Туркистон Мухторияти Ҳукуматининг тирик қолган аъзолари ҳам озодлик курашчилари билан ҳеч қандай алоқага киришмаган.

Босмачилар ҳаракатининг майдонга келиши ва тарқалиши ҳақида туркистонлик йирик совет арбоби Турар Рискулов шундай деган эди:

«Қўқондаги босқиннинг излари йўқолгунга қадар дастлабки тўққиз кун ичида турли талончилик воқеалари содир бўлди. Дашноқлар дарҳол пул олиш учун шаҳарни талон-тарож қилишди. Бизнинг асримизда мўъжизалар содир бўлмайди. Аммо менинг бу ғояга бўлган ишончим ҳар кун инқилоб билан бирга яшайди ва ўзгарди. Шу шароитда дашноқларнинг Қўқонга кириб келиши билан барча арман дўкдорлари, вино савдогарлари, сартарошлари, қассоблари ва бошқа касб эгалари ҳақи-



кий «инқилобчи»га айландилар ва дашноқлар ҳарбий қисмларининг келиши билан шаҳар вайрон бўлди. Барча иш жойлари ва дўконлар талон-тарож қилинди, витрина ва омборлардан қимматбаҳо буюмлар олиб кетилди, қолган буюмлар ёқиб юборилди. Оммавий қотиллик ва отишмалар амалга оширилди. Халқ бу воқеалардан кейин мухториятчилар ҳақ экан, большевиклар ва советлар худосиз, исломнинг душмани экан деган хулосага келди. Бошқа томондан, босмачилар енгилганликларини қабул қилмай, Андижонга ҳужум қилиб, 70 қурол ва минглаб патронларни қўлга киритдилар. Гарнизондаги дашноқлар воқеада Эски шаҳар қисмида яшовчи аҳолини айблади. Гарнизонда қолганлар йиғилиб, шаҳарнинг эски қисмини талон-тарож қилиш, ўлдириш ва қиришга қарор қилди.

Зўрлаш воқеалари содир бўлган бу ҳужум тўлиқ бир ҳафта давом этди. Натижада Андижоннинг Эски шаҳар қисмидан минглаб одамлар босмачилар сафига қўшилди. Босмачилар маҳаллий халқнинг кўмаги билан 170 аскардан иборат Дашноқ бўлинмасини ўраб олди, бир кишини ҳам қолдирмай, ҳаммасини ўлдирди. Бу воқеадан кейин маҳаллий халқ айбланиб, 170 кишилиқ дашноқ бўлинмаси учун қасос олишга 250 кишилиқ қизил гвардия ҳарбий қисми тузилади. Бу бўлинма област Совет ижроия қўмитаси бошлиғи Салаев бошчилигида Қўқонқишлоқга ҳужум қилиб, қишлоқни вайрон қилди. Қочган одамларни 20 чақиримгача (1 чақирим = 1600 метр) кузатиб боришди ва уларни барчаси ҳалок бўлди. Босмачилар билан яна бир ҳарбий қисм Сузоқ қишлоғи атрофида тўқнашди.

Мустамлакачилар халқ билан учта тинчлик шартномаси туздилар. Ниҳоят, улар одамларнинг жасадларини кўмишга чақиринди. Халқ ўликларни йиғиштириб, қабр бошида намоз ўқиб диний бурчларини бажараётган бир пайтда рус деҳқонлари яна ҳужум қилиб, қуроллари билан намозхонларни аёвсиз ўлдиришди. Бозорқўрғондаги бу воқеа қўрбошиларни рус мустамлакачиларга нисбатан нафратини янада оширгани инкор этиб бўлмас ҳақиқатдир.

Бу воқеалардан кейин барча рус деҳқонлари қуроллантирилди, Жалолободда деҳқон қўшинининг штаби тузилди, худди шундай амалиёт Фарғона водийсида 1916-йилда Етгисув ҳудудида амалга оширилган эди. Дашноқларнинг бу каби ҳатти-ҳаракатлари, рус маъмурларининг узоқни кўра олмаслик ва нолойиқ хатти-ҳаракатлари, минтақада босмачилар сонининг кўпайишига сабаб бўлди».

Рисқулов бу фожиали воқеаларни ўз даврига нисбатан аниқ маълумотлар билан тасвирлаб бераётган бўлса-да, совет руслари ва дашноқлари томонидан содир этилган бу ваҳшийлик аслида Россия ҳарбий маъмуриятининг озодлик курашчиларига қарши стратегиясининг бир қисми эканлигини айтишга журъат эта олмаганди.

Озодлик учун курашчилар Фарғона водийсининг ҳар бир аҳоли яшаётган нуқтасида жанговар бўлинмалар тузаётган бир шароитда Тошкентда Совет комиссарлиги миллий автоном ҳукуматини ташкил қилди.

Советлар ғалабадан маст эдилар, қурол кучи билан душманларини йўқ қилганидан хурсанд эдилар. Энди улар ўз ҳукмронлигини мустаҳкамлаш учун Туркистоннинг бошқа ҳудудларини ҳам Совет Россияси гегемонлиги остига қўямиз, деб ўйладилар. Ана шу фикрлар Совет Россиясининг 1918 йил март ойида Бухоро шаҳрига биринчи ҳарбий тажовузини бошлашига сабаб бўлди.

Советларнинг Бухоро амирлигига қарши дастлабки тажовузи

1917 йил феврал инқилобидан кейин Бухоро амирлигида икки хил сиёсий оқим вужудга келди. Улардан бири Совет Россиясига содиқлигини изҳор қилиб, ўз суверенитетини сақлаб қолиш истагидаги амир Саид Олим томонидан олиб борилган ишлардир. Шу муносабат билан амир Саид Олим 1917 йил 10 мартда Россия ташқи ишлар вазирига телеграмма йўллаб, ўзи ва халқи Россияни Бухоронинг омон қолиши учун ҳимоячиси ва самимий дўсти сифатида кўришини билдирди. У ўз те-



леграммасида яна шундай дейди: «Бугун, 1917 йил 10 мартда рус аскарларининг ғалабасини нишонлаш мақсадида Бухоронинг барча масжидларида улар номига дуо ва ибодат қилишларини буюрдим».

Ўзларини ёш бухороликлар деб таърифлаган ислохотчилар (жадидчилар) Россия ва унинг ҳукумати ёрдамида давлат бошқаруви, шунингдек, Бухоро амирлигида маориф ва хўжалик ҳаётида ислохотлар ўтказмоқчи бўлдилар. Жадидлар феврал инқилобидан кейин ўз кўмиталарини ташкил эта бошладилар.

Кўмитани ташкил этишдан кўзланган мақсад амирни Бухородаги ислохотларни тинч йўл билан, русларнинг ёрдами ва кўмаги орқали амалга оширишга эришиш эди. Аммо Бухородаги жадид кўмитаси буни амалга ошира олмагандан сўнг, ислохот ғояларини инқилоб орқали амалга оширишга қарор қилди.

Бухородаги жадидчилар Россиянинг Бухородаги сиёсий ваколатхонаси (1917 йил апрелигача у Россиянинг Бухородаги сиёсий ваколатхонаси деб юритилган, кейин эса Россиянинг Бухоро элчихонасига ўзгартирилган) билан ҳамкорликда ислохотларни амалга ошириш учун сиёсий босимни сақлаб қолишга ҳаракат қилганлар. Жадидчиларнинг фикрларини амирга етказиш Россия сиёсий вакилиги зиммасида эди. Амир ҳам, эҳтимол, тазйиқларга чидай олмай, ислохотга рози бўлгандир. Бироқ амир ва жадидлар келишувга эришолмаган бўлсалар-да, 1917 йил 17 мартда амир ислохотларни ўз ичига олган Манифестни эълон қилди. Шундан сўнг жадидлар зудлик билан ҳаракатга киришди ва эртаси куни 1917 йил 18 мартда Бухоро шаҳрида 5000-7000 га яқин киши иштирокида қизил байроқ кўтардилар. «Муқаддас шаҳар» Бухоро кўчаларида қизил байроқларни кўтариб шаҳар марказида тўпланиш ҳеч ким кутмаган ҳодиса эди. Амирлик ҳукумати камида 30 нафар жадидни ҳибсга олди. Етакчи жадидлар Бухоро шаҳридан қочиб кетди. Янги Бухорода (Когонда) улар советлар қўл остида паноҳ топдилар ҳамда амирликка қарши курашда, рус ишчи ва аскар инқилобчилари томонидан қўллаб-қувватландилар.

Жадидлар ҳам ўзаро бўлинган эдилар. Баъзи жадидлар ислохотларни тинч йўл билан олиб боришга ҳаракат қилсалар, бошқалари ислохотларга фақат қуролли кўзғолон орқали эришиш мумкинлигини таъкидлардилар. Жадидчилар марказий кўмитасининг раиси бўлган Муҳиддин Мансур ислохотларни куч билан амалга оширишга ва Тошкентдаги совет комиссарлигининг Бухородаги жадидчилар ишларига аралашшига қарши чиқди ва 1917 йил май ойида ўз лавозимини тарк этди. Когонда сиёсий муҳожир бўлган жадидлар Бухоро амирлигига қарши курашда қурол ишлатиш тарафдори бўлган янги марказий кўмитани сайлайдилар. Шунга қарамай, улар ўз кучлари билан Бухорода кўзғолон уюштиришга эриша олмадилар; шунинг учун улар Бухородаги рус қўшинларига қарам бўлишга мажбур бўлдилар. Улар рус ҳукуматидан фойдаланиб, амир қарорларига таъсир ўтказишга ҳаракат қилдилар. Шу нуқтаи назардан, амир 1917 йил апрел ойида бош вазирни лавозимидан бўшатиб, унинг ўрнига Низомиддин Хўжани тайинлайди. Жадидчилар бу шахсни ислохот душмани деб билишарди. Шундан келиб чиқиб, «Ёш бухороликлар» кўмитаси 1917 йил 25 апрелда Россия ташқи ишлар вазирига телеграмма йўллаб, бу шахснинг тайинланишига йўл қўймаслик учун барча зарур чораларни кўришни сўради.

Россия ҳукумати ислохотчилар тарафида эканлиги маълум эди, лекин ҳукумат амирга қарши самарали ва кучли санкциялар қўллашга журъат эта олмади. Россиянинг амирликдаги сиёсий ваколатхонаси жуда фаол бўлиб, Бухорода бўлаётган сиёсий-маданий низолар, ҳаракатларни дарҳол Россия ташқи ишлар вазирлигига етказар эди. Шу нуқтаи назардан, ўша даврда Россия жадидлардан фойдаланиб, амирликни Россия ҳудудига тўлиқ қўшиш ғояси бор-йўқлиги маълум эмас эди. Россиянинг сиёсий агенти Миллер 1918 йил 18 мартда Петербургдан келган 1176-сонли телеграммага жавобан яширин телеграмма (128-рақам) жўнатади ва шундай дейди: «Бухоролик яҳудийлар, илғор савдогарлар ва шиалар орасида Бухорони бутунлай Россия таркибига қўшили-



шини ҳоҳловчилар ҳам бор». Бундай хабарлар Россия Совет ҳукумати ва Тошкентдаги совет комиссарлиги учун Бухоро амирлиги ҳақидаги келгуси қарорларга таъсир кўрсатадиган муҳим ҳужжат ҳисобланган.

Дастлаб Россия Совет ҳукумати Афғонистон, Эрон, Хива, Туркия ёки Кавказ мамлакатларида бўлгани каби Бухоро амирлигида ҳам ўз анъанавий сиёсатига содиқ эди. Россия ҳукумати Бухоро ва Хивадаги ўз ваколатхонасини «Совет Социалистик Республикасининг ваколатхонаси»га ўзгартираётган эди.



Файзулла Хўжаев

Россия Совет ҳукумати 1917 йил 12 декабрда Туркистон Совет Халқ Комиссарлигига телеграмма жўнатиб, Бухоронинг тўлиқ мустақиллиги қабул қилинганлиги ҳақида хабар берди. Бу гапнинг ҳаққонийлигига шубҳа қила олмаймиз, чунки ҳужжатнинг асл нусхаси

Тошкент давлат архивидан олинган ва бундан ташқари Петербургдаги советлар Англиянинг минтақадаги таъсирини олдини олиш мақсадида шарқ халқларини ўз томонига оғдириб олишга катта аҳамият бергандилар. Бошқа томондан, улар Бухоро амирлигининг Тошкентдаги совет тузумига қарши кураш марказига айланиши мумкинлигидан чўчиб, унинг мустақиллигидан кўрқарди. Шунинг учун советлар Бухоро ва унинг атрофидаги советлар фаолиятини қўллаб-қувватловчи одамларни Тошкентдан топишга ҳаракат қилдилар. Россия Совет ҳукумати Тошкентдаги совет маъмурияти ёрдами билан сўралган одамларни топишга муваффақ бўлди. Булар ислоҳотчи сиёсий муҳожирлар эди. Тошкентдаги Совет Комиссарлиги, Когондаги (Янги Бухоро) Россия ишчи, деҳқон ва солдат депутатлар совети бухоролик жадид муҳожирлар билан яқин алоқада бўлган. Бу воқеада Когондаги Полторацкий, Преображенский, Уткин каби рус инқилобчилари жуда муҳим рол ўйнадилар. Ра-

дикал жадидчилар Когонда рус совет раҳбарлари билан амирлик тузумини ағдариш режаларини муҳокама қилдилар. Преображенский Ёш бухороликлар Марказий Комитетига Халқ Комиссарлари Совети раиси Колесов билан Бухоро амирлигига қарши қуролли можарони муҳокама қилиш учун Тошкентга делегация юборишни таклиф қилди. Шундан сўнг, 1917 йил декабрида Файзулла Хўжаев ва Преображенский Тошкентга жўнаб кетишди. Ислоҳотчиларнинг марказий комитети ва Когондаги совет раҳбарлари Бухоро амирлигига қарши қуролли кураш режаларини ишлаб чиқдилар. Қўзғолонни тез орада Бухорода уюштиришга қарор қилинади. Режага кўра, марказий қўмита Бухоро ва Карки шаҳарларида иккита алоҳида қўзғолон ўтказиши ва Бухорода қўзғолон ярим тунда тўсатдан бошланиб, кундузи ҳукумат бинолари ишғол қилинади, амир ва унинг вазирлари ҳибсга олинади. Агар жадидлар қўшинлари етиб бора олмаса, «Ўртоқ» Колесов билан боғланиб, темир йўл бўйлаб қизил гвардиячилар хавфсизликни таъминлар эдилар. Тошкент ҳам қурол-аслаҳа билан ёрдам берарди. Файзулла Хўжаев кейинчалик бу режани Колесовга тақдим этганларида, Колесов айтилганларнинг ҳаммасидан қаноат ҳосил қилди. Файзулла Хўжаев кейинчалик бу ҳақда шундай ёзган эди:

«Колесов бизнинг режамизни принципиал жиҳатдан маъқуллаган эди, лекин у ҳамма нарсани шошилмасдан, босқичма-босқич тайёрлашни таклиф қилди. Қўқондаги мухтор ҳукуматнинг ташкилий босқичини эслатиб, уларнинг миллатчи ва аксилинқилобий, мустақил буржуа ҳукумати сифатида Туркистон учун бирлашганини мисол сифатида кўрсатди. Ўз фаолиятини бевосита Тошкент советларига қарши қаратган Қўқон ҳукумати аслида Тошкентдаги совет ҳукумати учун тўғридан-тўғри инқилобга қарши курашмаган Бухоро амирлигидан кўра хавфлироқ эди. Колесов ёш бухороликларга ҳар томонлама ёрдам беришга ваъда берган эди. Унинг ҳисоб-китобларига кўра, икки ойдан сўнг, Қўқондаги хавф тугаши билан, Бухорода якуний ҳаракатларни бошлаш мумкин эди».



Совет қўшинларининг Қўқондаги муваффақияти Совет комиссарлигининг руҳий ҳолатини анча яхшилаган эди. Тошкентдаги руслар Бухородаги жадидлар ёрдами билан қисқа вақт ичида Бухорода совет ҳукмронлигини кўп йўқотишларсиз ўрнатиш мумкин, деб ҳисоблар эдилар. Шу мақсадда ислохотчилар, Россия Совет ҳукуматининг Когон (Янги Бухоро)даги вакиллари ва Тошкент Совет Комиссарлигига бухороликлар рус қизил гвардиячилари ва ислохотчи қўшинларини кўришдан хурсанд бўладилар, деган уйдирма хабарларни тўплай бошладилар. Жадидчилар Марказий Комитети ва Колесов 1918 йил март ойида Бухоро амирлигига қарши қуролли ҳужум бошлашга қарор қилди. Жадидлар Бухородаги қўзғолонга бошчилик қилиш учун етти кишидан иборат инқилобий қўмита туздилар. Колесов 1918 йил 28 февралда 600 га яқин қизил гвардиячилар билан бирга Когонга келди. Колесов жадидчилар қўмитасига Қизил Армия бўлинмалари амир қўшинларига қарши курашга тайёр деб хабар берди. Бу ҳодиса ҳужумдан беш кун олдин содир бўлди. Икки «қаҳрамон» Туркистон Халқ Комиссарлиги Кенгаши раиси Федор Колесов ва Ёш бухороликлар ижроия қўмитасининг бошлиғи Файзулла Хўжаев 1918 йил 1 мартда Бухоро амирига ултиматум юбордилар. Ултиматум: **«Бухоро амирига!**

1. Ушбу мактуб билан Ёш бухороликлар талабларини сизларга етказамиз ва бу талаблар ҳеч қандай ўзгаришсиз яқин йигирма тўрт соат ичида бажарилишини сўраймиз.

2. Ҳукуматингизни тарқатиб, ўрнига уларни тайинланг, токи бундан буён ҳокимият Ёш бухороликлар ижроия қўмитаси қўлида бўлсин. Ижроия қўмита сиз билан боғланиш орқали янги ҳукуматни аниқлаб беради.

3. Агар қон тўкилишини олдини олмақчи бўлсангиз, бу илтимосларни борича қабул қилинг. Агар сиз ушбу шартларни қабул қилмасангиз, ҳар қандай қон тўкилиши учун жавобгар бўласиз. Бу ҳолатда қилинадиган барча ҳаракатлар бизнинг ихтиёримизда-

дир. Жавобингиз бизнинг шартларимизга мувофиқ бўлиши керак. Агар бундай бўлмаса, биз бунга сўровларимизни рад этиш деб ҳисоблаймиз.

Туркистон халқ комиссарлиги раиси - Федор Колесов

Ёш бухороликлар ижроия қўмитаси раиси - Файзулла Хўжаев».

Амир жавоб юборади, лекин сўровларга аниқ жавоб бермади. Шундан сўнг 1918 йил 2 мартда Ёш бухороликлардан ташкил топган 200 кишилик бўлинма темир йўл бўйлаб жойлашган 2000 нафар совет аскарлари билан биргаликда Бухорога қарата ўт оча бошлади. Советлар «Бухоро амири 1918 йил март ойида Туркистон Халқ Комиссарлари Кенгаши делегациясини ўлдиришга буйруқ берди ва шу тариқа Советларга қарши уруш бошлади деб иддао қилишди. Бу иддаолар бутунлай ёлғондир, чунки Совет комиссарлиги, албатта, ҳеч қандай делегация юбормаган. Совет қўшинлари ҳужумидан олдин Амирнинг буйруғи билан бирорта ҳам совет амалдори ўлдирилмаган. Урушни Совет маъмуриятининг ўзи бошлаган. Совет аскарлари Бухоронинг Фатихобод шаҳрида амир қўшинлари билан тўқнашади. Жанг ўн кунга яқин давом этади. Совет аскарларида зирхли поездга жойлаштирилган 12 та пулемёт ва 250 австриялик ҳарбий асир бор эди. Советлар ва уларнинг иттифоқчилари бўлмиш ислохотчилар Бухоро амирлиги ҳудудида кучли мағлубиятга учрадилар. Жадидлар совет маъмуриятига қўшинларнинг ҳужуми билан халқ қўзғолон кўтаришга ваъда беришди. Лекин бу содир бўлмади. Шу сабабли Совет Россияси маъмурияти Колесов қўшинларини қўшимча кучларни юбориш орқали қўллаб-қувватлашга қарор қилади.

Колесовнинг ўзи Совет қўшинлари томонидан ҳужумга ўтишни ва Совет аскарлари Когонга чекиниб, у ерда мудофаа позициясини эгаллашни буюрди. Тошкентдаги совет маъмурияти Домогацкий ва Колузаев қўмондонлигида тузилган алоҳида бўлинмаларни (сони номаълум) қўллаб-қувватлади.

Дастлабки келишмовчиликлар ҳозирда совет қўшинларига ишонган жадидчилар билан



Бухорода қўзғолон бўлишини кутган ҳолда ҳаракат қилаётган Тошкентдаги совет маъмурияти ўртасида бошланди. Совет рус армиясининг шармандали мағлубияти ва унинг оқибатлари ҳақида доимо гапирилди. Иккала томон ҳам бошқа томонни айблашди.

Совет қўшинлари Бухоро амирлиги билан тинчлик шартномаси туздилар. Икки томон делегациялари рус адабиётида «Рус ва бухоро вакилларининг 1918 йил 25 мартдаги Қизилтепаликдаги шартнома баённомаси», деб номланган 1918 йил 25 мартда имзоланган тинчлик шартномаси бўйича келишувга эришдилар. Шу тариқа Совет ҳукумати Бухоро амирлигининг мустақиллик ҳуқуқини иккинчи марта тан олди.

Совет Россиясининг Бухоро амирлигидаги ҳарбий жиноятлари кейинчалик совет пропагандаси томонидан «Колесов саргузашти» деб таърифланган ва ҳар икки томондан кўплаб ҳалокатларга сабаб бўлган ҳарбий ҳаракатлари Қизилтепада сулҳ шартномаси имзоланиши билан якунланди, дейилади. Жадидчи етакчиларидан Садриддин Айний: «Совет қўшинлари чекиниш чоғида вокзал яқинидаги аҳоли пунктларини талон-тарож қилдилар ва вайрон қилдилар, ёш бухороликларни ҳибсга олиб, шафқатсизларча отиб ташладилар» деб таъкидлаб ўтганди.

Совет ва жадидчиларнинг тажовузи ва уларнинг якунда мағлубиятга учраши амир ва унинг ҳукуматининг ғазабини кучайтирди. 1918 йил мартдан кейин амир ҳукумати 1500 дан ортиқ ислохотчиларни давлатга хиёнат қилгани учун қатл этди. Бундан ташқари, Совет қўшинларининг экспедицияси муносабати билан амирликнинг тўққиз нафар юқори мансабдор шахслари қатл этилди. Совет қўшинларининг Бухорога ҳужуми ва унинг ҳарбий мағлубияти амирликда антисовет кайфиятини юзага келтирди. Маълумки, амир ва унинг ҳукумати феврал ва ноябрь инқилобларидан кейин Россия ҳукуматига содиқ эди. Амир 1918 йил февралида совет қўшинлари томонидан Қўқонда содир этилган қирғин ҳақида бир оғиз ҳам гапирмади, Туркистон Мухторияти ҳукуматининг 1917 йил 13 декабр-

да Тошкентда бўлиб ўтган қўллаб-қувватлаш йиғилишини маъқулламади. Бироқ, 1918 йил март ойида улар «қўрқиб кетишди», лекин барибир рус маъмуриятига ишонди. Шунинг учун у амирликнинг тугатилиш санаси бўлган 1920 йилгача Туркистон миллий курашида на қатнашган, на қўллаб-қувватлаган. Аммо совет қўшинларининг Бухородаги мағлубияти Совет Россиясига қарши курашаётган гуруҳларнинг, айниқса Фарғона водийсида қатъийлигини оширган эди.

Советлар мағлубиятни ҳазм қила олмадилар. Ҳар ҳолда улар амирликни босиб олиб, уни советлаштирмақчи эдилар. Бироқ тайёргарлик учун вақт керак эди. Москва ва Тошкентдаги совет маъмуриятлари Бухоро жадидларидан амирликка қарши курашда ўз сиёсатини тарқатувчи сифатида жадаллик билан фойдаланмоқчи эдилар.

ТУРКИСТОН ОЗОДЛИК ҲАРАКАТЛАРИ ВУЖУДГА КЕЛГУНИГА ҚАДАР СОВЕТ РОССИЯСИНИНГ ТУРКИСТОН ФРОНТИ 1918-1919 йиллардаги Туркистон - Совет Россияси урушлари

1918 йилга келиб Фарғона водийси истиқлолчилари бутун ўлка устидан назорат ўрнатдилар. Руслар фақат чор гарнизонлари бўлган йирик шаҳарларда ёки темир йўл станциялари жойлашган жойларда ҳукмронликка эришдилар. Қизил Армия аскарлари замонавий қуроллар билан жиҳозланган бўлишига қарамай, озодлик курашчиларидан фарқли ўлароқ, Совет Россияси ўз ҳукмронлигини ҳамма жойда ёя олмади. 1918-йилда Фарғона водийсида советлар билан озодлик курашчилари ўртасида тинимсиз урушлар бўлиб ўтди. Урушда қўлга киритилган ҳудудларнинг доимий равишда қўлдан-қўлга ўтиши одатий ҳол эди. Қизил Армиянинг шаҳар ва қишлоқларга ўт қўйиши, беғуноҳ одамларни ўлдириши, аёллар ва қизларни зўрлаши, масжид ва тарихий биноларга ўт қўйиши, халқдан зўрлик билан озиқ-овқат йиғиш каби ғайриинсоний кураш усуллари халқнинг Совет Россиясига қарши курашини янада кучайтирди.



Совет Россия ҳукумати Туркистон Мухториятини тугатиш чоғида йўл қўйган хатоларини тезда англаб етди. Шунинг учун Туркистонга совет услубидаги мухторият бериш йўлларини излайди. Шу мақсадда Москва П.А. Кобозевни Туркистон учун Совет мухториятини ташкил этиш вазифаси юкланган фавқулудда Туркистон комиссари этиб тайинлади. 1918-йил 10-апрелда ўз ходимлари билан Туркистонга келган Кобозев ўзига берилган ваколатлар билан Туркистоннинг ягона диктаторига айланади. 1918 йил 20-30 апрелда Тошкентда Советларнинг навбатдан ташқари қурултойини ташкил қилди. Ушбу қурултой натижасида 1918 йил 30 апрелда Туркистон Совет Социалистик Мухтор Республикаси расман эълон қилинди. Москвалик диктатор Кобозев Марказий Ижроия Қўмитасини бошқарган (бу бош вазир лавозими), А.Ф. Солкин, Федор Колесов Халқ Комиссарлиги Кенгашининг вице-президенти ва раиси сифатида тайинландилар.

Шундай қилиб, миллий автономия ўрнига Совет Россияси ҳукмронлиги рамзи бўлган Совет Социалистик Мухторияти ташкил топди. Фақат ҳукуматнинг номи ўзгарди, лекин ҳукмронлик болшевиклар ва социал инқилобий руслар қўлида қолди. Руслар туркистонлик Низомиддин Турсунхўжани миллатлар бўйича комиссар этиб тайинлаб, ўзларининг «буюклигини» исботлашарди (бу Туркистон халқи комиссарлиги эди).

Марказий ижроия қўмитаси аъзоси бўлган Туркистонлик Сорабековнинг (Бу шахс ҳақидаги шахсий маълумотлар ҳозиргача ошкор этилмаган. – Б.Ҳ.) баёнотидан бу мухторият Туркистон учун миллий мухторият дегани эмаслиги аниқ. ТССАС (Туркистон Совет Социалистик Автоном Республикаси) вужудга келмоқда эди. У шундай деди: «Улар (руслар) бизга мухторият билан ҳеч нарса бермаган ва келажакда ҳам бермайдилар. Бу ерда улар билан яшашдан кўра, қишлоқларга бориб, мусулмонларни тартибга солиш зарурдир.

Қўқондаги арман қўшинлари ва Эргаш гуруҳи қароқчиларни таъқиб қилишда (Б.Ҳ.) деҳқон пролетариатини талон-тарож қилиб, қурол би-

лан 50 Верст (1 Верст = 1,6 км.) масофада қувиб боришган. Кейинчалик улар уруш комиссарлигига бориб, қишлоқ аҳолиси кўрпа-тўшак бермаганидан шикоят қиладилар. Туркистонликлар советларнинг мухторият номи остида кўраётган янги чора-тадбирларига ишонмас эдилар. Шунинг учун ҳам озодлик учун кураш давом этаверди. Советлар туркистонликларнинг миллий орзу-умидларини қондиришга қодир эмас эди.

Совет раҳбарларининг шуҳратпарастлиги ва чексиз очкўзлиги ҳатто ўзларига хизмат қилган Туркистоннинг маҳаллий халқи раҳбарларини ҳам совет ҳокимиятига қарши ашаддий душманга айланишига олиб келди. Бу борада 1917 йил мартдан 1918 йил мартгача Марғилон шаҳар милиция бошлиғи бўлган Муҳаммад Амин Бек (Мадаминбек) бу борада яхши намуна кўрсатади. Мадаминбеkning дастлаб Марғилон шаҳрида ёрдамчиси, кейин эса озодлик учун кураш бўлинмалари қўмондони бўлиб ишлаган Солиҳ Махдум Муҳаммадэшон 1921 йил август ойида Тошкентда Туркистон fronti штабига шундай баёнот берди:

Мадаминбек, Аҳмадбек ва мен 1918 йил 1 мартда мусулмон полициясининг бошлиғи этиб тайинландик. Бу даврда ўртоқ Суғрубов Марғилон шаҳар комиссари эди. Отишма, ҳибсга олиш, мусодара қилиш, очикдан-очик талон-тарож қилиш, масжидларга ўт қўйиш, муқаддас китоб (Қуръон)ни йўқ қилиш каби ақлга сиғмайдиган ҳаракатлар билан халқни ўзига қарши исён кўтараётган эди. Биз, бундай шароитда у билан ишлай олмаслигимизга ишонтирдик. Совет ҳукмронлиги вакили Суғрубовга қурол-яроғимизни бериб, қишлоқ хўжалиги билан шуғуллана бошладик, аммо советлар бизни тинч қўймади. Суғрубов ўринбосари Семонов билан бутун мол-мулкимизни талон-тарож қилгандан кейин уйларимизга ўт қўйишди. Совет ҳукмронлиги бизни тинч қўймаслигини англаб еганимиздан сўнг, миллий қўшинларимизни тузиб, совет ҳукмронлигига қарши курашга киришдик. Халқ биз томонда эди, қўшинларимиз уч ойда 1000 тага етди. Шунинг учун босмачилар ҳаракати-



нинг шаклланишига совет вакиллари айбдордирлар.

1918 йилнинг ўрталаригача Мадаминбек қўлида 1500 нафар мардлар (озодлик учун курашувчилар!) қўлига қурол олишга муваффақ бўлди. Шундай қилиб, Мадаминбек Туркистонда совет рус ҳукмронлигига қарши курашган қўрбошилар ичида, айниқса Фарғона водийсида энг нуфузли қўрбошига айланди. Бошқа Қўрбошилар совет давлат хизматидан хабари йўқ, улар оддий халқдан бўлиб, Туркистонда рус ҳукмронлигига чек қўйишга бел боғлаганлар. Ҳеч бир қўрбоши ёки жасур ҳеч қандай ҳарбий тайёргарликдан ўтмаган, уларда бор нарса жанг қилиш учун жасорат ва оддий ов қуроллари эди. Уларнинг асосий қуроллари темир таёқлар, қиличлар, пичоқлар ва тош отиш учун камар эди. Барча жасурлар анъанага кўра яхши чавандоз эдилар. 1918/19 йилларда басмачиларда тўп ва пулемётлар йўқ эди. Бошқа томондан, рус ва арман қўшинлари энг замонавий тарзда қуролланган эди.

Шундай қилиб, тўртта рус гарнизони (Скобелев, Қўқон, Наманган, Андижон) томонидан 13 дан ортиқ тўп ва 16 пулемёт!, шунингдек, бошқа тўплар (35-калибри) жанг майдонларида ишлатилган.

1918 йилнинг март-май ойларида Қўқон атрофида ҳужум қилган Қўрбоши Эргаш қўшинлари Бачкирдаги асосий қароргоҳларини қизил армия ҳужумларидан ҳимоя қилишга мажбур бўлдилар. Бу даврда Эргаш бўлинмалари Қизил Армия бўлинмаларига эллиқдан ортиқ ҳужум уюштирди. Эргашнинг 1918 йилда 16000 дан 18000 гача жасурлари бор эди.

Бу даврда Фарғона водийсида озодлик учун кураш оммавий ҳаракатга айланган эди. Бир қанча Корбаси турли ҳудудларда Қизил Армия аскарларига қарши операция олиб борди: Эргаш (тахминан 18000 аскар билан), Мадаминбек (5000 аскар билан), Шер Муҳаммад Бек (тахминан 6000 аскар), Холхўжа (3000 дан ортиқ), Парпи (тахминан 6000), Муҳиддин Бек (тахминан 4500), Омон Паҳлавон (2500 дан ортиқ). Фақат Нур Муҳаммад Бек (тахминан 3900) ва Жони Бек (тахминан 5700) халқ орасида анча машҳур бўлиб, мужоҳидларнинг энг

муваффақиятли раҳбарлари сифатида танилган. Юқорида зикр этилган қўрбошилардан ташқари қўрбошилар қўмондонлиги остида ёки яқка ўзи ҳаракатлар уюштирган.

1918 йил бошидан озодлик кураши етакчилари рус мустамлакачиларини зарарсизлантириш бўйича операцияларни кучайтирдилар. Мустамлакачилар ўз турар жойларида мужоҳид гуруҳлари ҳаракатларига нисбатан бетараф бўлишлари кутилмоқда. Бошқача айтганда, бу уларнинг Россия Қизил Армиясига ёрдам бермаслигини англатади. Бироқ, кураш етакчилари бу мақсадларга эриша олмайди. Русларнинг ғурури ва ватанпарварлиги уларни исёнкор халқларга сукут сақлашга тўсқинлик қилди. Мустамлакачилар Қизил Армия сафларида ўз ўринларини эгаллаб, улардан «ўзларини ҳимоя қилиш» деб номланган қуролларни олишади. Натижада улар Қизил Армиянинг ёрдамчи кучига айланади. Мужоҳидлар раҳбарларининг ҳаракати давомида вақти-вақти билан руслар жойлашган ҳудудларда уларга ҳужум қилишдан бошқа чора йўқ. Бу йўналишдаги ҳаракатларнинг биринчи мисоли 1918 йил июль ойида Россиянинг Андижон яқинидаги Мингтепа қишлоғига босмачилар томонидан қилинган ҳужумдир.

Бу аҳоли пункти 1898 йилги Андижон кўзғолони марказига айланган ва кўзғолон раҳбари Мадали Эшон шу ерда туғилган. Кўзғолон кўтарган туркистонликлар Андижондаги рус қалъасини босиб олиш учун ҳужумларини шу ердан бошламоқда эдилар. Маълумки, руслар бу кўзғолонни қонли бостирганлар. 1898 йил кўзғолони бостирилгандан сўнг Туркистон генерал губернатори Духовский Андижонга келиб, Мингтепа қишлоғида ҳам бўлади. Туркистонликлар губернатор кўчадан ўтаётганда унинг олдида тиз чўкишлари буюрилган. Духовский Мингтепени йўқ қилишни буюради. Бутунлай вайрон бўлган қишлоқдан 950 оила ҳалок бўлди. Кейинчалик қишлоқ номи Русское Село (рус қишлоғи) деб ўзгартирилди. Туркистонликлар руслар томонидан содир этилган бу ваҳшийликни унута олмайдилар ва 1918 йилда озодлик курашчилари русларни эски Минг-



тепадан ҳайдаб чиқаришларига ишончлари комил эди. Қўрбоши Охунжон 1918 йил июнь ойида русларни бир ой ичида бу турар жойни тарк этишга мажбур қилади. Бироқ рус мустамлакачилари маҳаллий халқни яхши қуролланган русларни мағлуб эта олади, деб ўйлама-гандилар.

1918 йил июль ойининг бошида Қўрбоши Охунжон Русское Село (рус қишлоғи)га ҳужум қилди. Охунжон бу ишга киришар экан, Минтепада туғилган ва 1898 йил қўзғолонида қатнашган Мадмуса Саркорнинг маслаҳати-га амал қилади. Минтепани забт этиш бўйича бу операция олти кун давом этади ва ҳар икки томон кўрган йўқотишлар аниқ маълум эмас. Озодлик курашчилари ҳудудни забт этишади. Руслар уларга ёрдамга Андижон гарнизонларидаги Қизил армия аскарлари келади, деган умидда таслим бўлишдан бош тортдилар. Аммо ёрдам келмайди, чунки гарнизонлар озодлик учун курашувчилар билан ўралган эди. Шафқатсизларча қаршилиқ кўрсатган руслар ҳалок бўлди, фақат ўттиз нафар ярадор рус қолди холос. Охунжон ярадорларни Жалолободдаги рус аҳоли пунктларига олиб боришни буюради. Ислом шариатида кўра, ярадорларни душман бўлса ҳам ўлдириш мумкин эмас эди. Бироқ, совет аскарлари мужоҳидларни ярадор бўлганларида ҳам ўлдиришган эди. Уларнинг фикрича, агар битта босмачи ҳам омон қолса, бу Совет мавжудлигига хавф туғдирарди. Озодлик мужоҳидлари ҳам русларнинг бу муносабатидан қойил қолишди ва улар ярадорларини тезроқ жанг майдонларидан йиғиштирар экан, ярадор қизил аскарларни турган жойида қолдириб кетишди.

1918 йил бошидан бери рус мустамлакачилари «босмачилардан ўзларининг ҳимоясини таъминлаш» учун ўзларининг ҳарбий қисмларини яратишга ҳаракат қилишди. Бу ҳаракат Тошкентдаги совет раҳбарлари томонидан маъқулланди ва қўллаб-қувватланди. Бу масала кейинроқ батафсилроқ муҳокама қилинди.

1918 йил июль ойида Қўрбошиларнинг жангчилари нефт конлари ва Чимёндаги рус аҳоли пунктларига ҳужум қилди. Руслар бир

тўп ва учта пулемёт билан жавоб берган тўқнашув тахминан тўрт соат давом этди ва қўрбошилар ўз қўшинларини олиб чиқишга мажбур бўлди. 1918-йил 30-июлда Қўрбоши Эргашнинг баъзи жангчилари Қўқон шаҳрига кириш йўлини тўсди.

1918-йил 20-октябрда Қўрбоши Эргаш 400 нафар жасур йигитлари билан Қўрбоши Қобулга ёрдамга келди. Қизил Армия бўлинмалари озодлик курашчилари томонидан мағлубиятга учради, аммо бу сафар руслар Скобелев шаҳридан ёрдам олишди. 1918 йил ноябрь ойининг бошида озодлик учун курашчилар Тўрақўрғон атрофидаги позицияларидан 150 нафар жасур қурбонлар билан чекиндилар.

Қўрбошилар Скобелев - Андижон ва Қўқон - Андижон темир йўлларини эгаллашга ҳаракат қилишган. Шундай қилиб, улар Совет қўшинларини йўқ қилишди. Аммо Совет қўшинлари қўмондонлари темир йўл транспортининг эгаллаши озодлик учун курашчиларнинг ҳал қилувчи мағлубиятини англатишини яхши билишарди. Қизил Армия бўлинмаларига собиқ чор Россияси зобитлари қўмондонлик қилган ва етарли ҳарбий тажрибага эга бу қўмондонлар темир йўл транспорти ҳар қандай ҳолатда ҳам уларнинг назоратида бўлиши кераклигини жуда яхши тушунишарди.

1918-йилда мужоҳидлар аслида Фарғона водийсининг ҳам ҳукмдорлари эди. Бошқа томондан, руслар фақат эски чор гарнизонлари ва темир йўлларни ўз назорати остида ушлаб туришлари мумкин эди. Шунинг учун улар доимо ҳимояда эдилар. 1918-йил 20-октябрда Мадаминбек қўшинлари Андижон ва Наманган гарнизонларига ҳужум қилди, аммо тўлиқ жиҳозланган рус гарнизонларини қўлга кирита олмади. 1918-йил 7-ноябрда Мадаминбек, Шер Муҳаммадбек ва Холхўжанинг 1500 дан ортиқ жасур йигитлари Чимён нефт конини ўраб олдилар. Етти кун давом этган ҳаракат натижасида юқорида тилга олинган Қўрбошилар 100 дан ортиқ жасур йигитларидан айрилиб, Чимёндан чекинишга мажбур бўлди. 1918 йил октябрь-ноябрь ойларида Қизилкуяни (кўмир кони ва турар-жой майдони) эгаллаш учун қарама-қарши томонлар ўртасида



шиддатли кураш бошланди. Қўрбошилар Совет аскарларини Қизилкуядан олиб чиқа олмадилар.

Лекин Қизилкуянинг ўзаро ҳужумлари навбатма-навбат давом этди. Ниҳоят, 1918 йил ноябрь ойида руслар ғалаба қозонди. Бироқ, руслар маҳаллий халқ учун раҳм-шафқат чегарасидан аллақачон ошиб кетган эди. Шу муносабат билан австриялик ҳарбий асир Вилфорт Қизилкуядаги русларнинг қирғинини кўрган гувоҳ сифатида қуйидагиларни айтди:

«Руслар ва, афсуски, бизнинг баъзиларимиз (Германия ва Австрия ҳарбий асирлари – Б.Ҳ.) Қизил армия сафларида маҳаллий аҳолига, хоҳ айбдор, хоҳ бегуноҳ бўлсин, қилган

ваҳшийликлари кўламини кўрсатиш учун қуйидаги мисоллар етарли бўлади: ҳамма Крепостга (қалъага) олиб борилди, у ерда улар учун катта қудуқ қазилди ва улар унинг четидан саф тортилди, у ерда отиб қудуққа ташланди. Қизилкуяда қўлга олинган чартер бандит тўдалари (озодлик жангчилари -Б.Ҳ.) ўлгунларича олдиндан ўт қўйилган майдон устида югуриб юрган. Венгрия соқчилари Крепостдаги асирларнинг бошларини тезроқ ва тоза, маълум бир вақт ичида маълум миқдордаги бошни кесиш учун мусобақага киришди! Яна бири фарзандини эмизаётган аёлни боласи билан бирга битта ўқ билан ўлдирганини мақтанди. Бу воқеаларнинг ҳаммасини бизнинг одамларимиз тасдиқлади!».



ҚУМАР ОНА ОБРАЗИ – РУҲЛАНТИРУВЧИ КУЧ

Алишер Қудияров,

Қорақалпоғистон давлат университети доценти, тарих фанлари номзоди

Аёл-қизлар жамиятда жуда катта куч. Уларнинг ҳар бири алоҳида тарихга, ҳар бирининг ўзиги хос фазилати ва қобилияти бор, ўтмиш даврларданоқ жамиятда ўз ўрнига эга бўлганлар. Оналар ўсиб келаётган авлодни Ватан туйғуси асосида тарбиялашда, ўзи туғилган ерни ташқи душманлардан ҳимоя қилишда, оила бекаси бўлишлари билан бирга халқнинг маънавий қудратини мустаҳкамлашда эркаклар билан бир қаторда туриб хизмат қилишган. Улар орасидан Тўмарис, Гулойим, Қумар она каби аёл-қизлар етишиб чиққан. Дарҳақиқат, халқ орасида улар ҳақида қатор афсоналар авлоддан-авлодга, отадан-болага ўтиб, халқ хотирасида яшаб келмоқда.

Президентимиз Ш.Мирзиёев: «Биз инсоният тараққиётига унутилмас ва беқиёс ҳисса қўшган буюк аждодларимизни дунёга келтириб, меҳр билан тарбиялаган, уларни улўвор ишларга руҳлантириб, камарбаста бўлган фозила аёлларимиз билан албатта фахрланамиз»¹, дея аёл-қизларнинг халқимиз тарихидаги ўрнига юксак баҳо берган эди.

Юксак кадр-қимматга эга қорақалпоқ аёл-қизларининг ўрни, юртимиз озодлиги учун курашлардаги қаҳрамонликлари бугунги авлодни тарбиялашда катта аҳамиятга эга. Улардан бизга илм ва маърифат, Ватанга муҳаббат, халқимизнинг бирлигини сақлаш ва бошқа инсоний фазилатлардан фахрланишга арзигулик мерос намуналари қолган. Шундай инсонлардан бири XIX асрдаги тарихий шахс Ерназар Олакўзнинг волидаси Қумар онадир.

Ерназар Олакўз қорақалпоқ халқининг ўз давлатчилигини тиклаши йўлида курашиб, халқимиз қудратини намойиш қилган буюк ботири. Биринчи Президентимиз И.А.Каримов «Мустақиллик туфайли қорақалпоқ халқи жуда кўп қадриятларини қайта тиклаш имкониятига эга бўлди. Адолат ва тенглик, озодлик ва эрк учун курашган Ерназар Олакўз, Оллаёр Дўстназаров сингари халқ қаҳрамонларининг – жасоратли, ўт юракли қорақалпоқ фарзандларининг орзу-армонлари амалга ошди»² деб юқори баҳолаган эди. Албатта, бунда Ерназарга тарбия берган Қумар онанинг ўрни алоҳида. Эрюрак аёл Қумар онадан туғилган Ерназар ёшлиқдан кучли ва ботир, етук инсон бўлиб улғаяди. 1992-йили Ерназар Олакўзнинг қабри устига баланд мақбара ўрнатилиб, ёнида онамиз Қумар Онага ҳам рамзий сағана ва қабр тоши қўйилибди.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи// Халқ сўзи газетаси, 2022 йил 8 март, № 50 (8112)

² Каримов И. Янгича тафаккур – замон талаби//Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т. 6. – Т.: Ўзбекистон, 1998. 268 б.



Ундаги катта мармар тошда: «Нақл қиладиларки, Алп Онадан деган, боболарнинг бу сўзлари – донолик. Халқига баҳодир ўғил туғиб берган, Руҳинг шод бўлсин, Қумар она!», деган шеър қаторлари машҳур шоир, Ўзбекистон қаҳрамони И.Юсупов ва академик С.Камалов томонидан тайёрланиб, халққа чуқур муҳаббат билан ёзилган.

Аёл-қизларнинг ватан ҳимояси йўлидаги озодлик учун курашидаги мардлик намуналари тарихимизда кўп учрайди. Халқ орасида тарқалган ана шундай афсоналарга кўра, бир куни хон Ерназарнинг мардлигига онасининг қандай таъсири бўлди экан, отасининг тарбиясини кўрмаган-ку, деб онани синамоқчи бўлибди. Шу тарзда, бир товоққа палов, бир товоққа Ерназарнинг бошини солиб, онасининг олдига ош енг, деб икки товоқни олиб келиб қўйибди-да, энди у нима қилар экан, деб кузаттирибди. Шунда она, аввало, бош солинган товоқни очиб пешонасидан силаб, баракалла ўғлим, ўзинг ўлганинг билан ҳали ҳам хондан баландроқ экансан, бошингни қадрлаб олтин товоққа солибди, шукр мен энди ўлсам ҳам сендан розиман, деб бошни ўраб қўйибди-да, паловни охиригача ебди. Буни эшитган хон, баракалла, бутун жасоратни онадан олган экан, дебди. Қумар онанинг ақл-фаросатли, сабрли, оқила аёл эканлигини кўрсатадиган ривоятлар халқимиз орасида кўп учрайди. Уйига меҳмон келган Есенгелди қизи Қумарни чақириб, меҳмонларга овқат олиб кел, деб айтади. Қиз яқин жойда қозикда боғланиб турган отга сакраб миниб ёйилиб юрган молларнинг ичидан, шу чопиб бораётган тулпори билан ёш бузоқни қуйруғидан ушлаб олиб, отнинг олдига босиб, олиб келган экан. Буни кўриб турган Майбас, агар шу қизни келин қилиб олсам, келажакда халқимнинг ғамини ўйлайдиган, халқига қўрғон, қалқон бўладиган ботир туғилади деб ақлидан ўтказибди. Кўп ўтмай бу ниятини амалга ошириб, Есенгелди билан куда бўлибди. Ҳақиқатан ҳам, ундан келажакда халқига қалқон бўлган Ерназар Олакўз туғилади. Академик С.Камалов томонидан тўпланган материалларда Ерназар Олакўз қўзғолон давомида яраланиб, оғриқдан қийналаётгани-

да ёнида ўтирган онаси Қумар тасалли бериб, сен нега қийналяпсан, бундай ҳолда сенга эргашган халқнинг руҳини туширасан, аксинча, бошингни тик тут, овозингни чиқармай чида, кучли бўл. Қандай армонинг бор? Халқинг изингдан эргашди, айтганингни эшитди, мақсадинга етдинг. Берган оқ сутимга розиман, дейди. Ҳар қандай она ўлаётган фарзандига ўзини қўлга олиб, шундай тасалли бера олмас керак. Мана шу воқеа орқали ҳам қорақалпоқ халқининг, уларнинг оналарининг мард образини кўриш мумкин. Ерназарнинг отаси Миржиқ қандай ботир, алпқомат бўлса, онаси Қумар ҳам ақлли, мард, қайтмас, довюррак аёл бўлган. Отасидан ёш етим қолган Ерназарни мардликка, ҳалолликка, довюррақликка, ватанпарварликка ўргатган, умуман халқининг ғами билан яшайдиган инсон этиб тарбиялаган Қумар онадир. Шу ривоят орқали Қумар онанинг ақлли, эл ғамини ейдиган, олдиндан ўйланувчи фаросатли аёл эканлигини англаб етишимиз мумкин. Халқ оғзидаги афсоналарда Қумар онанинг ботирлигини Хива хони ҳам тан олган. Хонга Ерназарнинг бошини олиб борганда Ерназарнинг онаси ҳам чақиртирилади.

– Ерназарнинг боши хуржундан олиниб, хоннинг олдига қўйилган вақтда хоннинг ранги оқариб, ўрнидан сакраб туради.

Буни кўриб турган она:

– Розиман ўғлим, берган оқ сутимга! Тириклардан қўрқмаган хон сенинг ўлигингдан қўрқиб ўрнидан турди, – дебди.

Хон:

– Ерназарни нега эрюрак ботир десам, унинг онасида бор экан-ку жасурлик, – деб Ерназарнинг онасини мукофотлаб, уйига қайтарибди¹.

Доноларимиз айтганидай, «болага берилган тўғри тарбиядан бутун халқнинг турмуш тарзи кўринади». Яна бир афсоналарга кўра, хон Қумар онани келини билан бирга чақиради. Қумар она хон келинини синамоқчи эканлигини билиб, хоннинг олдига борганда унга сир бермасликни уқтиради. Ҳатто боламнинг бошини олиб келиб кўрсатиши мумкин. Шун-

¹ Қарақалпақ халық аңызлары ҳәм анекдотлары. Н. 1995. 90 б.



да ҳам овозингни чиқармай, йиғламай, эътиборингни бўлмай ўтирасан, дейди. Шу орқали Қумар она халқимизнинг ботирлигини ва нимага қодир эканлигини кўрсатиб беради. Балки, халқ орасида хоннинг Қумар она ва унинг келинини қандай синовлардан ўтказгани ҳақида ҳам ривоят ва афсоналар бор бўлиши эҳтимол. Шунинг учун ҳам, уларни йиғиш, ўрганиш орқали Қумар онамизнинг қандай инсон бўлганлигини янада чуқурроқ билишимиз мумкин. Қумар она образи – бу халқни руҳлантирувчи куч. Яна бир афсоналарда Миржиқни (Миршоҳ) Айдос чақираётганини эшитиб, кийимларини шошилиб кийиб, ташқарига чиқиб хабарлашмоқчи бўлиб остонадан чиқай деганда аёли (Қумар – А.Қ.) туриб: «Ёвни йўқ дема, жар остида деган яроғларингни осиб кетсанг бўлмайдими?» дейди. ...Айдосга қараб: – Нодон, мендан нима кетар, ҳаммаси ўзингга бўлди. Ёв тарафдаги қалқонингдан айрилдинг. Бошингга келган бахтни қаро этдинг¹, – дейди. Шу афсоналар орқали Қумар онанинг оқила аёл эканлигини кўрамиз, у керак жойида умр йўлдошига ақл бериб, хавф-хатарнинг олдини олишга ҳаракат этган. Айдосга айтган гаплари ҳам унинг жуда ақлли, доно эканлигидан дарак беради. Шу орқали Ватанига бўлган муҳаббатни кўриш билан бирга, ўзгаларнинг қандай хаёлда эканлигини, шу билан бирга эл учун, туғилган ер учун жон куйдирган она сифатида билиш мумкин. Қумар она шахси орқали бутун қорақалпоқ халқи аёл-қизларининг мардлигини, гўзаллигини, чидамлилигини, ақллилигини кўрсатиб бўлади. Кейинги авлодни шу онамизга муносиб авлод этиб тарбиялаш, уни ғурур билан хотирлаб яшаш, халқимизнинг азиз

фарзанди сифатида ҳурмат-иззат кўрсатиш ҳар биримизнинг вазифамиз. Ёзувчи Ш.Сейтовнинг «Чироқчилар» романидаги мана бу қаторларни келтириб ўтиш ўринли деб ҳисоблайман.

«Онаси деворга орқасини берган кўйи ўтириб боласига тасалли бера бошлади, кўзида ёш ҳам, овозида хириллаш ҳам йўқ...

Яна такрорлаб айтаман: Қорақалпоқлар онанинг номига доғ туширган эмас!

Яна такрорлаб айтаман: қай дostonда мардлиги куйланган аёл бўлса шу қорақалпоқ аёли!

Яна такрорлаб онт ичаман: Кайхусравнинг калласини қонли мешга солган Тўмарис – қорақалпоқнинг яна бир онаси!

Яна такрорлаб айтаман: Нодиршоҳни қарши турган Гулойим қорақалпоқнинг қорапаранггина бир қизи!

Яна такрорлаб айтаман: Ерназар Олакўзнинг бошини олтин лагандан олиб, бир ўпиб қайтариб берган Қумар она манави қараб ўтирган онанинг қондош яқини! Донғи кетган қорақалпоқ аёллари, ҳасрат билан ерга букилса-да, сен асло синмайсан, донг таратган, донг таратган!»

Шундай инсонларнинг эл-юрт олдидаги хизматлари ўсиб келаётган авлодни тарбиялашда аҳамияти катта бўлиб, туғилган ерига, халқига бўлган фахр, муҳаббат туйғуларини уйғотган. Ўзининг фарзандларини халқининг келажаги учун тарбиялашда боболарининг тарихидан асосий қурол сифатида фойдаланган.

Дарҳақиқат, ҳар бир ота-она ўз фарзандларини Қумар онамиздай тарбияласа, келажакда мамлакатимиз ривожига ва мустақиллигини мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшган бўлади.

¹ Қарақалпақ халық аңызлары ҳәм анекдотлары. Н. 1995. 76-77-бетлар.



РОССИЯ ОЧАРЧИЛИК ҲУДУДЛАРИДАГИ АҲОЛИНИНГ ТУРКИСТОН АССРГА ЭВАКУАЦИЯСИ ТАРИХИДАН...

Саидмурод Тўрахўжаев,

Андижон давлат университети таянч докторанти

1918 – 1924 йиллар оралиғида Туркистон мухтор республика мақомида РСФСР таркибига кирган эди. Россия совет автономияси тизими доирасида ҳуқуқий, ҳарбий-сиёсий, иқтисодий муносабатларни қамраб олган бошқарув қарор топганди. Большевиклар ҳукумати Туркистонда ўзининг иқтисодий манфаатларига асосланиб, узоқни кўзлаб сиёсат юритган. Натижада Туркистонда ғалла ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириладиган ер майдонлари кескин камайиб, пахта экиладиган майдонлар кўпайтирилади. Шу туфайли Туркистон ўлкасида 1917 – 1919 йилларда озиқ-овқат танқислиги муаммоси юзага келган ҳамда аҳоли очарчилик ва қашшоқликка дучор бўлган эди. Боз устига, 1921 – 1923 йилларда Россиянинг марказий губерниялари (Волгабўйи, Жанубий Урал, Дон), Украина ва Қозоғистонда ҳам очарчилик ўзининг даҳшатли асоратларини қолдираётган эди.¹ Бу вақтга келиб очарчилик билан боғлиқ муаммолар ечимига иқтисодий қийинчиликлар гирдобида қолган Туркистон ҳам тортилади. Сабаби, совет ҳокимияти очарчилик рўй берган ҳудудлардаги очларни боқиш муаммосини уларни бошқа ҳудудларга эвакуация қи-

лиш орқали ҳал этишга кириша бошлайди. Натижада очарчилик ҳудудларидан юз минглаб оч қолганлар ўз оилалари билан совет ҳокимияти томонидан Туркистон АССРга эвакуация қилинади, бундан ташқари, яна юз минглаб оч-қочоқлар турли йўллар билан Тошкент, Самарқанд, Скобелев (Фарғона) ва бошқа шаҳарларга келиб ўрнашади.² Уларнинг озиқ-овқат ва кийим-кечак таъминоти эса маҳаллий аҳоли зиммасига юклатилган эди.

Манбаларни ўрганиш ва уларни таҳлил этиш орқали Туркистон ҳукумати раҳбарлари ва жойлардаги масъуллар, ўлкада рўй берган озиқ-овқат танқислигига қарамай, кўчириб келтирилган бошқа юрт вакилларини қабул қилиш ишларини имконият даражасида бажара олган деб айтиш мумкин. Дастлаб Туркистон ўлкасида 1921 йил 17 июлда бўлиб ўтган РКП(б) МК Туркбюроси мажлисида Россия очларига ёрдам кўрсатиш бўйича масала кўриб чиқилди ва тегишли қарор қабул қилинди.³ Ана шу қарорга асосан Туркистон МИК қошида 1921 йил 21 июлда Очларга ёрдам бериш марказий комиссияси ташкил этилди ва комиссиянинг вилоят, уезд-шаҳар, қишлоқ ва овулларда ҳам бўлимлари тузилди. Шунинг-

¹ Ражабов Қ. Бир аср муқаддам ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида даҳшатли очарчилик кузатилган: минглаб одамлар қирилиб кетган, канибализм ҳолатлари қайд этилган // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 2021. №44.

² Кўрсатилган манба.

³ ЎзР МА, Р-22 фонд, 1-рўйхат, 1-иш, 2 – 4-варақлар.



дек, очларга ёрдам бериш марказий комиссиясининг барча кўрсатмаларини Туркистондаги ҳамма совет ташкилотлари сўзсиз бажариши шартлиги белгилаб қўйилди. Ушбу комиссия зиммасига юклатилган мураккаб вазифалардан келиб чиқиб унинг таркибида қуйидаги йўналишлар бўйича махсус комиссиялар ташкил этилди:

1. Оч болаларга ёрдам.
2. Очларни қабул қилиш ва рўйхатга олиш.
3. Очларни жойлаштириш ва уларнинг меҳнатидан фойдаланиш.
4. Очлар таъминоти.¹

Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидаги очлар эвакуацияси жараёнининг дастлабки ойларидаёқ Туркистон ҳукумати ташкилий жиҳатдан кўплаб қийинчиликларни енгишига тўғри келади. Бунинг сабабларидан бири кўчириладиган очларнинг жуда кўп эканлиги бўлса, иккинчиси эвакуация жараёнида очларнинг уюлмаган ҳолда кўчиб келганлиги эди. Шунга қарамай, совет ҳукумати томонидан 1921 йил июль ойи охири ва август ойи бошларида Россиянинг очарчилик ҳудудларидаги очларни Туркистонга эвакуация қилиш ишлари амалга оширилади. Очларни қабул қилиш юзасидан совет ҳукумати ўлка раҳбариятига бир қанча топшириқларни юклайди. Хусусан, Туркистонга кўчириб келтирилганларни рўйхатга олиш ишлари 1921 йил август ойидан бошланиши, ўлкага келган очларни қабул қилишнинг ташкилий ишлари Туркистон МИК қошидаги Очларга ёрдам бериш комиссияси зиммасига юклатилганлиги архив манбаларида қайд этилган.² Ушбу комиссия томонидан Россиянинг очарчиликка юз тутган губернияларидан Туркистонга келаётган аҳоли вакиллари темирйўл станцияларида рўйхатга олиш, қайси миллатга мансублиги, жинси, ёши ва мутахассисликлари ҳамда ишга яроқлилик ҳолатларини аниқлаш ишлари амалга оширилади.

Туркистон ўлка раҳбарияти 1921 йил август ойидан ўз ҳудудига келган очларни қабул қилиш ва уларни жойлаштириш ишларини амал-

га ошира бошлайди. Кўчирилаётганларни қабул қилиш жараёнида тиббий ёрдам кўрсатиш ҳамда озиқ-овқат ва иш билан таъминлаш каби масалалар Туркистон МИК ва ХКС томонидан ҳал этиб борилган. Мавжуд архив ҳужжатларида келтирилган маълумотларга кўра, Туркистон ҳукумати раҳбарияти ўлканинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий аҳволдан келиб чиқиб 1921 йил охирига қадар ўз қарамоғига Россиядан эвакуация қилинаётган 100 минг нафар очларни Фарғона, Еттисув ва бошқа вилоятларга жойлаштириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади.³ Аммо большевиклар ҳукумати Россиянинг очарчилик ҳудудларидан Туркистонга эвакуация қилинадиган 100 минг нафар киши етарли эмаслигини ўлка раҳбариятига тушунтиради. Қолаверса, совет ҳукумати Туркистон ҳудудини Волгабўйи ва Уралолди ҳудудларидаги очларни кўчириш мумкин бўлган «ҳосилдор ҳудуд» деб ҳисобланган эди. Шу сабабдан Туркистон МИК 1921 йил 8 августда 200 – 220 минг нафар очларни қўшимча равишда қабул қилиш тўғрисида қарор қабул қилади.⁴ Бутунроссия Марказий Ижроия Комитети кўрсатмаси асосидаги ушбу қарорда очарчилик ҳудудларидан кўчирилаётган очлар Туркистонда вақтинча, яъни 1922 йил баҳорига қадар истиқомат қилишлари белгилаб қўйилган эди.⁵ 1921 йил август ойидан Туркистонга кўчирилаётганлар темирйўл ва сув йўли орқали келтирилади. Туркистонда эвакуация шунчалик жадаллик билан борадики, дастлабки режага кўра, ўлка ўз ҳудудига ҳар куни Самара томондан 20 вагон (500 нафар киши), Красноводск томондан 18 вагон (438 нафар киши), умуман олганда, бир суткада 950 – 1000 нафар одамларни қабул қилишга мажбур бўлган.⁶ Кундан-кунга кўпайиб бораётган очлар эвакуацияси жараёнидаги ташкилий ишлар, яъни уларни жойлаштириш масалалари бўйича тайёргарлик 1921 йил август ойидан бошлаб янада кенг қамровда олиб борилади. Бу борада ўлка раҳбарияти очларни жойлаш-

³ Известия (ТуркЦИК). 1921 йил 12 август.

⁴ ЎзР МА, Р-17 фонд, 1-рўйхат, 725-иш, 12-варақ.

⁵ ЎзР МА, Р-17 фонд, 1-рўйхат, 926-иш, 55-варақ.

⁶ ЎзР МА, Р-17 фонд, 1-рўйхат, 926-иш, 54-варақ.

¹ ЎзР МА, Р-39 фонд, 2-рўйхат, 58-иш, 21-варақ.

² ЎзР МА, Р-17 фонд, 1-рўйхат, 415-иш, 3-варақ.



тиришни ҳудудлар кесимида белгилаб беради. Ҳудудлар бўйича жойлаштириш ишлари архив манбаларида қуйидаги маълумотлар асосида баён этилган. Туркистон ҳукумати келатган очларни дастлаб Сирдарё, Самарқанд, Тошкент ва Фарғона вилоятларига жойлаштиришни белгилаб олади.¹ Орадан кўп ўтмай очлар Туркман вилоятига ҳам жойлаштирила бошланди. Қолаверса, Еттисув вилоятидаги Чимкент ва Авлиёота уездлари очларни жойлаштириш бўйича захирадаги ҳудудлар этиб белгиланган эди.²

Эвакуация билан боғлиқ қийин жараёнларга қарамай, Туркистон ўз ҳудудига ҳар куни минглаб одамларни қабул қила бошлаган. Манбалар таҳлили шуни кўрсатадики, Туркистондаги эвакуация бошқармаси Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидан келганларни расман рўйхатдан ўтказган ҳолати бўйича, фақатгина 1921 йил сентябрь ойидан 1922 йил февраль ойининг биринчи ярмига қадар ўлкага 79 561 нафар руслар, 16 326 нафар татарлар, 9622 нафар қозоқлар, 3677 нафар немислар, 441 нафар чувашлар ва 3710 нафар бошқа миллат вакиллари кўчириб келтирилган. Шу вақтда кўчириб келтирилганларнинг умумий сони 113 337 нафар кишини ташкил қилган.³

Кўриниб турибдики, дастлабки пайтларда расман кўчирилганлар ва оч-қочоқ тариқасида келганлар сони кўпчиликини ташкил қилган. Келган очларни озиқ-овқат ва кийим-кечак билан таъминлаш ишларида кўплаб муаммолар юзага келган. Эвакуация жараёнида ҳамда Туркистондан Волгабўйи ва Уралолди ҳудудларига очларга ёрдам тариқасида жўнатиладиган озиқ-овқат маҳсулотларини йиғиш ишларида юзага келган муаммолар Туркистон ҳукумати томонидан ҳал этилган. Жумладан, Туркистон МИК ва ХКСнинг 1921 йил 28 сентябрдаги 108-сонли қўшма мажлиси кун тартибида очларга ёрдам кўрсатиш масаласи

кўриб чиқилади.⁴ Мажлисда тегишли қарор қабул қилинади ва унга мувофиқ Туркистон Россиянинг очарчилик ҳудудларига ёрдам бериш билан чекланиб қолмасдан, Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидан эвакуация қилинаётган очларни қабул қилиши белгилаб қўйилади. Бундан ташқари, республика миқёсида ўтказилаётган спектакль, концерт, хурсандчилик томошаларидан тушаётган маблағнинг 10 фоизи солиқ сифатида Туркистонга кўчириб келтирилган очларни жойлаштириш ва уларни озиқ-овқат, кийим-кечак билан таъминлаш ишларига ёрдам тариқасида сарфланишига келишиб олинади.⁵

Шуни таъкидлаш лозимки, Россиянинг очарчилик ҳудудларидан эвакуация қилинаётганлар оч, уст-боши юпун, касалманд малакавий ишчи ва деҳқонлар бўлган. Эвакуация тариқасида келган ана шу ишчилар Ерларни ўзлаштириш ҳамда сув хўжалиги комиссарлигига юборилар эди. Турк МИКнинг ҳисоботига кўра, 1921 йил сентябрь ойидаёқ Туркистон сув ва ер хўжалигига ишлаш учун 20 235 нафар деҳқон (оиласи билан 77 340 нафар) ва 7735 нафар малакали ишчи (оиласи билан 23 325 нафар) очарчилик бўлаётган губерниялардан келган эди. Уларни маҳаллий ва рус деҳқонлар хўжаликларига ҳамда қишлоқлардаги хўжалик ускуналарини таъмирлаш, бинолар қуриш, экин-тикин, пахта, мева, шоли йиғиштириш каби ишларга жалб қилишган. Масалан, 1921 йил охиригача Россиянинг очарчилик ҳудудларидан эвакуация тариқасида келтирилган 50 811 нафар киши Фарғона вилоятининг қишлоқлари ва давлат хўжаликларидagi қишлоқ хўжалиги, ирригация ишларига жалб қилинганди.⁶ Туркистон ўз бағрига Россиядаги очарчилик йиллари нафақат катта ёшдагиларни, оч-қочоқларни, балки давлатнинг алоҳида эътиборига молик бўлган, очарчилик азоб-уқубатларини тортаётган минглаб балоғат ёшига етган, аниқроғи, 16 – 19 ёшли навқирон йигит-қизларни ҳам қабул қилади. Чунки ай-

¹ ЎзР МА, Р-17 фонд, 1-рўйхат, 725-иш, 16-варақ.

² ЎзР МА, Р-17 фонд, 1-рўйхат, 287-иш, 28-варақ.

³ Расулов А. Туркистон ва Волгабўйи, Уралолди халқлари ўртасидаги муносабатлар (1917 – 1924 йиллар). – Тошкент: Университет, 2005. – Б.109.

⁴ Расулов А., Режаббоев Н. Туркистонда очларга ёрдам кўрсатиш комиссияси фаолиятдан. – Фарғона, 2016. – Б.68.

⁵ ЎзР МА, Р-17 фонд, 1-рўйхат, 725-иш, 29-варақ.

⁶ Известия (ТуркЦИК). 1922 йил 1 январь.



нан ана шу ёшлар совет ҳокимиятининг халқ хўжалигини тиклаш, енгил ва оғир саноатни ривожлантиришда, қишлоқ хўжалигида унумдорликни оширишда камарбаста бўлишлари керак эди. Очарчилик ҳудудларидан келган йигит-қизлар нафақат қишлоқ хўжалигига, балки бошқа соҳаларга ҳам жалб этилган. Кўчиб келганларнинг ишга яроқсизлари эса Туркистон МИК қошидаги ОЁ МК ва вилоятлардаги ОЁ комиссияси ҳисобидан озиқ-овқат, кийим-кечак ҳамда бошпана билан таъминланган.¹ Шу сабабли келганларнинг айримлари кейинроқ Туркистонда истиқомат қилиш истагини ҳам билдирганлар.

Туркистон аҳолиси келаётган очларга бепарқ бўлмай, инсонпарварлик ва бағрикенглик хислатларини намоён этиб очларни ўз уйларига қабул қилади. Шу билан бирга, 1921 йил ноябрь – декабрь ойларида Россия губернияларидан Туркистонга кўчириб келтирилган болаларга озиқ-овқат, уст-бош ва иссиқ кийимлар берилган эди. Самарқанд халқ маорифи бўлими вилоят ижроия кўмитаси ва очларга ёрдам комиссиясига мурожаат қилиб, келтириляётган болалар учун маълум миқдорда «пул, газмол, оёқ кийим... ва бошқа» нарсалар ажратилишини сўраган.² Россиянинг очарчиликка учраган ҳудудларидан Туркистонга расман эвакуация қилинаётганларни озиқ-овқат, кийим-кечак ва бошпана билан таъминлаш ишлари 1922 йилда ҳам давом эттирилди.³ Лекин Туркистонга узлуксиз давом эттириляётган эвакуация жараёни ва Фарғона вилоятида қайтадан очарчиликнинг бошланиши оқибатида кўчириляётганлар қатори маҳаллий аҳоли ҳам очарчилик азобига тортила бошлайди. Фарғона вилоятида иқтисодий аҳвол ёмонлашишига қарамай, бу ерга Россиядан эвакуация қилинаётганлар оқими тўхтамайди. Бу эса вужудга келган очарчиликнинг янада чуқурлашувига сабаб бўлган. Оқибатда Туркистонда озиқ-овқат таъминоти

мувозанати издан чиқиб кетади. Марказ эса бу муаммога жиддий эътибор қаратмайди. Туркистон МИК ҳузуридаги Очларга ёрдам бериш марказий комиссияси ва унинг вилоят, уезд-шаҳарлардаги комиссиялари эндиликда нафақат Россия очларига, балки Фарғона вилояти очларига ҳам ёрдам беришга мажбур бўлди. Лекин ўлка томонидан Россиядан кўчириб келтирилганларга кўрсатиляётган ёрдам кўлами кенгайгани сари маҳаллий аҳолининг аҳволи янада мушкуллашиб бораверди. Жумладан, Фарғона вилояти очларга ёрдам комиссияси раисининг ўринбосари Хўжаев 1922 йил 9 августда Туркистон МИК раиси Хидиралиевга қилган мурожаатида «очларга ёрдам ташкилотини ушлаб туришга маблағ йўқ. Туркман, Самарқанд, Фарғона [вилоятларидан] ажратиланган маблағлар харажатларни қоплашга етарли эмас. Ўйлаймизки, зудлик билан Фарғона вилоятини волгабўйиликлардан бўшатиш керак» деб интернатлардаги оч болаларни Халқ маорифи комиссарлиги тасарруфига ўтказиш маълум даражада қишлоқларда очарчилик азобини тортаётганлар билан шуғулланиш имкониятини кенгайтиришини уқтиради.⁴

Россиянинг очарчилик ҳудудларидан эвакуация қилинаётган очларга ёрдам беришда жонбозлик кўрсатган совет ва партия органлари ҳамда Туркистон МИК қошидаги Очларга ёрдам бериш комиссиясининг жойлардаги бўлимлари фаолиятида маълум бир қийинчиликлар ҳам бўлиб турган. Хусусан, эвакуация қилинаётган очларни қабул қилиш, уларни жойларга тарқатиш, кўчириб келтирилганларнинг аниқ ҳисоби, қолаверса, уюшган ва оч-қочоқ тариқасида келаётганларни алоҳида ҳисобга олиш жараёнларида партия ва совет органлари, жойлардаги очларга ёрдам комиссиялари билан алоқаларини тўғри йўлга қўймаганлиги туфайли кўплаб қийинчиликларни келтириб чиқарди. Буни қуйидаги мисол орқали айтиш мумкин. Туркистонга эвакуация қилинганларни боқиш, кийинтириш ва уларга бошпана бериш масаласи ечимини

¹ ЎзР МА, Р-17 фонд, 1-рўйхат, 296-иш, 536-варақ.

² Расулов А. Туркистон ва Россия халқлари ўртасидаги муносабатлар. – Тошкент: Турон-Иқбол, 2016. – Б.58.

³ Ўзбекистоннинг янги тарихи. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Иккинчи китоб. – Тошкент: Шарқ, 2000. – Б.361.

⁴ ЎзР МА, Р-17 фонд, 1-рўйхат, 345-иш, 168-варақ.



1922 йилда Туркистон МИК қошидаги Очларга ёрдам бериш марказий комиссияси раиси бўлган М.Бретт ҳамма комиссарлик ва ижроия қўмиталарининг раҳбарларига берган махсус кўрсатмаси орқали ҳал этган.¹ Ушбу кўрсатмада М.Бретт Туркистонга кўчириб келтирилган очларни жойлаштиришга сарфланадиган маблағни янада кўпайтириш мақсадида деҳқонларга экиш учун махсус ер участкалари ажратиш зарурлигини ва у ердан олинadиган ҳосилни очларга берса, озиқ-овқат солиғидан озод қилиниши мумкинлигини уқтиради. Аслини олганда, маҳаллий деҳқонлар кўчиб келган очларга озиқ-овқат етказиб бериш учун ишлар эди. Шунингдек, Марказ Туркистон раҳбариятидан Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидан қанча миқдорда очларни қабул қила олиши мумкинлигини сўрамасдан эвакуация ишларини амалга ошириши ўлка маъмурларини очлар масаласи муаммосини ҳал этишда қийин аҳволда қолдирганди. Бундай муаммоларга қарамай, Туркистон раҳбарияти кўчириб келтириладиган очларни қабул қилиш, уларга озиқ-овқат, кийим-кечак ва бошпана бериш ишларини ҳамда уларни иш билан таъминлаш масалаларини имконият даражасида

бажарган. Шу билан бирга, 1923 йилнинг охири ва 1924 йилдан эътиборан Туркистонга эвакуация қилинган ва қочиб келган очларнинг бир қисми ўз юртларига реэвакуация қилина бошланган.²

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, очарчилик рўй берган ҳудудлардаги очларнинг Туркистонга эвакуацияси натижасида 320 мингдан ортиқ катта-кичик ёшдаги очлар республикага кўчириб келтирилган.³ Бу ерга келганлар Туркистон МИК, ХКС ва маҳаллий аҳолининг саъй-ҳаракати билан бошпана, озиқ-овқат ва кийим-кечакка эга бўлдилар. Россия очлари ёши, жинси, миллатидан қатъи назар, туркистонликлар томонидан бирдек қабул қилинган. Яъни Туркистон халқи умуминсонийлик, инсонпарварлик, меҳмондўстлик хислатларига ҳамда миллий ва диний қадриятларга содиқлик намуналарини кўрсатиб, ўз ризқини кўчириб келтирилган халқлар билан бирга баҳам кўради. Шунингдек, Туркистондаги очарчилик гирдобидан эндигина қутулган халқимиз очарчилик ҳудудларидан республикага эвакуация қилинган болалардан бир нечтасини ўз фарзандлари қаторига қўшиб олиб болажонлик ва бағрикенглик намуналарини намоеън этган эди.

¹ Расулов А., Режаббоев Н. Туркистонда очларга ёрдам кўрсатиш комиссияси фаолиятдан. – Фарғона, 2016. – Б.104.

² Ражабов Қ. Бир аср муқаддам ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида даҳшатли очарчилик кузатилган: минглаб одамлар қирилиб кетган, канибализм ҳолатлари қайд этилган // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 2021. №44.

³ ЎзР МА, Р-22 фонд, 1-рўйхат, 54-иш, 15-варақ.



ЎЗБЕКИСТОННИНГ ҒАЛАБАГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ КИТОБ-АЛЬБОМЛАРИ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ЎҚИТИЛИШИ ЗАРУР

Дилшодбек Ҳомидов, Азизбек Маҳкамов

Ўзбекистон мустақиллигининг 2016 йил охири – 2017 йил бошларидан бошланган янги тарихий босқичида ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий, маънавий соҳада юз бераётган буюк ўзгаришларга жаҳон жамоатчилиги, давлат арбоблари, дунёвий, диний илм дарғалари, турли хил халқаро ташкилотлар раҳбарлари юқори даражада баҳо бермоқдалар. Улар бетакрор, ҳавас қилса арзийдиган, бой ва кўркам тарихимизга очиқ-ошқора тан бермоқдалар. Биз бунинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Осиё, Европа, Америка давлатларига расмий ташрифларидаги учрашувларда ҳамда хориждан келатган давлат ва жамоат, илм-фан, санъат ва маданият арбоблари билан бўлган мулоқотларда билдирилатган баҳолардан ҳам яққол билмоқдамиз.

Шавкат Мироновнинг ҳавас қилса арзийдиган буюк тарихимиз, буюк аجدодларимиз меросини тиклаш, ўрганиш ва тарғиб этиш, бу тарих билан халқимиз, айниқса, ёшларни қуролантириш, тарбиялашдек катта, масъулиятли, лекин шарафли, хайрли ишга ҳам бош-қош бўлиб турганидан халқимиз беҳад хурсанд. Бунинг ёрқин мисолларидан бири Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2018 йил 31 майдаги «**Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабага Ўзбекистон халқининг қўшган муносиб ҳиссасига бағишланган китоб-альбомини нашр этиш чора-тадбирлари тўғрисида**»ги Ф-5294 сонли фармойишидир. Шундан бери орадан 4 йил ўтди. Бу фармойишда илгари сурилган вазифаларни бажариш борасида амалга оширилган тадбир, чоралар ҳақида ўйларканмиз, дом-

ламиз, АндДУ профессори, Қатағон қурбонлари хотираси музейи директори Рустамбек Темирович Шамсутдиновнинг бу улуғвор ишга қўшган ҳиссаси борасида айрим лавҳаларни келтиришни биз шогирдлари лозим деб билдик.

Ўша фармойишда қўйилган улкан, лекин оғир ва шарафли вазифа ижросини таъминлаш бўйича домламиз Президент девонидаги масъул кишиларнинг талабига кўра бир қанча таклиф, ғоя, фикрларини юборган эди. Улардан айримларини келтиришни жоиз билдик.

Биринчидан, «Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабага Ўзбекистон халқининг қўшган муносиб ҳиссасига бағишланган китоб-альбомни нашр этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармойишини бажариш доирасида Ўзбекистонда Иккинчи жаҳон урушида ҳарбий асирлар, «Туркистон легиони», меҳнат армияси («қуролсиз аскарлар»), фронтлардаги ўзбек тилидаги газеталарнинг ўрни ва ролини кўрсатиш;

иккинчидан, ҳозирги давр талабидан келиб чиқиб бугунгача илмий истеъмолга киритилмай «мутлақо махфий» тамғаси остида сақланаётган Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати архивидаги ҳарбий асирлар, жумладан, «Туркистон легиони»га дахлдор ҳужжат ва материалларни ўрганиш. Бунинг учун бўлажак муаллифларга шу архивда ишлашга рухсат этилиши, архив ходимлари ҳам материалларни кўчириб беришлари;

учинчидан, ўлжага олинган Россия ҳарбий давлат архивидаги 3-Рейх архив фондларида «Туркистон легиони», ўрта осиелик ҳарбий



асирлар тўғрисидаги ҳужжат-материаллар, Туркистон бирлиги миллий комитетининг органи «Миллий Туркистон», «Миллий адабиёт», «Янги Туркистон» нашрларини ўрганиб чиқиш;

тўртинчидан, Россия Мудофаа вазирлиги ва унинг таркибидаги ҳарбий фронтлар архивларини ва бу фронтларда нашр этилиб турган ўзбек тилидаги газеталарни излаб топиш ва улардан олинган материалларни илмий истеъмолга киритиш;

бешинчидан, Россиядаги архивларда мазкур мавзуга оид ҳужжат ва материаллар, фото, фоно, кинохроника материалларидан фойдаланиш масаласини Ўзбекистон ва Россия мутасадди органлари орқали ҳал этиш. Чунки кейинги вақтда Россия архивларидан хориждаги тадқиқотчиларнинг фойдаланишлари анча мураккаблаштирилган, Ўзбекистоннинг Россия, Украина, Белоруссиядаги элчилари ҳам бу масалада кўмак беришлари;

олтинчидан, китоб-альбомни ҳозирги замон талаби даражасида яратиш ишига Ўзбекистон Республикасининг тегишли вазирликлари ва барча вилоятлар ҳокимлари ўз хиссаларини қўшишлари зарурлиги, ҳар бир вилоятда давлат ва Президент девони ҳузуридаги вилоятлар архивлари, вилоят тарихи ва маданияти музейлари, Қатағон қурбонлари хотираси музейлари, «Нуроний» ва «Маҳалла» жамоат фондлари, олий ўқув юртлари тарихчиларидан иборат кўмак комиссиялари ташкил этилиши ва улар мазкур масалани ҳал этишда ёрдам беришлари;

еттинчидан, китоб-альбомни яратиш жаъони ва излаб топилган ҳужжат ва материалларни республикадаги етакчи журнал ва газеталарда ёритиб бориш, кенг жамоатчиликнинг эсдаликлари, фотоҳужжатлари эълон қилинишини йўлга қўйиш, айниқса, Иккинчи жаҳон уруши жангчилари, меҳнат фахрийлари, фронт ортида фаолият кўрсатган таниқли кишиларнинг эсдаликларини ёзиб олиб, тарғиб ва ташвиқ этиш;

саккизинчидан, юқоридаги масалалар бўйича Москвадаги деярли барча марказий архивларда, Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви, Ўзбекистон Президенти Девони

архиви, Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлиги хизмати архиви, Ички ишлар вазирлиги архиви, вилоятлар архивлари, Киев, Херсон, Николаев, Ставрополь, Прикумск, Боку, Олмаота, Қарағанда, Остона, Шортандин, Кокчетов архив ва музейларидан кўплаб ҳужжат ва материаллар олингани, улар асосида кўплаб монографик тадқиқотлар яратилгани, «Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабага Ўзбекистон халқининг қўшган улкан ҳиссаси» номли кўп серияли ҳужжатли фильмни яратиш учун манбавий асос мавжудлиги асослаб берилганди. Бу фикр-мулоҳазалар китобни тайёрловчи бош таҳририят томонидан эътироф этилган, бу фикрлардан озми-кўпми фойдаланилган. Шундан бери орадан 4 йил ўтибди, бу даврда Президентимиз фармойишида белгилаб берилган кўпжилдлик китоб-альбомнинг учтаси нашр юзини кўрди ва халқимиз ундан баҳоли қудрат фойдаланмоқда.




Фармойиш бўйича 2020 йили «Ўзбекистон» нашриётида «Ўзбекистон халқининг фашизм



устидан қозонилган ғалабага қўшган ҳиссаси» китоби 5000 нусхада нашр этилди. Биринчи китоб-альбом Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг сурати ва мана бу сўзлари билан бошланган: **«Иккинчи жаҳон уруши йилларида фашизм балосига қарши курашда кўпмиллатли Ўзбекистон халқи томонидан амалга оширилган буюк тарихий ишларни, унинг енгилмас, кучли иродаси ва қаҳрамонлигини, ўша суронли йиллар ҳақиқатини келгуси авлодларга аниқ мисоллар асосида етказиш, уларни жасорат ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш зоят муҳим аҳамиятга эга».**

Мазкур китобнинг бир қанча саҳифаларида домламит Р.Т.Шамсутдиновнинг материаллари ва фикрлари акс этган. Асарнинг 58-саҳифасида Р.Т.Шамсутдинов тақдим этган уруш йилларида турли фронтларда ўзбек тилида нашр этилиб турган фронт газеталаридан «Қизил аскар ҳақиқати», «Қизил армия ҳақиқати», «Қизил армия», «Совет жангчиси», «Душманга қарши олға», «Ватан учун», «Ватан шарафи учун», «Сталин байроғи», «Душманни тор-мор этишга», «Суворовчи», «Суворов натиски», «Бонг», «Атакага», «Фронт ҳақиқати», «Ғалаба байроғи»нинг муқовалари келтирилган. Асарнинг 58-саҳифасида «Ўзбек тилида нашр қилинган фронт газеталари» номли мақоласи берилган. 180 – 181-саҳифаларида Р.Шамсутдиновнинг «Фронтдагидан кам бўлмаган жасорат» номли мақоласи, ҳужжат, воқеа иштирокчилари суратлари келтирилган. Асарнинг 319-бетида уни нашрга тайёрлашда иштирок этган олимлар қаторида Р.Шамсутдинов номи ҳам қайд этилган.

2021 йили «Ўзбекистон Иккинчи жаҳон уруши даврида» китоби чоп этилди. Китобда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 9 майдаги нутқидан парча келтирилган:



ЎЗБЕКИСТОН ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ДАВРИДА

Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган тарихий Ғалабани таъминлашда кўпмиллатли Ўзбекистон халқининг қўшган ҳиссаси беқиёсдир. Халқимизнинг жанг майдонларида ва фронт ортида кўрсатган юксак жасорати ва матонатини тарих саҳифаларига муҳрлаш, хотирлаш ва қадрлаш мақсадида Ғалаба боғи деб аталган ушбу бемақор ва муҳташам мажмуани бунёд этдик.

Бурунги тинч ва озод, фаровон ҳаётга эришиш йўлида фидойи ота-боболаримиз намоён этган ширдлик ва жасоратни эл-юртимиз ҳеч қачон унутмайди.

Шонмандики, бу урувдор мажмуа уриб-ўриб келаятган ёш авлодларимизни ҳалиша Ватанга муҳаббат, мустақиллик юзларига садоқат руҳида қамол топтиришда беқиёс маънавий тарбия мактаби бўлиб қолади.

Шавкат Мирзиёев

Шавкат Мирзиёев,
Ўзбекистон Республикаси Президенти
2020 йил, 9 май



Бизни қувонтирган яна бир ҳолат шу бўлдики, бу китоб-альбомнинг 76-саҳифасида «Ҳар биримизнинг вазифамиз» номи остида устозимизнинг пурмаъно фикр ва мулоҳазалари акс этган:

ҲАР БИРИМИЗНИНГ ВАЗИФАМИЗ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг маъруза ва чиқишлари, қабул қилган қарор ва фармойишлари, тарихимизнинг ўрганилмаган саҳифаларини яратиш борасида амалга ошираётган ташкилий, ғоявий, амалий ташаббуслари кўплар қатори менинг илмий тадқиқот ишларимга ҳам кучли таъсир этмоқда.

Ўзбекистон халқининг Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган буюк Ғалабага қўшган ҳиссасини ўрганиш ҳар биримизнинг вазифамиз. Бу улугвор ишда озми-кўпми ҳиссам борлигига шукроналик билдираман.



Рустамбек ШАМСУТДИНОВ,
тарих фанлари доктори, профессор

ФРОНТ ГАЗЕТАЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН НАВБАТДАГИ КИТОБЛАР

Иккинчи жаҳон уруши йилларида ўзбек тилида 16 та фронт ва бригада газеталари чоп этилган. Мазкур газеталар ўша даврда ҳарбийларнинг жанговар руҳини кўтаришга хизмат қилган. Ҳозир эса Ўзбекистон халқининг ғалабага қўшган улкан ҳиссасини ёритишда қимматли манба ҳисобланади.

Таниқли олим, тарих фанлари доктори, профессор Рустамбек Шамсутдинов Россия Федерацияси ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларидаги кутубхоналарда сақланаётган турли манбалар, жумладан, “Қизил армия”, “Бонг”, “Ватан учун”, “Фронт ҳақиқати”, “Қизил аскар ҳақиқати”, “Ватан шарафи учун”, “Душманга қарши олға”, “Совет жангчиси”, “Суворовчи” каби газеталарни ўрганиб, улардаги эътиборга молик материаллар асосида “Иккинчи жаҳон уруши ва фронт газеталари” номли кўпжилдлик тўпламини нашр эттириб келмоқда.

2020 йилда ушбу туркумнинг тўртинчи ва бешинчи китоблари нашр этилди. Мазкур тўпламларда ҳали эълон қилинмаган фронт газеталаридаги материаллар ўрин олган.



ЯНА БИР ЯНГИ НАШР

Буюк Ғалабанинг 75 йиллиги арафасида профессор Рустамбек Шамсутдинов томонидан яна бир янги нашр – “Ўзбекистон халқининг буюк Ғалабага қўшган ҳиссасига доир (1941 – 1945 йиллар)” номли илмий-тарихий асар китобхонларга тақдим этилди.

Китобда халқимизнинг фронт ва фронт ортида кўрсатган қаҳрамонликлари қатор тарихий манбалар ва архив материалларидан фойдаланилган ҳолда кенг ёритилган.

Китобдан ватандошларимизнинг жасоратлари тафсилотлари, душманга қарши зарба беришда ўзбек матбуотининг ўрни, Андижон вилояти аҳолисининг ғалабага қўшган ҳиссаси каби мавзулар ўрин олган.



ХАЛҚИМИЗНИНГ ЖАСОРАТИ ВА МАТОНАТИ ҲАҚИДА ҲИКОЯ ҚИЛУВЧИ

ЯНГИ АСАРЛАР





Қобилжон УСМОНОВ
(1920–2012)

Қобилжон Усмонов 1920 йил декабрь ойида Андижон шаҳрида туғилган. 1939 йил сентябрь ойидан 1941 йилнинг июнигача Белоруссиянинг Гродно шаҳридаги 152-оғир артиллерия полки таркибида оддий аскар бўлиб хизмат қилган.

Иккинчи жаҳон уруши бошланганида у немис босқинчиларига қарши дастлабки жангларда иштирок этади, ярадор бўлиб, Белоруссия ўрмонларида қолиб кетади.

Аввал тарқоқ майда партизанлар отрядида, 1942 йил июнидан 1944 йил августига қадар Минск партизан қўшинлари 12-отлиқ бригадасида бўлим командири, взвод командири бўлиб хизмат қилган.

Белоруссия немис босқинчиларидан озод қилиниб, мунтазам армия ва партизанлик қисмлари бирлашгач, Қ. Усмонов 1944–1946 йилларда Минск шаҳридаги 35-сонли Бронетанк моддий-техник таъминлаш заводи бошлиғи ўринбосари бўлиб хизмат қилади.

Қобилжон Усмонов шахсий архивида унинг партизанлик ҳаракатидаги иштироки ҳақида жуда кўп маълумотлар мавжуд. Уларнинг баъзиларини келтириб ўтамыз.

Масалан, тарих фанлари доктори, профессор Туроб Жўраевнинг 1975 йили “Ўзбекистон” нашриётида чоп этилган “Ўзбекистонцы участники партизанской войны” китобида шундай ёзилади: “Партизанлар сафида Усмонов жасур, мард, довжур ва талабчан командир бўлган. Қисқа вақт ичида 27 та жанговар операцияларда иштирок этган. У шахсан ўзи душмanning 4 та эшелонини портлатиб юборган, портлаш чоғида 44 та паровоз, 26 та вагон портлаган, 82 гитлерчи ҳалок бўлган. Пистирмадан туриб душмanning 5 автомашинасини ёндириб юборган, 94 гитлерчи ўлдирилган”.



Собиқ Иттифоқ Марказий партия архиви Белоруссия бўлими архивининг 3500-фонди, 15-рўйхати, 323-ишида 26 ёшни қаршилаган Қобилжон Усмонов ҳақида мана бу маълумотлар келтирилган: “Ватан ўзининг содиқ фарзанди жасоратини муносиб баҳолаган. СССР Олий Совети Президиуми фармони билан 1944 йил 15 августда жанговар Қизил байроқ ордени билан ва 1948 йил 30 декабрда биринчи даражали Ватан уруши ордени билан тақдирланган. Белоруссия партизанлар ҳаракати штаби бўйича 1944 йил 2 сентябрдаги буйруғи билан биринчи даражали “Ватан уруши партизани” медали билан тақдирланган”.

Рустамбек ШАМСУТДИНОВ,
тарих фанлари доктори, профессор

Р.Т.Шамсутдиновнинг Андижон фарзанди, Иккинчи жаҳон уруши қаҳрамони Қобилжон Усмоновнинг қисқача таржимаи ҳоли, жанггоҳларда кўрсатган жасоратлари, партизанлик ҳаракатидаги иштироки, буюк ғалабага қўшган муносиб ҳиссаси ва бу фидойиликнинг натижаси ўлароқ юқори даражали орден ва медаллар билан тақдирланиши баён этилган мақоласи китобнинг 148-бетида келтирилган.



ФРОНТ

ГАЗЕТАЛАРИ



ФРОНТ ГАЗЕТАЛАРИ

Уруш шароитида миллий тилларда мунтазам фронт газеталари чиқарилишининг йўлга қўйилиши тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб боришда муҳим роль ўйнаган.

Ўзбек тилидаги 16 та фронт газетаси аскарларнинг руҳиятини кўтариш ва жанговарлигини оширишга, фашизмга қарши курашда нафратни кучайтиришга хизмат қилган. Айни вақтда бу газеталар жанг майдонининг турли нуқталарида ўзбеклар ва ўзбекистонликлар кўпчилигини ташкил этганлигини ҳам кўрсатади.

Газеталар ишини ташкил этишда республика ёзувчи ва шоирлари, журналистлар жалб этилган. Улар орасида **Жалолхон Азизхонов, Мирзакалон Исмоилий, Адҳам Раҳмат, Назармат** ва бошқа кўплаб ижодкорларнинг жанг майдонларидан репортажлари, очерклари мунтазам равишда чоп этиб борилган. Улар ўз мақолаларини тутунлар ичида, тўпларнинг лафетларида, самолётларнинг қанотларида, окоп ва землянкаларда ёзишарди.

Шу билан бирга, газеталарда аскарларнинг хабарлари, мақолалари ҳам эълон қилиб борилган. Бу эса ўзбекистонлик аскарларнинг қаҳрамонлик саҳифалари яратилишига хизмат қилди.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Миллий архиви, “Шон-шараф” давлат музейи ҳамда Куролли Кучлар давлат музейида фронт газеталари сақланмоқда.

Китоб-альбомда “**Фронт газеталари**” рукни билан “**Қизил Армия**”, “**Ғалаба байроғи**”, “**Қизил аскар ҳақиқати**”, “**Суворовчи**” газеталарида эълон қилинган айрим материаллар берилмоқда.

Уруш йилларида ўзбекистонликларнинг кўрсатган мардлик ва инсонийлик намунасидан далолат берувчи ушбу материаллар тарих фанлари доктори, профессор **Рустамбек Шамсутдинов** томонидан тақдим этилган.

Китоб-альбомнинг 210 – 224-бетларида келтирилган ниҳоятда қизиқарли воқеалар тафсилоти ҳақидаги материаллар Р.Т.Шамсутдинов томонидан тақдим этилган.



ФРОНТ ГАЗЕТАЛАРИ

НЕМИС БОСҚИНЧИЛАРГА УЛИМ!

ҚИЗИЛ АРМИЯ

ҚИЗИЛ АСКАРЛАРНИНГ ФРОНТ ГАЗЕТАСИ

Фронтная красноармейская газета «Красная Армия» на узбекском языке

№ 20 (125).

1944 йил 7 март,
СЕШАНБАЖума ва сешанба
кунлари чиқади.Уқиб бўлиб,
ўртоғингга бер.

Охирги нафасмгача

Қизил Армия, ўзининг энг сара ўқиллари ва кизларини юбориб турган қахрамон совет халқининг мадади билан гитлерчиларни жонажон юртимиздан хайдаб чиқара бошлади. Мен ана шу миллионлар қаторида улуғ Ватанга оташини мухаббат, лангнати душманга чексиз ғазаб ва нафрат билан кураш майдонига отилдим.

Утган йилнинг июлида гитлерчи газандаларнинг таъзирига бердик.

Мен душман ўти остида 97 ярадор жангчи ва офицерни

жанг майдонидан хавфсиз ерга олиб чиқадим. Шунда кўмондонлик мени «Жасурлиги учун» медали билан мукофотлади.

Сентябрда яна 20 кун тинимсиз жанг бўлди. Бу сафар 30 ярадорни кураш ёроғи билан жанг майдонидан олиб чиқдим ва зарур медицина ёрдами бердим. Уша кунлари полкимизда бир ўзам ҳам санитар, ҳам санитария инструктори, ҳам фельдшер вазифасини бажардим.

Оқ сўт бериб ўстирган

михрибон олам, мени армия сафига юзатар экан:

— Яхши бор, жон кизим! Бонимизга бало ёғдирмоқчи бўлган фашистларга ўлим беришлар! — деган эди. Мен онамнинг тоширигини бажо келтирмай, Она-Ватанимиз учун, бизга бахтли ҳаёт бағишлаган улуғ доҳимиз ўрток Сталин учун бир томчи қоним қолгунча гитлерчи одамхўрларга қарши курашажакман!

Раҳима АЛИМОВА.

Н-чи класм санитаря.

“Қизил Армия” газетасининг 1944 йил 7 март сонида 230-ўқчи дивизияси 988-ўқчи полк 3-ўқчи батальон 8-ўқчи рота санитаря, “Жасурлиги учун” медали билан тақдирланган Раҳима Алимованинг дил сўзлари эълон қилинган.

Мақолада қайд этилишича, Р. Алимова фронтда кўрсатган жасорати учун 1943 йил сентябрда Қизил байроқ ордени билан ҳам тақдирланган.



СОВЕТ БАТАНИНИНГ УЧУНИ

ҒАЛАБА БАЙРОҒИ

№ 87 (194) Қиёда асарлар тавсияди. Ҳафтада икки марта чиқади. «Зинна победит на убитом поле». 1945 йил 3 август. Жума

Жора Ковалев етим эмас

Бул юмрак юрак, оқибатини ашриятаркан биринчи қўлдан эди. Фаннинг юмраги ўз ўрнида биринчиликнинг мандаларидан эди. Дурбон эди, қўлдан эди, қўлдан эди.



Болаларнинг сени ҳам бағирларин. Сен ҳам бағирларин. Сен ҳам бағирларин.

Ғасқда: сержант Абдулла Пирматов тоғдан ўтган Жора Ковалевнинг фотога. Майор Г. Ковалевнинг фотога.

Жаҳангирларнинг наҳарини маънавий қўлдан эди. Қўлдан эди. Қўлдан эди.

Ғасқда: сержант Абдулла Пирматов тоғдан ўтган Жора Ковалевнинг фотога. Майор Г. Ковалевнинг фотога.

Тосиқнинг буларини ҳам қўлдан эди. Қўлдан эди. Қўлдан эди.

Абдуллажоннинг илтимоси билан борганига сўз берди. Бу сўз билан эди. Қўлдан эди.

Абдуллажоннинг илтимоси билан борганига сўз берди. Бу сўз билан эди. Қўлдан эди.

Тосиқнинг буларини ҳам қўлдан эди. Қўлдан эди. Қўлдан эди.

Абдуллажоннинг илтимоси билан борганига сўз берди. Бу сўз билан эди. Қўлдан эди.



“Ғалаба байроғи” газетасида эълон қилинган шоир Адҳам Ҳамдамнинг мақоласида катта сержант Абдуллажон Пирматов жанг майдонидан Жора Ковалёвни онасининг жасади ёнидан олиб чиқиб, ўз тарбиясига олгани ҳақида сўз боради.



Совет Иттифоқининг тўрт ордени билан мукофотланган жангчилар

Суратда: тўрт ордени гвардиячи дивизиянинг жангчилари, Ғалаба параднинг қатнашчилари – Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари, гвардиячилар: лейтенант С. ЛАРИОНОВ, лейтенант А. ВЛАДИМИРОВ, кичик лейтенант А. ЛЮШ, катта лейтенант Т. ҚОВУМБОЕВ ва лейтенант К. ТИХОНОВ дивизиянинг байроғи олдида.



Немис босқинчиларга улим!

ҚИЗИЛАСКАР ҲАҚИҚАТИ

Красноармейская
ПРАВДА
на узбекском языке

Кизиласкарларнинг фронт газетаси

Хафтада икки
марта чикади

№ 79 186

Якшанба
3 декабрь 1944 йил.

Уқиб бўлиб, ўртоғингга бер!

№ 79 (186)



Герман фашистларига қарши қилинган бир
қатор қўрқинмас жаннатлардан бири.

МИНОНЕТЧИЛАРИНИНГ МЕРҒАН ЗАРҒАСИ

Қанча минонетчи бўлиб қолган бўлсин, лекин бу минонетчи қанча ҳам минонетчи бўлсин, лекин бу минонетчи қанча ҳам минонетчи бўлсин, лекин бу минонетчи қанча ҳам минонетчи бўлсин...

ШИФОҒҮЙ

Ҳар бир ҳаётда шифоғу бўлиши керак. Шифоғу бу ҳаётда шифоғу бўлиши керак. Шифоғу бу ҳаётда шифоғу бўлиши керак...

Ҳа ва ҳур

Ҳа ва ҳур, ҳа ва ҳур, ҳа ва ҳур, ҳа ва ҳур, ҳа ва ҳур, ҳа ва ҳур, ҳа ва ҳур, ҳа ва ҳур, ҳа ва ҳур, ҳа ва ҳур...

Рыковд Замки

Рыковд Замки, Рыковд Замки, Рыковд Замки, Рыковд Замки, Рыковд Замки, Рыковд Замки, Рыковд Замки, Рыковд Замки...

УЛУТНАЙИЗ

Улутнайиз, улутнайиз, улутнайиз, улутнайиз, улутнайиз, улутнайиз, улутнайиз, улутнайиз...



Минонетчи Ином Ҳасанов

Совет медицина ходимларига раҳмат!



Совет медицина ходимлари фронтда қилган
хизматлари учун раҳмат билан тасвирланган.

Ўз бурчиға содиқ

Ўз бурчиға содиқ, ўз бурчиға содиқ, ўз бурчиға содиқ, ўз бурчиға содиқ, ўз бурчиға содиқ, ўз бурчиға содиқ...

Ярадорлар устидан отилиш қилмоқда

Ярадорлар устидан отилиш қилмоқда, ярадорлар устидан отилиш қилмоқда, ярадорлар устидан отилиш қилмоқда...

НАНГ-НАНГ МИНОНЕТЧИ

Нанг-нанг минонетчи, нанг-нанг минонетчи, нанг-нанг минонетчи, нанг-нанг минонетчи, нанг-нанг минонетчи...

Беларусия шифоғулари бир

Беларусия шифоғулари бир, беларусия шифоғулари бир, беларусия шифоғулари бир, беларусия шифоғулари бир...

“Кизил аскар ҳақиқати” газетасининг 1944 йил 3 декабрь сонида “Фронтимиз қаҳрамонлари” туркумидан 4-гвардия мотоўқчи Смоленск бригадасининг тиббиёт хизмати гвардия майори Ином Ҳасанов ҳақида “Шифоғу” мақоласи эълон қилинган. У 1944 йили Орша, Минск, Вильнюс, Каунасни озод қилишдаги жангларда кўрсатган қаҳрамонлиги учун II даражали Ватан уруши ордени билан тақдирланган.

ФРОНТ ГАЗЕТАЛАРИ

НАГРАДНОЯ ЛИСТ.

1. Фамилия, имя и отчество Х А С А Н О В Инам Иусович
2. Звание Гвардии майор м/службы 3. Должность, часть Бригадный врач
Гвардейской Мотострелковой Смоленской Бригады
- Представляется к правительственной награде О р д е н о м
"ОТЕЧЕСТВЕННОЙ ВОЙНЫ 2 СТЕПЕНИ"
4. Год рождения 1916 5. Национальность У з б е к
6. Партийность В/партийный 7. Участие в боях в гражданскую войну, последующих боевых действиях по защите СССР и отечественной войне Участник отечественной войны с декабря 1941 года.
8. Имеет ли ранения и контузии Контузии февраль 1942 г.
9. Имеет ли награды Награжден Орденом "Красная Звезда."
10. С какого времени в Красной Армии с 1941 года.
11. Каким РВК призван К а д р
12. Постоянный домашний адрес представляемого к награде или его семьи

КРАТКОЕ КОНКРЕТНОЕ ИЗЛОЖЕНИЕ ЛИЧНОГО БоеВОГО ПОДВИГА ИЛИ ЗАСЛУГ.

Гвардии майор м/службы ХАСАНОВ в бригаде и на должности бригадного врача с 12 июня 1944 года. Несмотря на новинку работы справляется с ней образцово.

В период боев с 24.6. по 10.7.1944 года неотлучно находился на НП командира бригады был постоянно осведомлен о ходе боевых операций. В трудных условиях стремительного наступления наших войск, действии бригады в глубоком тылу противника, большой отдаленности тылов, организовал своевременную эвакуацию солдат и офицеров, только медсанвзвод бригады в медсанбат корпуса. Осуществлял руководство и личный контроль организовывал помощь раненым на поле боя и немедленно эвакуации их только медсанвзвод бригады и Медсанбат корпуса.

За период боев с 24.6. по 10.7.1944 года не один из раненых не был отдан медикосанитарные подразделения других частей. В этом период гвардии майором м/с была организована эвакуация 820-и человек раненых рядового и сержантского и офицерского состава. В период ожесточенных боев в м. СТАРОСЮЛЬЕ 27-28.6.1944 года лично оказывал помощь раненым поступающим на лечение, встречал раненых указывал пути эвакуации и располагал их в медсанвзвод.

Достоин правительственной награды Ордена "ОТЕЧЕСТВЕННОЙ ВОЙНЫ 2 СТЕПЕНИ".



Майор Г. И. Н. - м. *[Signature]*

17 июля 1944 г.

Ином Хасановни тақдирлаш варақаси



Немис босқинчиларга улим!

ҚИЗИЛАСКАР ҲАҚИҚАТИ

Красноармейская
ПРАВДА
на узбекском языке

Қизиласкарларнинг фронт газетаси

Хафтада икки
марта чиқади

№ 18 (211)

Сешанба.
20 март 1945 йил.

Уқиб бўлиб, ўртоғингга бөр!

№ 18 (211)

ШАЙХЗОДА

ТАБАРРУҚ

Жанг чоғида бўлай деб омон
Севгилик қул ёзмиш бу хатни,
Кўз ёшлари сочмиш бегумон —
Севги деган бир ҳақиқатни.
Жумлаларки, унда ҳар нуқта —
Кўз ёшлардан тизилган олмас,
У кўзларки, мени уфукда —
Йўлларимни кўзлашдан толмас,
У нозик қул, мен урган билак,
„Саломат“ бўл, жонгинам!“ деган,
У қул менга буюрган экан —
Бажо бўлар жангда бу тилак.
О, меҳрибон, кумуш бармоқлар,
Силашингиз соғинди сочим,
Юрт томондан келган ҳар хабар,
Ҳар истакка сизлар тилмочим!
Ҳозир ётиб ҳандоқ бўйида —
Жавоб ёзай табарруқ хатга,
Қонли жангнинг ҳою — ҳуйтда —
Ҳасрат қилай инлуфар қадга:
Интизордан, гаму — гуссадан,
Умидлардан, нозик бусадан...
Ҳаф!... Ким экан шубҳали соя?!!
Ҳа... Ла’нати душман, қароқчи!
Аввал берай адабин яхши.
Сўнгра қилай хатда ҳикоя!

ОЛМА

Баҳор каби нозик келинчак,
Асрар экан олмазорини,
Гўё дилда интизорини —
Олмаларга сўйларди юрак.
Бу кун боғдан бир қизил олма,
Олмалардан энг аслолма,
Узиб қайтиб келди уйга у,
Гул кутармиш гўё бир оху,
Истар эди бу шўх мевани —
Бир кун есун жондан севгани!
Шу деб осгай олмани шипга,
Ўзи эшиб қўйган бир ипга.
Севган эрим кўп ойдан бери
Шону-шуҳрат, эрку саодат —
Шайдосидир, жангоҳдир ери,
Унга бўлмиш чодирлар одат.
„Албат қайтиб егач олмани,
„Олма“ дея упар у мани!“
Дерди уйлаб юриб париноз,
Дарвозада шунда нагуҳон
Ўзотдилар унга бир коғоз
Қарадида, тушинди ҳамон:
„... У шахиддир!“ деди кайгули,
Ерга томди кўздан олмаси,
Нола тортди, бушашди қули,
Чапга тушиб кетди олмаси.
Қизил олма, кирмази олма,
Тупроқларга беландинг нега?
Гўзал келин, олмадай сўлма,
Интиқмга ўзинг сен эга!



МЕҲИРС ОККУПАНТЛАРИГА ҒИЛИМ!

СУВОРОВЧИ

ҚИЗИЛАСКАР ГАЗЕТАСИ

ЧОРШАМБА 6 сентябрь 1944 йил

Красноармейская газета „СУВОРОВЕЦ“, на узбекском языке

№ 56 (129)

МЕҲНАТКАШЛАР ТАШАББУСИ БЛАН

Самарқанд шаҳар, Сибб район меҳнаткашларининг ташаббуси билан 1.800 киши сиғадиган театр биноси қурила бошлади. Меҳнаткашлар театр-биносига керак бўлган гишт, ёғоч ва бошқа материалларни ўзлари бердилар. Қурилиш иши тез сур'ат билан бормоқда. Қурилишда кекса халқ устаси Ёўра Шамсиев бригадаси стажановча ишламоқда.

„МАЙСАРАНИНГ ИШИ“

Самарқанд область музыкали драма театри коллективи ҳамда Ҳакимзоданинг «Майсаранинг иши» номли музыкали комедиясини муваффақият билан сахнага қўйди. Тамошобинлар спектаклни қизиқиб тамошо қилмоқдалар.

САН'АТЧИЛАРНИНГ ҚИЗИЛАСКАР ОИЛАЛАРИГА ЁРДАМИ

Қашқадарё область давлат музыкали драма театрининг ижодий коллективи яқинда катта бир концерт берди. Қарши шаҳаридаги корхона ва муассасалардан ҳамда Қарши районининг колхозларидан келган ишчи-колхозчи тамошобинлар тамошодан хурсанд бўлиб қайтдилар.

Театр коллективи концертдан тушган 35.000 сўм пулни улуг вақан уруши фронтларида эл бахти-сабати учун жомидо қилаётган жангчи ва офицерларининг оилаларига ёрдам фондига беришга қарор қилдилар.

Ўзбек циркининг муваффақияти

МОСКВА. Бу ерда РСФСР ва Ўзбекистон ССР халқ артисти Тошкентбей Эгамбердиев бошлиқ ўзбек циркининг гастрольлари яқинда тугади. Циркининг ижодий фаолияти СССР Халқ Комиссарлари Совети ҳузурдаги Сан'ат ишлари комитетида муҳокама қилинди. Комитет томонидан чиқарилган қарорда, ўзбек цирки аянчагина муваффақиятларга эришганлиги кўрсатиб ўтилади. Цирк Тошкент, Самарқанд меҳнаткашлари, Фарҳод ГЭС қуручилари, Ўзбекистон колхозчилари ҳамда Қизил Армия қисмлари ва ҳарбий касалхоналарида ўзининг сан'ат соҳасидаги маҳоратини намойиш қилиб берди.

Комитет циркининг бу муваффақиятларини кўрсатиб ўтиш билан бирга, цирк программасидаги жанрнинг бирмунча бирхилдароқ бўлганлигини, истеъдодли ёшларининг цирк сахнасига дидалик билан юқори кутариш етарли даражада эмаслигини қайд қилиб ўтди.

Комитет коллективнинг барча а'золарига ташаккур э'лон қилди. Ўзбек циркининг тажриба ва ютуқларини кенг ёлтириш учун бу циркнинг қардош республикаларга гастрольларини уюштиришга қарор берилди.

Тошкентда физкультура-акробатик студияси очилди, бу студияда цирк артистларининг янги кадрлари тайёрланади. (ТАСС).

“Суворовчи” газетасининг 1944 йил 6 сентябрь сониди Ўзбекистон маданият ҳаётига оид қатор хабарлар эълон қилинган.

Хусусан, газетанинг ушбу сониди ўзбек цирк жамоасининг Москва шаҳрига гастролли натижалари, Қашқадарё область театри жамоасининг жангчилар оилаларига кўрсатган моддий ёрдами ҳақида маълумотлар берилган.



Turmush o'rtog'i – filologiya fanlari doktori, professor, O'zbekistonda xizmat ko'rsatgan fan arbobi Tursunoy Hamidova bilan ikki farzandni tarbiyaladi.

Urush va mehnat faxriysi, xalqimizning ardoqli farzandi Tursunboy Ro'ziboyev Namangan shahrida 76 yoshida vafot etdi.

Ajoyib tashkilotchi, yetuk rahbar Tursunboy Ro'ziboyevning xotirasi avlodlar qalbidamisha saqlanib qolajak.

Rustambek SHAMSUTDINOV,
tarix fanlari doktori, professor






Китоб-албом «Ўзархив» агентлиги, Ўзбекистон Миллий архиви, Ўзбекистон Кинофотофоно ҳужжатлари миллий архиви, Ўзбекистон Илмий-техника ва тиббиёт ҳужжатлари миллий архиви, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Марказий архиви, Фанлар академияси Марказий архиви, Тошкент шаҳар марказий давлат архиви, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Фарғона вилоят архив иши ҳудудий бошқармалари, «Ғалаба боғи» ёдгорлик мажмуаси ва унинг таркибидаги «Шон-шараф» давлат музейи, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, Мудофаа вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Ўзбекистон Миллий телерадио компанияси, «Ўзбеккино» Миллий агентлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон прокуратура органлари фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик маркази ҳамда уруш қатнашчилари оилаларида сақланаётган ноёб тарихий материаллар асосида тайёрланди. Шунингдек, китобга Россия Федерациясининг Мудофаа вазирлиги Марказий архиви тарихий ҳужжатлари киритилди.

Нашрни тайёрлашда олимларимиз Р. Шамсутдинов, Х. Бабаджанов, М. Дармонова, О. Абдимўминов, М. Нурсаидова, Ў. Бердиев тақдим этган ҳамда Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, “Дунё” ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган материаллардан фойдаланилди.

Ушбу китоб-альбомни тайёрлашда ҳамкорлик қилган вазирлик ва идоралар, музей ва архивлар, олимлар ва мутахассислар, уруш қатнашчилари ва уларнинг оилаларига алоҳида миннатдорчилик билдирамиз.

Китоб-альбом Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг ЎЗР ФА Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари бўйича Мувофиқлаштирувчи-методик марказда амалга оширилган «Ўзбекистон халқининг Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган буюк Ғалабага қўшган ҳиссасини ўрганиш бўйича китоб-альбомни тайёрлаш» мавзусидаги мақсадли амалий лойиҳа доирасида тайёрланди.



Ikkinchi jahon urushida qozonilgan g'alabaning 76 yilligiga bag'ishlab chop etilgan "O'zbekiston ikkinchi jahon urushi davrida" kitob-albomining taqdimotidan lavhalar.

2021-yil 7-may



biy siyosiy o'qishda bo'ldi. 1941–1942-yillarda Bryansk frontidagi 29-otliq diviziya bo'limida, 1942–1943-yillarda G'arbiy front 48-gvardiya otliq diviziyasida xizmat qildi, Bryansk, Kursk, Tula shaharlari mudofaasida qatnashdi. Shundan so'ng, 1-Ukraina fronti, 13-gvardiya otliq diviziya, 141-maxsus artilleriya polki safida bo'lib, Ukraina, Polsha, Ruminiya, Vengriyani ozod qilishda ishtirok etdi.

T. Ro'ziboyev 1946-yil iyulida harbiy xizmatdan bo'shagach, Namangan va Andijon viloyatlarida, respublika miqyosida turli rahbarlik lavozimlarida faoliyat olib bordi. Xususan, Andijon va Namangan shaharlari partiya komitetlarining birinchi kotibi, yangi tashkil topgan Namangan viloyati ijroiya komiteti raisi o'rinbosari, Namangan viloyat partiya komiteti sekretari vazifalarida ishladi. Faoliyati davomida ko'plab orden va medal-



1944-yilning dekabridan 1945-yil yanvarigacha Leningrad shahrida Oliy ofitserlar artilleriya maktabida o'qidi. O'qishni bitirgach, Turkiston Harbiy okrugi 220-alohida artilleriya polkida xizmatni davom ettirdi.

Jasur yurtdoshimizga 1942-yilning 6-noyabrda katta leytenant, keyinchalik polkovnik harbiy unvonlari berildi.

U 1943-yili yarador bo'lgan va 2-guruh urush nogironi edi.


lar bilan taqdirlandi. Jumladan, O'zbekistonda xizmat ko'rsatgan madaniyat xodimi unvoni bilan mukofotlandi.

T. Ro'ziboyev 1948–1950-yillarda Toshkent davlat pedagogika institutining Tarix fakultetida ham tahsil olgan edi. U sobiq Ittifoq Jurnalistlar uyushmasi a'zosi bo'lib, ko'plab gazeta va jurnallarda maqolalar e'lon qildi. Uning "Otalalar jasorati" nomli kitobi Toshkent va Moskvada chop etildi.





2022 йили 2000 нусхада «Ўзбекистон Иккинчи жаҳон уруши даврида» альбом-китоби нашрдан чиқди ва китобхонлар эътиборига ҳавола этилди.






Академик А.Х.Саидов

Таниқли давлат ва жамоат арбоби, Ўзбекистон Фанлар академияси академиги, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари Акмал Холматович Саидовнинг Ўзбекистон Республикаси

Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг ташаббуси ва ташкилотчилиги билан пойтахт Тошкент шаҳрида ташкил этилган Ғалаба боғи мажмуаси ҳақидаги «Ғалаба боғи фалсафаси» номли китоби Ўзбекистон ва дунё жамоатчилиги томонидан яхши кутиб олинди.

Асар Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мана бу пурмаъно фикри билан бошланган: **«Иккинчи жаҳон уруши йилларида фашизм балосига қарши курашда**



кўпмиллатли Ўзбекистон халқи томонидан амалга оширилган буюк тарихий ишларни, унинг энгилмас, кучли иродаси ва қаҳрамонлигини, ўша суронли йиллар ҳақиқатини келгуси авлодларга аниқ мисоллар асосида етказиш, уларни жасорат ва ватанпар-

варлик руҳида тарбиялаш гоят муҳим аҳамиятга эга».¹

Мазкур тадқиқотда А.Х.Саидов домламит Р.Т.Шамсутдиновнинг қатор асарларидан парчалар, иқтибослар келтирганки, уларни бирма-бир келтиришни лозим билдик.

Асарнинг 101-бетида мана бу сатрлар келтирилган: «Мамлакатимиз олимлари ва тадқиқотчилари томонидан **«меҳнат армиячилари»** ёки **«қуролсиз аскарлар»** фаолияти кейинги йилларда изчил ўрганила бошланди. Бу борада тарихчи олим Рустам Шамсутдинов ва шогирдларининг муҳим тадқиқотлари ўзининг изчиллиги ҳамда мавзуга дахлдор янги манбалар киритилгани ва янгича ёндашувлар туфайли алоҳида эътиборни тортади (Қаранг: Шамсутдинов Р., Исҳоқов А. Андижон тарихидан лавҳалар. Тошкент: Шарқ, 2013. Б.249 – 265; Рустамбек Шамсутдинов. Ўзбекистонлик қуролсиз аскарлар қисмати: нега уларнинг ғалабага қўшган ҳиссаси ҳамон ўрганилмаган? // Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги – ЎЗА расмий сайти, 2019 йил 27 декабрь. Рустамбек Шамсутдинов. Меҳнат армиячилари – «Қуролсиз аскарлар»нинг ғалабага қўшган ҳиссасига доир // «Водийнома» журнали, 2020, 2-сон; Рустамбек Шамсутдинов, Соғибжон Ҳошимов, Хушид Қурбонов. «Қуролсиз аскарлар» // «Водийнома» журнали 2020. 3-сон. Б.58 – 62). Китобдаги «Қуролсиз аскарлар» атамаси даставвал Биринчи жаҳон уруши даврида Туркистондан 19 ёшдан 49 ёшгача бўлган 250 мингга яқин эркак фронт ишларига сафарбар қилингани, улар, ўша давр ибораси билан айтганда, «мардикорлик»ка олинган эдилар» деган фикр, гоё ҳам Р.Шамсутдинов асаридан олинганлиги қайд қилинган.

Асарнинг «Ўзбекистон аскарлари – Европа халоскорлари» бўлими Р.Шамсутдиновнинг «Иккинчи жаҳон уруши ва фронт газеталари. Иккинчи китоб»да келтирилган Усмон Юсуповнинг «Ўз куч-қудратига ишонган одамгина ғалабага эришади» сўзи ва сурати билан бошланган.

Китобнинг 136-саҳифасида Р.Шамсутдиновнинг 2020 йили «Ўзбекистон халқининг буюк

¹ Расулов А., Режаббоев Н. Туркистонда очларга ёрдам кўрсатиш комиссияси фаолиятдан. – Фарғона, 2016. – Б.104.



ғалабага қўшган ҳиссасига доир» (1941 – 1945 йиллар) китобидан мана бу иқтибос келтирилган: «Беларусь заминидаги фашизмга қарши партизанлик ҳаракатларида яна бир ўзбек фарзанди **Қобилжон Усмонов** фаол иштирок этган. У 1920 йил декабрь ойида Андижон шаҳрида туғилган, 1939 йил сентябрида совет армиясига чақирилган ва 1941 йил июнигача Гродно шаҳридаги (Беларусь Республикаси) 152-оғир артиллерия полки таркибида оддий аскар бўлиб хизмат қилган. Қобилжон Усмонов уруш бошланишидаги жангларда ярадор бўлган ва Беларусь ўрмонларидаги партизанлар сафига қўшилган. Аввал тарқоқ кичик парти-

занлар отрядида, 1942 йил июнидан 1944 йил августига қадар Минск қўшилма 12-отлиқ бригадасида бўлим командири ва взвод командири бўлиб хизмат қилган. 1944 – 1946 йилларда Минск шаҳридаги 35-сонли танкларни зирқлар билан жиҳозлайдиган заводнинг бошлиғи ўринбосари бўлиб ишлаган. Қобилжон Усмонов Андижон вилоятида турли давлат муассасаларида фаолият олиб борган. 2012 йили Қобилжон Усмонов 90 ёшида Андижонда оламдан ўтган».

Китобда Иккинчи жаҳон уруши фаол қатнашчиси, меҳнат қаҳрамони Абдусамат Тиллабоевнинг ҳаёти ёритилган, унинг расми ҳам берилган.



«Уруш йиллари мен қиладиган муҳим ишлар жуда кўп ва хилма-хил эди. Биринчи вазифа – ҳар кун одам топиб, уларни ҳарбийга тайёрлаб, аскарлик сафига қўшиш. Иккинчи вазифа – одамларни уруш орқасидаги завод, фабрикалар, курилиш ишларига жалб этиш. Учинчи вазифа – мамлакат мудофаасини кучайтириш, қўшинларни курул-аслаҳалар билан таъмин қилиш, кийим-бош, озиқ-овқатлар етказиб бериш, халқдан ҳарбий заём, ҳарбий солиқлар йиғиб давлат ҳисобига топшириш»

Абдусамат ТИЛЛАБОЕВ,
Меҳнат Қаҳрамони.

Музейда Ўзбекистон халқининг фронт учун маблағ тўплаши жараёнига алоҳида экспозиция бағишланган. Бу ерда ўзбекистонликлар урушнинг дастлабки кунлариданоқ мудофаа жамғармасини ташкил этиш ҳаракатида қандай фаол иштирок этганига доир тарихий маълумотлар билан танишиш мумкин.

Кенг халқ оммасининг ташаббуси билан шанбаликларда ишлаб топилган пуллар, фуқароларнинг шахсий жамғармалари, қимматбаҳо бойликлари, давлат заёмлари, буюмлар, озиқ-овқат маҳсулотлари жамғармага топширилган.

Уруш йилларида мудофаа фондига республика аҳолиси томонидан 650 миллион рублдан зиёд пул ва давлат заёми облигациялари, 22 миллион рублдан ортиқ қимматбаҳо буюмлар, 55 килограмм қимматбаҳо заргарлик маҳсулотлари тақдим этилган. Ушбу маблағлар ҳисобига «Ўзбекистон», «Красновосточник» бронепоездлари, авиаэскадрилья, танк колонналари ва бошқа техникалар ишлаб чиқарилиб, фронтга жўнатилган.

Иккинчи жаҳон уруши даврида Ўзбекистоннинг иқтисодий-ижтимоий ҳаётида юз берган муҳим воқеалар музейдаги иккинчи бўлим мавзуларининг бевоқифа давомидир. Бу ҳақдаги экспонатларда фашизмга қарши кураш умумхалқ ҳаракатига айланган бир пайтда Ўзбекистон Республикаси раҳбар арбоблари — **Усмон Юсупов, Йўлдош Охунбобоев, Абдували Мўминов, Абдуҷаббор Абдураҳмонов** ва республиканинг барча вилоятлари раҳбарларининг фронт ва фронт орти учун олиб борган ташкилотчилик фаолияти акс эттирилган.

Хусусан, давлат ва сиёсат арбоби, дипломат **Нуриддин Муҳитдинов** Усмон Юсупов ҳақидаги хотираларида қуйидагиларни кайд этади: «Урушнинг оғир кунларидан бирида Усмон Юсупов шаҳар атрофидаги туманлар партия кўмиталари биринчи котибларини ҳузурга таклиф қилди. Ҳаммасини автобуга ўтказиб, заводларга олиб борди. Корхоналарда бўлишганда У. Юсупов биринчи навбатда ошхонага кириб, ишчилар учун тайёрланган овқатдан татиб кўрди, туман партия кўмиталари биринчи котибларидан ҳам шундай қилишни талаб этди. Ҳамма умумий овқатланиш ёмон йўлга қўйилганига, кўчиб келган ишчиларга дурст ғамхўрлик кўрсатилмаётганлигига ишонч ҳосил қилди.

Маиший муассасалар, турар жой ва бошқа шароитларни ҳам кўздан кечиришди. Ҳар бир туман маълум бир корхонага бириктирилди. Ҳар бир ишчи жамоасига иложи борича ғамхўрлик кўрсатиш лозимлиги, уларнинг яшаши ва меҳнат қилишлари учун биринчи котиб шахсан жавобгарлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди»..

Шунингдек, Избоскан район ер-сув хўжалиги бошлиғи бўлган, райижроқўм раиси лавозимида ибратли фаолият кўрсатган, кейинчалик Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, ЎзССР Олий Совети депутатлигига бир неча мuddат сайланган **Абдусамат Тиллабоев** ўша суронли, оғир уруш йилларида фронт ортидаги фавқулдда мураккаб ҳолатни шундай эслаган:

“Усмон Юсупов (Ўзкомпартия МК биринчи котиби) Андижонга келганида ёнига чақириб, “Сен район ижроия кўмитасига раис бўлиб ишлайсан”, – дедилар “Хўп”, – дедим... Уруш йиллари мен қиладиган муҳим ишлар жуда кўп



ва хилма-хил эди. **Биринчи вазифа** – ҳар куни одам топиб, уларни ҳарбийга тайёрлаб, аскарлик сафига кўшиш. **Иккинчи вазифа** – одамларни уруш орқасидаги завод, фабрикалар, қурилиш ишларига жалб этиш. **Учинчи вазифа** – мамлакат мудофаасини кучайтириш, қўшинларни қурол-аслаҳалар билан таъмин қилиш, кийим-бош, озиқ-овқатлар етказиб бериш, халқдан ҳарбий заём, ҳарбий солиқлар йиғиб давлат ҳисобига топшириш. Бу вазифалар ҳарбий ҳолат кунларида жанговар вазифа ҳисобланар, кимки бу ишга андак суғ қараб, вақтида бажармаса, район раҳбарларидан тортиб юқори ҳўжалик раҳбарларигача қаттиқ чора кўрилар эди”.

Уруш йилларида республикадаги ғоят оғир шароитга қарамасдан, халқимизнинг фидокорона меҳнати эвазига:


- Фарҳод, Товоқсой, Оқтепа, Оққовок, Қибрай, Солар гидроэлектр станциялари барпо этилган;
- Ўзбекистоннинг биринчи металлургия заводи ишга туширилган;
- Чирчик, Оҳангарон, Бекобод, Янгийўл сингари саноат шахарлари барпо этилган;
- Лангар, Ингичка, Қўйтош, Фортепа, Олмалиқ, Оқтош конлари ва бошқа янги нефть конлари ўзлаштирилган;

ЖОНИМ ФИДО ВАТАНГА

(Уруш даври халқ кўшиқларидан)

*Гул барги танга-танга,
Ёрим йўлладим жангга,
Қай жангчидан қолишай,
Жоним фидо Ватанга.*

ЎЗБЕКИСТОН – ФРОНТ УЧУН
ИШОНЧЛИ ТАЯНЧ ҚЎРҒОНИ



200

¹ Шамсутдинов Р. Ўзбекистон халқининг буюк ғалабага қўшган ҳиссасига доир (1941-1945 йиллар). – Т.: “Akademnashr”, 2020. – Б. 407.

Муқимий номидаги Ўзбек муסיқали драма театри уруш йилларида қурилган.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида ўзбек тилида чоп этилган 13 та фронт газетаси ва 3 та дивизия газеталарининг асл нусхалари сақланмоқда. Хусусан, «Ватан учун», «Совет жангчиси», «Қизил аскар ҳақиқати», «Ватан шарафи учун», «Душманга қарши олға», «Фронт ҳақиқати», «Ғалаба байроғи», «Қизил Армия», «Бонг» газеталари ҳақида муҳим маълумотларга эга бўлиш мумкин.

Профессор Р.Шамсутдинов қайд этишича, 1943 йилга келиб жами 762 нонда фронт газеталари, жумладан, 4 та марказий, 19 та фронт, 23 та корпус, 600 та дивизия газеталари чиққан. Шундан 14 таси ўзбек тилида чоп этилган².

¹ Қаранг: Сизов И. Батарей звуковой разведки. (В.Тюриков. Зарубки на прикладе): Повести. – Т.: “Ёш гвардия”, 1982. – С.61-109.

² Рустам Шамсутдинов. Фронтда ўзбек тилида чоп этилган газеталар // “Фан ва турмуш” журнали, 2020. 1-2-сон. – Б. 30-31.



15 набирасини урушга кузатган момо

«Зулфия аядек жигаргўшаларидан ажралган онахонлардан бири Андижон вилояти Избоскан тумани Янги қишлоқ ҳудудида яшаган, 100 ёшида ҳам колхозда меҳнат қилган Ўғилбиби Қулматова ҳисобланади. Момонинг оиласи 47 кишидан иборат бўлиб, энг кичкина набираси Маҳбубахон 6 ёшда, тўнғич ўғли – тажрибакор агроном Аҳмаддин Қўчқоров 70 ёшда бўлган. Бу муштирап аёлнинг 15 набираси урушга сафарбар қилинган. Уларнинг кўпчилиги орден ва медаллар билан мукофотланган. Ўғилбиби момонинг 2 нафар набирасигина 1945 йил октябрида ҳарбий хизматдан бўшаб, жонажон Андижонига қайтиб келган. Фронтида ўзбек тилида нашр этилган «Ватан шарафи учун» газетасининг масъул муҳаррири С. Жуков, масъул муҳаррир ўринбосари Рустам Абдураҳмонов Ўғилбиби Қулматованинг 100 йиллигини нишонлаш тадбирига келиб, унинг оиласи шон-шўхратига таҳсинлар айтган»¹.

¹ Шамсутдинов Р. Иккинчи жаҳон уруши ва фронт газеталари. Иккинчи китоб. – Тошкент: Akademnashr. 2017. – Б. 353.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 9 сентябрдаги «Ғалаба боғи» ёдгорлик мажмуаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори мазмун ва моҳияти муаллифлар томонидан шарҳланиб, ғалабанинг 75 йиллиги муносабати билан 2020 йил 24 июнда ўтказилган ғалаба парадида қатнашган Шавкат Мирзиёевнинг бир гуруҳ ҳарбий офицерлар билан тушган мана бу сурати китобнинг 314-саҳифасида келтирилган.

гурурингиз тошади. Баҳодир ва ортга қайтмас боболаримизнинг жасорати-га, шиддату матонатига ихлосингиз янада ошади.

Бу музейни келиб кўрадиган, умуман, аждодларимиз жасорати ва матонатига доир фильмларни томоша қиладиган, айни мавзудаги китобларни ўқиб борадиган ҳар бир киши ватанпарвар бўлиб камол топишига шубҳа йўқ. Зеро, **Ғалаба боғини барпо этишнинг замирида ёшларни Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш мақсади мужассам.**

Шунинг учун Президентимиз ушбу масканини **“ноёб маънавий, меъморий ва тарихий обида”, дея тавсифлагани бежиз эмас.** Бу боғ Иккинчи жаҳон урушининг аянчли асоратларини унутмаслик, доимо огоҳ бўлишга чорлайди. Шу билан бир қаторда, аҳолининг мазмунли дам олиши, кўнгилли ҳордиқ чиқариши учун, маданий-оммавий тадбирлар, ижодий учрашувлар, маънавий-маърифий тадбирлар, давра суҳбатлари, адабий учрашувлар маскани бўлиб хизмат қилади.



Таниқли олим, тарих фанлари доктори, профессор Рустамбек Шамсутдинов Россия Федерацияси ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатларидаги кутубхоналарда сақланаётган турли манбалар, жумладан, “Қизил армия”, “Бонг”, “Ватан учун”, “Фронт ҳақиқати”, “Қизил аскар ҳақиқати”, “Ватан шарафи учун”, “Душманга қарши олга”, “Совет жангчиси”, “Суворовчи” каби газеталарни ўрганиб, улардаги эътиборга молик материаллар асосида “Иккинчи жаҳон уруши ва фронт газеталари” номли кўпжилдлик тўпламни нашр этириб келмоқда.

2020 йилда ушбу туркумнинг тўртинчи ва бешинчи китоблари нашр этилди. Мазкур тўпламларда ҳали эълон қилинмаган фронт газеталаридаги материаллар ўрин олган.

Асарнинг 315-бетида эса «Ғалаба боғи» шаклланишида маълум хизмат қилган Андижон давлат университети профессори, АндДУ тузилмасидаги Қатағон қурбонлари хотираси музейи директори Рустам Шамсутдиновнинг қуйидаги сўзи ва расми келтирилган:

Асарнинг 318 – 319-саҳифаларида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби Усмон Юсуповнинг буюк ғалабага қўшган ҳиссаси ҳақида тарихий маълумотлар келтирилган. Бунда Р.Шамсутдиновнинг «Ўзбек



халқининг матонатли фарзанди», «Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабага андижонликларнинг хиссасидан лавҳалар» номли мақолаларидан парчалар келтирилган. Улардан бирида шундай дейилган: «**Ўзбек халқининг 2 млн 600 мингдан ортиқ вакили имзо чеккан «Ўзбек халқидан жангчиларга хат»да «Эй ўзбек жангчиси, эй қўлига қурол олган аскар!.. Ойлангдан ўғлонларнинг сараси бўл, қардош халқлар ўртасида ҳам илғор баҳодирларнинг биттаси бўл!» деган адолатли ва мардонавор даъват илгари сурилган.** (Шамсутдинов Р. Ўзбекистон халқининг буюк ғалабага қўшган ҳиссасига доир (1941 – 1945 йиллар). – Тошкент: Akademnashr, 2020. – Б.15).

Ўзбекистон халқининг фашизм устидан қозонган буюк ғалабага қўшган ҳиссаси мавзуидаги илмий-тадқиқот изланишларини давом эттириш, мазкур долзарб мавзунини янада чуқур ва кенг тадқиқ этиш, қўлга киритилган янгидан-янги манбалар, қўлёзмалар, эсдаликлар, хотиралар, ҳужжат ва материаллар излаб топиш ва уларни хотира китобларига киритишдек улғувор ишларни янада давом эттириш, кучайтириш мақсадга мувофиқдир.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мазкур 3 жилдлик китоб-альбом, А.Х.Саидовнинг «Ғалаба боғи фалсафаси» китоби олий таълим тизимидаги барча кутубхоналарда бўлиши ва ундан тарихчи профессор-ўқитувчилар талабалар илмий, тарбиявий, ғоявий таълим-тарбия соҳада фойдаланишлари мақсадга мувофиқдир. Аммо кўплаб олий ўқув юртлари ахборот-ресурс марказларида бу китоблар мавжуд эмас. Ваҳоланки, Ўзбекистон тарихидан дарс бераётган



«Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг маъруза ва чиқишлари, қабул қилган қарор ва фармойишлари, тарихимизнинг ўрганилмаган саҳифаларини яратиб борасида амалга ошираётган ташкилий, ғоявий, амалий ташаббуслари кўплар қатори менинг илмий тадқиқот ишларимга ҳам кучли таъсир этмоқда. Ўзбекистон халқининг Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган буюк Ғалабага қўшган ҳиссасини ўрганиш ҳар биримизнинг вазифамиз. Бу улғувор ишда озми-кўпми ҳиссам борлигига шукроналик билдираман».

Рустамбек ШАМСУТДИНОВ,
*тарих фанлари доктори,
профессор*

профессор-ўқитувчи, таълим олаётган талабалар ана шу китоблардан фойдаланишлари зарур. Бу бўшлиқни тўлдириш учун Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимидаги барча олий ўқув юртлари ахборот-ресурс марказлари ҳозиргача нашр юзини кўрган 3 жилдлик ўзбек, рус ва инглиз тилларида нашр этилган «Ўзбекистон халқининг фашизм устидан қозонилган ғалабага қўшган ҳиссаси», А.Х.Саидовнинг «Ғалаба боғи фалсафаси» билан таъминланиши зарур ва шартдир.

Айниқса, тарих факультетида бу китоблар махсус курс сифатида ўқитилиши мақсадга мувофиқдир. Масалан, Андижон давлат университети тарих факультетида чорак асрдан буён фаолият кўрсатиб келаётган «Истиқлол ва миллий тарих муаммоларига доир» номли илмий семинар машғулотларида юқоридаги асарлар таҳлил қилиб борилмоқда. Айни пайтда китоб-альбом ва «Ғалаба боғи фалсафаси» асарларининг ҳеч бўлмаган

да электрон шакллари республикадаги барча олий ва ўрта-махсус ўқув юртларида, умумтаълим мактабларида бўлиши ва улардан таълим ва тарбия жараёнида фойдаланиш зарур деб биламиз.

АНДИЖОН ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИНИНГ БИРИНЧИ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

Бу конференция 1945 йил 25-27 февралда бўлиб ўтган. Конференцияда Ўзбекистон Компартияси Марказий комитетининг Биринчи секретари Усмон Юсупов иштирок этган ва нутқ сўзлаган.



Андижон область партия комитетининг биринчи котиби К.К.Шубладзе «Ўзбекистон коммунистик партияси Марказий комитети Андижон област партия комитетининг 1941 йил

мартдан 1945 йил февралигача бўлган даврдаги фаолияти тўғрисида» маъруза қилган. Шу конференция тугаши олдидан минбардан туриб Ўзбекистоннинг биринчи раҳбари Усмон Юсупов конференция иштирокчилари ва бутун Андижон области халқи номидан ВКП(б) Марказий Комитетининг биринчи секретари И.В.Сталин номига ёзилган мана бу мактубни ўқиб берган:

**Москва Кремль,
Ўртоқ Сталинга
Ҳурматли Иосиф Виссарионович!**



Биринчи Андижон област партия конференцияси Сиз, ажойиб стратег ва лашкарбоши, мухтарам йўлбошчи ва устозга ўзининг қизгин большевикча саломини йўллайди.

Сизнинг раҳбарлигининг остида Қизил Армия ғарбга темир қадамлар билан ишонч билан юриб, фашистик йиртқич ҳайвоннинг инида қаҳрамонлик ва жасорат билан душманни тормор келтирмоқда.

Аммо, Иосиф Виссарионович, Сизнинг ғалаба яқин бўлса-да, у оғир жангларда, машаққатли меҳнатда эришилади, деган сўзларингизни эслаймиз. Сиз бизни немис фашист босқинчилари устидан узил-кесил ғалабага эришиш учун янада кўпроқ ҳаракат қилишга чақирмоқдасиз.

Биз биринчи область партия конференциясига йиғилган, қаҳрамон Қизил Армиянинг ғалабали ҳужумида ҳар куни ёрдам кўрсатиш бўйича навбатдаги ишимиз йўллари белгилаб олдик. Биз ўз олдимизга

пахтачиликдаги қоқоқликка барҳам бериш, илғор областлар ва колхозлардан ўрناق олиб, пахтачиликни бошқариш ишларини қатъиян олға силжитиш, қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларини ҳар томонлама ривожлантиришни таъминлаш вазифасини қўйдик.

Областимиз саноат корхоналари фронт ва фронторти учун зарур бўлган барча нарсаларни таъминлашни, област қишлоқ хўжалигига максимал даражада ёрдам кўрсатиши учун биз ҳам барча зарур чораларни кўрамиз. Биз меҳнаткашларнинг моддий ва маданий фаровонлиги тўғрисидаги большевикларча ғамхўрлигини таъминлаймиз.

Мухтарам Иосиф Виссарионович, Сизга, Ўзбекистон партия ташкилоти олдида турган асосий вазифани – мамлакатга БИР МИЛЛИОН ТОННА пахта беришни, шундан 200 минг тоннаси Андижон областида ҳал этиш учун курашда куч-ғайратимизни, юксак ташкилотчиликни, инқилобий ҳушёрликни ва темир интизомни янада кўпроқ таъминлашга қасамёд қиламиз.

Биз курашаётган вазифалар ана шундай-дир. Ва биз уни бажарамиз. Зеро, бизни ватанга чексиз муҳаббат, адолатли иш ғалабасига чексиз ишонч янги меҳнат ғалабалари сари етаклайди.

Бизнинг азиз йўлбошчимиз ва отамиз кўп йиллар давомида совет халқининг бахти учун яшанг, душманлар қўрқувда бўлсин! Яшасин большевикларнинг Бутуниттифоқ Коммунистик партияси, фашист босқинчилари устидан ғалаба учун курашнинг илҳомлантирувчиси ва ташкилотчиси ЛЕНИН-СТАЛИН партияси!

Яшасин халқларнинг буюк йўлбошчиси, Ватан урушининг донишманд саркардаси, большевиклар партияси ва совет халқининг суюкли раҳбари, ЎРТОҚ СТАЛИН!»¹

¹ УзР ПДА Андижон вилояти бўлими 106-фонд, 1-рўйхат, 130-иш.



ФРОНТ БАҲОДИРЛАРИДАН БИРИ ТУРСУНБОЙ РЎЗИБОВ

Р.Т.Шамсутдинов



«Ватан шарафи учун» ўзбек тилидаги фронт газетасининг 1944 йил 1 июндаги №42 (230) сонида Совет Иттифоқи Қаҳрамони С.Исмоиловнинг «Ярадор йиртқични яна ҳам шафқатсизроқ янчамиз», Турсунбоевнинг «Гап битта», Зокир Холдоровнинг «Менинг бурчим», гвардия оддий аскари У.Умаровнинг «Ботир сапёр», Самарқанд область партия комитетининг секретари Н.Маҳмудовнинг «Самарқанд фронтга», гвардия старший сержанти З.Аминовнинг «Ҳарбий мухбирлар ва газетхонлар кенгаши» номли мақолалари эълон қилинган. Газетанинг шу сонида «Фронтимизнинг атоқли баҳодирлари» рукни остида ўзбек халқининг энг асл фарзандларидан бири, Ватан урушининг бошидан бери немис-фашист босқинчиларига қарши мардона курашаётган гвардия старший лейтенанти кўшорденли Турсунбой Рўзибоевнинг О.Игнатович олган сура-ти берилган.

Газетанинг шу сонида капитан Т.Соатовнинг душманга қарши жангларда жанговарлик намуналарини намоиш этган Турсунбой Рўзибоев ҳақида «Комсомол тарбиялаган баҳодир» номли очерки берилган. Ундан айрим парчалар келтирамиз: «Шундай ҳодиса юз берадики, жангчилар мўлжалланган маррага бориб етай деганларида ерга ётиб олишга

мажбур бўладилар. Траншеяларга беркиниб олган немислар ён атрофини ёмғирдек ўтга тутаётган эдилар. Бунинг устига, шу оғир минутларда командир ҳам сафдан чиқди. Атаканинг барбод бўлиш хавфи туғилди. Шу вақт қора терга тушиб қаердандир пайдо бўлиб қолган, келишган қадди-қоматли, жиддий қиёфали ёш йигит ўрнидан ғоз туриб баланд овоз билан қичқирди:

– Ватан учун, Сталин учун олға, йигитлар!

Қўлида тўппончасини маҳкам ушлаб олдинга интилган бу йигитнинг шахсий жасорати ва чақириғи жангчиларда аллақандай зўр ғайрат ҳосил қилди. Эскадрон худди бир кишидек азот ўрнидан туриб ҳалиги йигитча орқасидан борди, шиддат билан душман траншеясига бостириб кирди. Бу жангда кўп гитлерчиларнинг бағрига найза санчилди, анчаси асир қилиб олинди ва ўлжалар қўлга туширилди. Эскадрон душманни изма-из қувиб бориб, катта аҳоли пункти эгалланди.

Шу мушкул вазиятда ташаббус кўрсатиб, шундай мардона равишда жангчиларни шиддатли атакага етаклаган шерюрак баҳодир бўлинма комсомол ташкилотчиси, наманганлик гвардия старший лейтенанти Турсунбой Қўзибоев эди.

... Ватан урушининг биринчи кунидан буён немис-фашист каллакесарларига қарши мардона курашаётган Рўзибоевнинг ўнг кўкрагида иккинчи даража Ватан уруши ордени, Қизил Юлдуз ордени, гвардия нишони, чап кўкрагида эса «Жасурлиги учун» ва «Жанговар хизматлари учун» медаллари товланиб турибди.



Эндигина 22 ёшга кирган Рўзибоев бу жанговар орден ва медалларнинг биттасини ҳам бекорга олган эмас. Уруш алангасида тобланган бу ёш ватанпарварнинг жанговар ҳаётида ёзса ҳар бири бир катта дoston бўладиган, юқоридагидек воқеалар озмунча бўлган эмас. Ҳар бир орден ва ҳар бир медаль унинг мана шундай мардонавор жасоратидан гувоҳлик беради.

Бир жангдан кейин қўмондонлик гвардия старший лейтенанти Рўзибоевнинг жанговар хизматлари учун медали билан мукофотлади. Бу мукофотнинг тарихи шундай: қисмда немисларнинг орқа томонига юбориш учун махсус отряд тузилди. Комсомол ташкилотчиси Рўзибоев ҳам ўз илтимосига кўра шу отряд составига киритилди. Бу отлик отряд душманининг орқа томонида узоқ вақт муваффақиятли рейд ўтказиб гитлерчиларга кўп ваҳима солди, кўпни асир қилиб олди, сон-саноксиз ўлжаларни қўлга туширди. Мард Рўзибоев бу рейдда одатдагича энг қийин участкаларда муҳим топшириқни бажарди.

Рўзибоев яқинда бўлиб ўтган ғолибона ҳужум жангларида ҳам ҳаммани қойил қолдирадиган жасорат намуналарини қайта-қайта намойиш қилди. Чекинаётган немисларни орқама-орқа қувиб бораётган эскадрон бир кун қисмдан ажралиб, анча мушкул аҳволга тушиб қолди. Ҳар қандай бўлса-да шу эскадрон билан алоқа ўрнатиш осон эмас эди. Чунки эскадронга бораверишда ўққа тугилмаётган бир метр ҳам хатарсиз жой йўқ эди.

... Юзлаб кўзлар бағрини ерга бериб илгари сургалаётган йигитга боқди. Унинг ён-верида, тепасида ўқлар визиллади. Лекин у ўлимни писанд қилмай илгари силжий борди. У фақат ҳаддан ташқари толиққандагина бир дақиқа нафасини ростлаб олар ва яна олға босар эди. У 800 метрлик масофани мана шу тарзда босиб ўтди. Гимнастёркасининг енгиди, шимининг тизза кўзида титилмаган жойи қолмади. Қўлининг бармоқларидан тирқираб қон оқди. Бироқ Рўзибоев буларнинг биронтасига ҳам эътибор қилмас эди. У ўз олдига қўйилган энг масъулиятли топшириқни шараф билан бажарганига хурсанд эди.

Медицина рабфагида тўғри ҳаққоний кураш майдонига келган ёш офицер Турсунбой Рўзибоевнинг жанговар ҳаёти мана шундай давом этмоқда.

– Мен, – дейди Рўзибоев, – немис газандларни гвардиячасига савалаётган Қизил Армиянинг содиқ солдатларидан бириман. Манфур душманни ўз уясида янчиб ташлаш учун бўладиган даҳшатли жанглarda ҳам Олий бош қўмондонимиз улуғ Сталиннинг буйруғини, халқимнинг наказини янги куч ва янги ғайрат билан бажо келтираман.

Бу қаҳрамон ҳаётининг сўнгги йилларида расмий раҳбарлик лавозимларида фаолият кўрсатганда ўз қўли билан ёзилган таржимаи ҳолидан айрим лавҳалар келтираимиз: Рўзибоев Турсунбой 1922 йил Наманган области Уйчи райони Қизилравот қишлоғида деҳқон оиласида туғилган. 1937 йил шу қишлоқдаги 5-сон ўрта мактабни битирган, Наманган шаҳридаги тиббиёт ишчи факультетида таҳсил олиб, 1940 йили битирган. Ўша 1940 йили кўнгилли равишда Қизил Армия сафига қабул қилинган. 1940 йил октябридан 1941 йил февралигача Орлов ҳарбий округидаги 10-сон ғарбий отлик полкида хизмат ўтаган. 1941 йил февралидан июлигача Курск шаҳрида ҳарбий-сиёсий ўқишда бўлган. 1941 йил июлидан 1942 йил апрелигача Брянск frontiдаги 29-отлик дивизия бўлимида хизмат қилган, Брянск, Курск, Тула шаҳарлари мудофаасида қатнашган. 1942 йил апрелидан 1943 йил октябригача Ғарбий фронт 48-гвардиячи отлик дивизия комсомол комитети котиби лавозимида фаолият кўрсатган. 1943 йил 1-Украина fronti, 13-гвардиячи отлик дивизия сиёсий бўлими бошлиғи ёрдамчиси, 1944 йил декабригача 141-сонли махсус артиллерия полкида комсорг бўлиб Украина, Польша, Руминия, Венгрияни озод қилишда иштирок этган. 1944 йил декабридан 1944 йил январигача Ленинград шаҳрида Қизил Армиянинг Олий офицерлар артиллерия мактабида ўқиган. Ўқишни битиргач, Туркистон ҳарбий округи 220-сонли алоҳида артиллерия полкида хизмат қилган. Катта лейтенант ҳарбий унвонини Брянск fronti томонидан 1942 йил 6 ноябрида олган. Пол-



ковник ҳарбий унвонига мушарраф бўлган. 1943 йили ярадор бўлган, Улуғ Ватан уруши 2-группа инвалиди бўлган. Қизил Армия сафидан ҳарбий хизматдан бўшатирилган. 1946 йил августидан Наманган шаҳар партия комитети ташкилий бўлим мудирининг вазифасида фаолият кўрсатган. 1946 йил октябрида Ўзкомпартия Марказий Комитети ва Комсомол Марказий Комитети қарори билан Наманган область комсомол комитетининг биринчи секретари вазифасида ишлаган. 1948 – 1950 йилларда 2 йиллик партия мактабини аъло диплом билан битирган. Шу ўқиш давомида Тошкент давлат педагогика институти Тарих факультетини битирган. 1950 йил августидан 1952 йил апрелигача Андижон область партия комитети пропаганда ва агитация бўлими мудирининг, 1952 йил апрелидан 1953 йил августигача Андижон область Марҳамат район партия комитетининг биринчи котиби, 1953 йил августидан 1955 йил июлигача қадар Андижон шаҳар партия комитетининг биринчи котиби лавозимида фаолият кўрсатган. 1956 – 1957 йилларда КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Олий партия мактабини битирган, 1960 йил январидан Андижон область партия комитети секретари, 1960 йил январидан 1961 йил декабригача Ўзбекистон КП Марказий Комитети пропаганда ва агитация бўлими мудирининг, 1961 йил декабридан 1968 йил февралигача Наманган шаҳар партия комитети биринчи секретари, 1968 йил февралидан 1970 йил августигача янги ташкил топган Наманган области ижроия комитети раиси ўринбосари, 1970 йил августидан На-

манган область партия комитети секретари, 1984 йил январидан Иттифоқ аҳамиятидаги пенсионер. Кўплаб орден ва медаллар билан тақдирланган, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият арбоби ва СССР Журналистлар союзи аъзоси бўлиб фаолият кўрсатган, кўплаб газета, журналларда мунтазам мақолалар эълон қилиб турган. Тошкент ва Москвада китоблари нашр этилган.

Турмуш ўртоғи Турсуной Абдуҳакимовна Ҳамидова филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, икки фарзанди бор.

Уруш ва меҳнат фахрийси, кўп йиллар раҳбарлик лавозимларида ишлаб, халқимиз ўртасида муносиб обрў қозонган муҳтарам инсон Турсунбой Рўзиев Наманган шаҳрида 76 ёшида вафот этган.

Ажойиб ташкилотчи, етук раҳбар Турсунбой Рўзиевнинг хотираси ҳозирги авлод қалбида ҳамиша сақланиб қолажак.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг ташаббуси билан Ғалаба байрами олдидан ҳар йили ўзбек, рус, инглиз тилларида «Ўзбекистон Иккинчи жаҳон уруши даврида» китоб-альбомини нашр этиш анъанаси давом этиб келмоқда. 2022 йилда китоб-альбомнинг учинчиси – «Ўзбекистон Иккинчи жаҳон уруши даврида» 2000 нусхада нашр этилди. Шу асарнинг 137 – 139-саҳифаларида Турсунбой Рўзиевнинг урушдаги жасорати ҳақида бизнинг кичик мақоламиз ўрин олган. Бу китоб Турсунбой Рўзиевнинг оила аъзоларига топширилган.



ЎЗБЕКИСТОНДА

УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ИЖТИМОЙИ

ШАРОИТЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИГА ДОИР

Ф.Х.Набиев

Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети профессори, тарих фанлари доктори

Бош мақсадимиз бўлган озод ва обод, фаровон жамият қуриш асосида учинчи ренессанс пойдеворини яратиш Янги Ўзбекистоннинг **миллий юксалиши** билан боғлиқ. Шунинг учун Ўзбекистоннинг энг янги тарихи миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари ғояси асосида амалга оширилаётган ислохотлар билан характерланади. Миллий тикланишдан миллий юксалишга ўтиб бораётган Янги Ўзбекистонда фан ва маданиятни ривожлантириш борасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ушбу хусусда гапириб, «Мустақиллик туфайли биз дунё ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлиб, ёруғ келажагимизни ўз қўлимиз билан бунёд этмоқдамиз. Истиқлол йилларида эришган ютуқларимизга таяниб миллий тикланишдан-миллий юксалиш сари дадил қадам қўймоқдамиз. Мамлакатимиз тараққиётини янада юксак босқичга кўтариш мақсадида Ҳаракатлар стратегиясини қабул қилдик»¹, – деб алоҳида таъкидлади. Ўзбекистон Президентининг ушбу сўзлари миллий юксалиш жараёнидаги ишларимизнинг янада самарали бўлишига хизмат қиладиган омилларни аниқлаш масаласи бугунги куннинг энг долзарб муаммоси эканлигини кўрсатиб турибди. Жумладан, Янги Ўзбекистонда учинчи ренессанс шароитини аниқлаш масаласи ҳам юқорида таъкидланган долзарб муаммолар сирасига киради.

Учинчи ренессанс шароитини яратиш тўғрисида гапирганда, энг аввало, ренессанс тушунчасининг маъносини аниқлаб олиш керак

¹ Мирзиёев Ш.М. Нияти улўғ халқнинг иши ҳам улўғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-том. – Тошкент: Ўзбекистон, 2019. – Б.88.

бўлади. Ренессанс деганда уйғониш, яъни инсон танасидаги асрлар давомида ухлаб ётган генлар уйғониши тушунилади. Бу тушунарли бўлиши учун қуйидаги саволларга жавоб топиш зарур: Нима учун дунёга буюк алломаларни берган Ўзбекистон юртидан охириги бир неча асрлар давомида бирорта ҳам буюк шахс, дунё тан олган олим ёки Нобель мукофотининг лауреати етишиб чиқмади? Ваҳоланки, бу халқнинг қон томирларида Хоразмий, Беруний, Фаробий, Ибн Сино ва Имом Бухорийлар каби буюкларнинг гени мавжуд. Чунки уларнинг гени минг йиллар давомида генетик ахборот сифатида авлоддан авлодга ўтиб келмоқда. Лекин бу генлар уйғонмасдан қолмоқда. Бунинг сабаби эркинликнинг йўқлиги билан боғлиқ, чунки генларнинг уйғониши учун инсон эркин ва хотиржам бўлиши лозим. Агар инсон эркин ва хотиржам бўлмаса, буюклар гени уйғонмасдан қолади. Бу тушунарли бўлиши учун инсон кўрқиб шошиб қолганда лаббай тилга келмайди деган мақолни эслаш керак. Инсон эркин бўлиши учун у олдин мустақил бўлиши керак, чунки мустақил бўлмаган одам эркин бўла олмайди. Демак, мустақиллик шарофати билан ухлаб ётган генларнинг уйғонишига шароит пайдо бўлди. Шу ўринда савол келиб чиқади: мустақил бўлганимизга 30 йил бўлган бўлса, нима учун шу вақт давомида бирорта ҳам буюкларнинг гени уйғонмади? Чунки инсон том маънода мустақил бўлиши учун фақат мустақилликнинг ўзи етарли эмас, бунинг учун яна иккита ижтимоий шароит, яъни тинчлик ва адолатли ижтимоий тартиб ўрнатилган бўлиши лозим. Янги Ўзбекистонда учинчи ренессанс шароити мустақиллик, тинчлик ва



адолат қарор топган ижтимоий шароитлардан ташкил топади.

Янги Ўзбекистон барпо этиш ва унда учинчи ренессансга шароит яратиш борасидаги вазифалар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Ҳаракатлар стратегиясида¹ белгилаб берилган. Ҳаракатлар стратегияси асосида ишлаб чиқилган 2017 йил 22 декабрдаги, 2018 йил 28 декабрдаги, 2020 йил 24 январдаги, 2020 йил 29 декабрдаги ва 2022 йил 20 декабрдаги Олий Мажлисга қилган мурожаатномалар ислохотларни амалга оширишда фаол иштирок этишга **чақирув** ҳисобланади. Бу мурожаатномаларнинг моҳияти шундаки, уларда номинал демократиядан реал демократияга ўтишга хизмат қиладиган **янги сиёсий муҳит** шакллантириш мақсади ётибди. Бошқача қилиб айтганда, бугунги кунда мамлакатимизда демократиянинг шаклига муносиб мазмуни шаклланиб бормоқда. Мурожаатноманинг мазмун-моҳиятини тушуниш учун Ҳаракатлар стратегиясида белгилаб берилган ислохотларнинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб фикрлаш керак. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар Ўзбекистонни ривожлантириш асосида учинчи ренессансга пойдевор яратишга қаратилган. Демак, мурожаатноманинг мазмун-моҳияти Ўзбекистонда учинчи ренессанс пойдеворини яратишда хизмат қиладиган **янги сиёсий муҳитни шакллантиришда фаол иштирок этишга чақириқ** деб айтиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январда қабул қилинган «2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси»да белгилаб берилган мақсад ва вазифалардан келиб чиқиб миллий юксалиш асосида учинчи ренессанс пойдеворини яратиш жараёнидаги ишларимизнинг янада самарали бўлишига хизмат қиладиган омилларни топиш бугунги куннинг энг долзарб муаммоси эканлигини кўрсатиб турибди. Бундай омилларни шакллантириш илмий ёндашувни талаб қилади, чунки юксалиш қонуниятларини топиш жамиятшунос олимларнинг ваколати ҳи-

собланади. Жамиятшунос олимларимиз, жумладан, тарихчилар жамият тараққиётига хизмат қиладиган омилларни аниқлашга ва уларни таъминлашга қаратилган тадқиқотларни олиб боришмоқда. Бунинг учун, энг аввало, жамият тараққиётининг муҳим шarti нима эканлигини аниқлаб олиш ва ўшандан келиб чиқиб фикрлаш керак. Маълумки, жамият тараққиётининг муҳим шarti бўлиб адолатли ижтимоий тартибнинг ўрнатилганлиги хизмат қилади. Бугунги кунда учинчи ренессанс шароитларидан мустақиллик ва тинчлик таъминланган бўлиб, фақат адолатли ижтимоий тартибни ўрнатиш масаласи муаммо бўлиб қолмоқда. Мустақиллик, тинчлик ва адолатли ижтимоий тартиб учинчи ренессанснинг ижтимоий шароитлари ҳисобланади. Чунки ана шу учта ижтимоий шароит шаклланган ҳолдагина инсон том маънода эркин бўлади ва бу эркинлик учинчи ренессансни таъминлайди.

Янги Ўзбекистонда учинчи ренессанс муҳим шароити бўлган адолатли ижтимоий тартибнинг ўрнатилганлиги назорат фаолиятининг самарали ишлашига боғлиқ. Мамлакатни модернизациялаш концепцияси, Ҳаракатлар стратегияси ва Тараққиёт стратегиясида асосий эътибор назорат тизимининг самарали ишлаб туришини таъминлайдиган механизмни шакллантириш ва унинг ҳуқуқий асосини яратишга қаратилган. Хусусан, 2014 йил 5 майда қабул қилинган «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги, 2014 йил 25 сентябрда қабул қилинган «Ижтимоий шерикчилик тўғрисида»ги, 2017 йил 3 январда қабул қилинган «Коррупцияга қарши кураш тўғрисида»ги, 2018 йил 12 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистонда жамоатчилик назорати тўғрисида»ги ва бошқа қонунлар назорат механизмнинг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилади. Назорат фаолиятини самарали қилишда очиқлик ва ошкоралик тўғрисидаги қонун муҳим аҳамиятга эга эканлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Чунки очиқлик ва ошкоралик таъминланмаган ҳолда демократия ҳам, фуқаролик жамияти ҳам кучли бўла олмайди.

Адолатли ижтимоий тартибнинг ўрнатилганлиги Янги Ўзбекистонни барпо этиш ва

¹ Мирзиёев Ш.М. 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг беш устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси. – Тошкент, 2017 йил 8 февраль.



учинчи ренессанс пойдеворини яратишнинг муҳим шарти ҳисобланади. Ҳаракатлар стратегияси асосида ишлаб чиқилган мурожаатномаларда адолатли ижтимоий тартибни ўрнатишга хизмат қиладиган вазифалар белгилаб берилган. Мурожаатномаларда ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларига доир вазифалар белгилаб берилган. Ҳар бир соҳа вакиллари мурожаатномани ўрганганда ўзларига доир вазифаларни аниқлаб олишлари ва унинг ижроси борасида чора-тадбирларни ишлаб чиқишлари лозим. Лекин мурожаатномада, инсон қайси соҳа вакили бўлишидан қатъи назар, **ҳамма учун бир хил аҳамиятга эга бўлган вазифалар ҳам мавжуд**. Буларга Ўзбекистон танлаган демократик тараққиёт йўлидан жадал ривожланиш борасидаги вазифалар, замонамиз моҳияти бўлган фуқаролик жамиятини кучли қилиш борасидаги вазифалар, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар асосида ётган либераллаштириш жараёнини такомиллаштириш борасидаги вазифалар, барча соҳадаги раҳбар кадрларнинг ўз ишига танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик қоидаларига риоя қилган ҳолда фаолият олиб бориши борасидаги вазифалар киради. Бу вазифаларни амалга ошириш ҳамма учун дахли бўлган коррупция муаммосини бартараф қилиб Янги Ўзбекистонда учинчи ренессанс пойдеворини барпо этишга қаратилган.

Янги Ўзбекистонда учинчи ренессанс пойдеворини яратиш, энг аввало, юқорида таъкидлаганимиздек, адолатли ижтимоий тартибни ўрнатиш билан боғлиқдир. Чунки илм-фан соҳасида кашфиёт қилиш эркинлик ва хотиржамлик таъминланганлигига боғлиқ. Инсон буюк кашфиёт қилиши учун қўрқмасдан, эркин, хотиржам яшаши керак экан, бунинг учун нима керак деган савол келиб чиқади. Бунинг учун жамиятда **адолатли ижтимоий тартиб** ўрнатилган бўлиши лозим. Адолатли ижтимоий тартибни ўрнатишда Ҳаракатлар стратегияси асосида ишлаб чиқилган мурожаатнома муҳим аҳамиятга эга. Мурожаатнома, юқорида таъкидлаганимиздек, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини, жумладан, **сиёсий соҳани ислоҳ қилиш** борасидаги вазифаларни белгилаб

беради. Сиёсий ислохот деганда демократлаштириш ва фуқаролик жамиятини кучли қилиш билан боғлиқ бўлган вазифалар назарда тутилади. Демократия деганда ҳокимият халқ томонидан шакллантирилиши ва назорат қилиниши тушунилади. Халқ ўз назоратини амалга ошириши демократия талаби ҳисобланади ва бунинг учун халқ кучли бўлиши керак. Кучли бўлиши учун эса у бирлашган бўлиши лозим ва халқнинг бирлашганлик ҳолати фуқаролик жамияти деган тушунча билан ифодаланади.

Фуқаролик жамиятининг халқаро миқёсда эътироф этилган асосий функцияси **ижроия ҳокимият устидан назоратни амалга ошириш функцияси** ҳисобланади. Мурожаатномаларда парламент ролини кучайтириш борасидаги вазифаларни, яъни демократлаштириш ва фуқаролик жамиятини кучли қилиш вазифаларини амалга ошириш ижроия ҳокимият устидан жамият назоратини самарали қилишга хизмат қилади. Демократияни такомиллаштириш ва фуқаролик жамиятини кучли қилиш эса **адолатли ижтимоий тартибни** ўрнатишнинг муҳим шарти ҳисобланади. Бундай тартиб ўрнатилган жойда ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида ривожланишни таъминлаш мумкин бўлади, чунки тартиб жамият тараққиётининг муҳим шартидир. **Шундай қилиб, мурожаатномада белгилаб берилган сиёсий ислохотлар адолатли ижтимоий тартибни ўрнатиш асосида инсон ички потенциали тўлиқ намоён этилишининг муҳим шарти бўлган қўрқувсиз эркин яшаш ҳиссини таъминлайди деб айтиш мумкин**. Демак, инсоннинг том маънода эркин ва хотиржам бўлиши адолатли ижтимоий тартибга, бундай **тартиб эса демократия ҳамда фуқаролик жамиятининг кучлилигига боғлиқ** деб айтишга барча асослар бор.

Демократия ва фуқаролик жамиятини кучли қилиш борасидаги **муаммолардан бири назорат фаолияти** билан боғлиқ бўлмоқда. Ҳар қандай фаолият самарали амалга оширилиши учун ўша фаолиятга доир билим керак бўлади. Худди шундай назорат фаолиятининг самарадорлиги ҳам назорат фаолиятига доир билимга боғлиқ бўлади. Маълумки, билим таълим тизимида шаклланади, лекин бугунги кун-



да таълим тизимида бирор-бир фан назорат фаолиятига доир билимни бермайди. Ваҳоланки, бу билим ҳеч қандай муболағасиз инсоният жамияти учун керак бўлган энг муҳим билим ҳисобланади. Чунки бу билим жамият тараққиётининг муҳим шартини бўлган адолатли ижтимоий тартибни ўрнатишга хизмат қиладиган билимдир. Шунинг учун таълим тизимида ёшларимизга назорат фаолиятига доир билимни берадиган фанларни жорий этиш замон талаби ҳисобланади деб айтиш мумкин.

Бу борада, бутун мамлакатимиз миқёсида бўлгани каби, Самарқанд вилоятида ҳам маълум бир ишлар амалга оширилмоқда. Самарқанд вилоятида республикаимизда биринчилар қаторида демократия ва фуқаролик жамияти талабларидан келиб чиқиб назорат фаолиятига доир билимларни ишлаб чиқишга қаратилган илмий тадқиқотлар олиб борилди. Хусусан, Самарқанд вилоятининг етакчи олий ўқув юрти бўлган СамДУда 2010 йилдан бошлаб назорат фаолиятига доир мавзуларда илмий тадқиқотлар олиб борилди. Ушбу тадқиқотлар натижасида 2015 йилда «Ижтимоий назорат» номли монография ишлаб чиқилди ва нашр этилди. Назорат фаолиятига доир илмий тадқиқотлар олиб бориш билан биргаликда СамДУ Ижтимоий иш йўналишида 2010/2011 ўқув йилидан бошлаб Ижтимоий назорат фани ўқитиб келинмоқда. **Ижтимоий назорат фани берадиган билим жамият тараққиётининг ва инсон эркинлигининг муҳим шартини бўлган адолатли ижтимоий тартибни ўрнатишга хизмат қилишини инobatга олиб ушбу янги фанни олий таълим тизимига жорий қилишни таклиф қилиш мумкин.** Бу таклиф қўллаб-қувватланиб, таниқли олимлар академик А.Х.Саидов¹ ва академик А.А.Асқаров² томонидан Янги Ўзбекистонда янги дарслик номи билан мақола эълон қилинди.

Бугунги кунгача демократия ва фуқаролик жамиятини кучли қилиш борасидаги асосий муаммолардан яна бири мамлакат иқтисо-

дида қишлоқ хўжалиги улушининг юқорилиги, қишлоқ хўжалигида эса кўп сув истеъмол қиладиган экинларнинг, жумладан, пахтанинг улушининг кўплиги сабаб бўлиб келди. Чунки сунъий суғоришга асосланган деҳқончиликда давлат ҳокимияти органларининг қонунга қатъий риоя қилишини таъминлаш муаммо бўлиб қолади. Бундай ҳолат демократияни ва фуқаролик жамиятини кучли қилишга йўл қўймайди ва охир-оқибатда тарихдан маълум бўлган шарқона деспотизмни келтириб чиқаради. Шунинг учун бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодида қишлоқ хўжалиги улушини қисқартириш ва саноатни ривожлантиришга қаратилган сиёсат юритилмоқда. Буни мурожаатномада пахта ва буғдойга давлат буюртмасини бекор қилиш кераклиги тўғрисидаги фикрдан яққол кўрса бўлади. Бу борада **туризмни ривожлантириш** муҳим аҳамиятга эга, чунки туризм пахта экинига ўхшаб давлатнинг сув тақсимоли функциясига боғлиқ эмас. Иқтисодиётимизда пахта экинни берадиган даромаднинг пасайишини аста-секинлик билан туризм ҳисобидан қоплаб бориш демократияни ва фуқаролик жамиятини кучли қилишга хизмат қилади деб айтиш мумкин. Шунинг учун Ўзбекистон Президенти чиқишларида ва мурожаатномаларида туризмни ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Учинчи ренессанс шароитини яратишга қаратилган мурожаатноманинг мақсад ва вазифаларини амалга ошириш одамларнинг ҳаётга онгли муносабатда бўлишларига боғлиқ. Ҳаётга онгли муносабатда бўлиш деганда бефарқлик кайфиятини жиловлаб, дахлдорлик ҳисси билан яшаш тушунилади. Ҳаётга онгли муносабатда бўлиш, энг аввало, демократлаштириш ва фуқаролик жамиятини кучли қилиш жараёнида иштирок этиш дегани. Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларда, энг аввало, демократлаштириш ва фуқаролик жамиятини кучли қилиш жараёнида иштирок этиш мурожаатнома талабига мувофиқ ҳаракат қилиш ҳисобланади. Шунинг учун мурожаатномани жамиятни ҳаётга онгли муносабатда бўлишига чақирув деб айтиш мумкин.

¹ Саидов А.Х. Янгиланаётган Ўзбекистонда янги дарслик // Ўзбекистон овози газетаси. 2020 йил 21 сентябрь.

² Асқаров А. Янгиланаётган Ўзбекистонда назорат фаолиятига доир билимни берадиган янги дарслик // Таълим, фан ва инновация. 2021. №3.



Бу борадаги муаммолардан яна бири фуқаролик позициясининг замон талабларидан орқада қолаётганлигидир. Фуқаролик позицияси деганда бир фуқаронинг иккинчи бир фуқарога ва жамиятга нисбатан бефарқ бўлмасдан, дахлдорлик ҳисси билан яшаши тушунилади. Бефарқлик кайфиятини жиловлаб, дахлдорлик ҳиссини шакллантириш **фуқаролик позициясининг** муҳим шарти ҳисобланади. Бефарқлик кайфиятини жиловлаш учун, энг аввало, унинг сабабини топиш керак бўлади. Бефарқликни сабаби нодонлик ҳисобланади, нодонликнинг сабаби эса маънавий қашшоқликдир. Демак, бефарқлик кайфиятини жиловлаб, дахлдорлик ҳиссини шакллантириш учун **маънавиятни юксалтириш** керак экан.

Янги Ўзбекистон халқи ислохотларга бефарқ бўлмасдан, дахлдорлик ҳисси билан яшаб, ҳаётга онгли муносабатда бўлиб ҳаракат қилмоқда. Мурожаатномалар ҳар биримизнинг ҳаётимизни бахтли қилишга қаратилган Янги Ўзбекистонни барпо этишда ва учинчи ренессанс шароитини яратишда фаол иштирок этишга чақирув ҳисобланади. Ислохотларга бефарқ бўлмасдан, дахлдорлик ҳисси билан яшаш давлат ва жамият ўртасида шерикликни шакллантириб, инсон бахтлилигининг муҳим шарти бўлган **адолатли ижтимоий тартибни** ўрнатишга хизмат қилади. Адолатли ижтимоий тартиб эса инсон эркинлигини ва у орзу қилаётган бахтли ҳаётнинг муҳим шарти ҳисобланади. Мурожаатда белгилаб берилган вазифаларни амалга ошириш адолатли ижтимоий тартибни ўрнатиш орқали халқимиз ҳаётини эркин ва бахтли қилишга қаратилган. Бугунги кунда Янги Ўзбекистонда шаклланиб бораётган ижтимоий шароитлар, яъни мустақиллик, тинчлик ва адолатли ижтимоий тартиб орзу қилинаётган эркинлик ва бахтли ҳаётни таъминлайдиган фаровон жамиятни барпо этишда ҳамда учинчи ренессанс пойдеворини яратишда асос бўлиб хизмат қилади.

Хулоса қилиб шунни айтиш мумкинки, Янги Ўзбекистонда учинчи ренессанс шароитини яратиш адолатли ижтимоий тартибга, тартиб эса назорат фаолиятига боғлиқ экан, асосий эътибор назорат фаолиятини такомиллашти-

ришга қаратилмоқда. Назорат фаолиятини такомиллаштириш, ҳар қандай фаолиятда бўлгани каби, ўша фаолиятга доир билимга боғлиқ. **Инсоният жамиятида назорат фаолиятининг ўрни, унинг вужудга келиши ва ривожланиши масаласи тарихчи олимларимизнинг бугунги кундаги энг долзарб муаммоси ҳисобланади.** Ушбу мавзуда олиб бориладиган тадқиқотлар жараёнида шаклланидиган билимларни жамиятга бериш демократия ва фуқаролик жамияти шароитида яшашга қодир бўлган авлодни тарбиялайди. Ана шундай авлод учинчи ренессанснинг муҳим шарти бўлган адолатли ижтимоий тартибни ўрнатишга ва халқимиз ҳаётини бахтли қиладиган давлатни шакллантиришга қодир бўлади.

Янги Ўзбекистонда учинчи ренессанснинг муҳим шарти бўлган адолатли ижтимоий тартибни ўрнатишга қодир назорат тизимини шакллантиришга хизмат қиладиган қуйидаги илмий-амалий таклифларни бериш мумкин:

1. Назорат фаолиятига доир билимларни ишлаб чиқишга қаратилган илмий тадқиқотларни олиб боришга кенг шароит яратиш.

2. Ишлаб чиқилган назорат фаолиятига доир билимларни талабаларга бериш мақсадида олий таълим тизимида Ижтимоий назорат фанини жорий этиш.

3. Демократия ва фуқаролик жамиятини кучли қилиш мақсадида жамиятга назорат фаолиятига доир билимни бериш асосида жамоатчилик назоратини кучли қилиш чораларини кўриш.

4. Назорат фаолиятига доир комплекс билимларни ишлаб чиқиш ва ёшлар онгига сингдириш жараёнини самарали қилиш мақсадида олий ўқув юртида фанлараро жамиятшунос олимларни бирлаштирадиган махсус кафедра очиш.

5. Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг «Миллий тарихни миллий руҳ билан яратиш керак» деган доно сўзлари тарихчи олимлар илмий фаолиятининг лейтмотивига айланиши лозим.

6. Янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегиясида белгилаб берилган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш борасида давлат ва жамият ўртасида ижтимоий шериклик амалиётига асосланиш замон талаби ҳисобланади.



МИРСОДИҚ ИСҲОҚОВ ВА ЖАҲОН СУҒДШУНОСЛИГИ

Бобир Ғойилов,

Самарқанд давлат университети доценти, тарих фанлари доктори

Мирсодиқ Мирсултонович Исҳоқов Марказий Осиё ва Ўзбекистондаги суғдий ёзув намуналарининг нодир тадқиқотчиси ҳисобланиб, олимнинг ижодий фаолияти серқирра. М.Исҳоқовнинг оромий, суғдий, хоразмий, паҳлавий, авестий, эроний ва туркий тиллар учун бир хилда амал қилган сурёний, монийча, суғд ёзуви намунаси асосида шарқда тарқалган уйғур туркийси, мўғул ва ниҳоят суғд ёзувининг илк ўрта асрлардаги намуналарига асосланиб яратилган, кейинчалик Когурйо қироли Сежон даврида ислоҳ қилиниб, 1446 йилда миллий корейс алифбоси деб эълон қилинган корейс ёзувларига бағишланган юзлаб тадқиқотлари тарихчи, этнограф, археолог ва лингвистлар учун муҳим манбалар бўлиб хизмат қилмоқда. Турфон суғдий ҳужжатлари, Муғ тоғи архиви, Култўба эпиграфик манбалари, «Кўҳна хатлар», Буғут ёдномаси, Афросиёб деворий суратларидаги ёзув намуналари, Чилхужра ҳужжатлари, Суғд ва ундан ташқаридан топилган нумизматик материаллар, Марказий Осиёнинг турли ҳудудларидан топилган муҳрларда келтирилган суғдий ёзувларни тадқиқ этишда соҳа мутахассислари ҳозирги кунда М.Исҳоқов тавсиялари ва маслаҳатларига асосланишади. Ушбу манбаларнинг аксарият қисмини улардаги ёзувнинг яхши сақланмаганлиги боис талқин этиш мураккаблик туғдиради. Уларни китобхон эътиборига ҳавола қилишда ўзига хос ёндашув ва услуб керак бўлади. Бу борада профессор М.Исҳоқовнинг ўзига хос услубини эътироф этиш лозим. М.Исҳоқов Ўзбекистонда биринчилардан бўлиб суғдий ёзувнинг келиб

чиқиши ва тараққиёт йўлларини тадқиқ этиш масаласига қўл урган олим ҳисобланади. Ушбу масалага доир фикрларни илгари суришдан олдин жаҳонда суғдшуносликнинг вужудга келиши ва у билан боғлиқ жараёнларга тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ.

Том маънода суғдшунослик Шарқий Туркистондан топилган сурёний, моний ёзма ёдгорликларнинг топилишидан сўнг бошланди (1905 – 1906). Сурёний ва моний ёдгорликлар асосан Турфон (бугунги ХХРнинг Синьцзян-Уйғур автоном вилояти ҳудуди (маркази Гаочан) воҳасидан топилган бўлиб, мазкур ҳужжатлар Ф.В.К.Мюллер (1863 – 1930) томонидан биринчи маротаба немис тилига таржима қилинган ва бугунги кунга қадар дунёвий тилларга (рус, инглиз, француз) жуда кам ўгирилган.

Турфондан топилган ҳужжатларнинг (1902 – 1906 йилларда А.Стейн (1862 – 1943) томонидан Шарқий Туркистонда олиб борилган экспедиция натижасида топилган туркий, хитой ҳамда суғдий ҳужжатлар) [Chavannes 1903: 229] суғдий тилда эканлиги биринчи маротаба Ф.К.Андреас томонидан аниқланган. Олим томонидан Турфондан топилган монийча ҳамда Ядринцев томонидан топилган Қораболғасун уч тилли битигидаги хитойча ва туркийдан ташқари учинчи номаълум «Pehlevi-Dialekt» деб тахмин қилинган матнда учраган астрономияга оид атамалар (йил, ой, ҳафта кун номлари) Абу Райҳон Берунийнинг «Хронология» асарида келтирилган суғдий атамаларга ўхшаш [Бобоев 2015: 12-17] эканидан келиб чиқиб мазкур номаълум тилдаги матн суғдча экани ҳақида Ф.К.Анд-



реас биринчи бўлиб хулосага келди. 1904 йилда олимнинг тахмини тўғрилигини Ф.В.К.Мюллер тасдиқлади. 2004 йилда шу воқеанинг юз йиллиги муносабати билан 1904 йилни М.Исҳоқов суғдий тил ва ёзувни ўрганишнинг бошланиш санаси деб қайд этган эди.

Ф.К.Андреас томонидан кейинги йилларда Турфондан топилган моний матнларининг суғдийча эканлигини тўлдирадиган бир қатор тадқиқотлар амалга оширилган [Лившиц, Хромов 1981: 350-351]. Бундан ташқари, моний матнларининг суғдийча эканлиги айрим этник атамаларнинг талқини натижасида ҳам янада аниқлашди [Исҳоқов 1990а: 4]. Гап шундаки, суғдий тилнинг мавжуд эканлигини олимлар билишса-да, унинг манбалари маълум эмасди. Бу эса, албатта, уларни таққослашда керак бўларди.

Бу даврда Турфондан топилган суғдий-моний, суғдий-христиан ва суғдий-буддавий адабиёт намуналари грамматикасини ўрганишда силжишлар кўзга ташланади. Жумладан, академик К.Г.Залеман (1879 – 1968) суғдий-моний, суғдий-христиан матнлари устида олиб борган изланишлари бу борадаги илк тадқиқотлар бўлди [Salemann 1907; Salemann 1913: 1125-1144]. Мазкур ҳужжатларнинг суғдий тилда ёзилганлиги 1907 йилда К.Залеман томонидан аниқланган. Ушбу ҳужжатларни тадқиқ этиш ва аниқлаш давомида К.Залеман суғдий тилнинг грамматик хусусиятларига доир бир қатор жиддий кўрсатмалар бериб, ушбу тилнинг яғнобий тилга яқин эканлигини билдирган. К.Залеман фикрлари Ф.К.Андреас томонидан ҳам қўллаб-қувватланган эди [Боголюбов 1956: 16].

Шарқий Туркистондан топилган учинчи ёзув намунаси уйғур ёзувига яқин бўлиб, Ф.В.К.Мюллер томонидан ушбу ҳужжатларнинг тадқиқи бошланган. Ф.В.К.Мюллер мазкур ҳужжатдаги алифбо IX асрга дахлдор деб эътироф этилган Қораболғасун (Мўғулистон/Архангай. Уйғур хоқонлиги даврига оид ёдгорлик (808 – 832 йиллар)) [Лившиц 1981: 79-87] ёзувининг суғдий варианты эканлигини илгари сурган эди. Бу фикр Р.Готье томонидан янада аниқлаштирилди ҳамда ушбу алифбо суғдий эканлиги аниқланди [Gauthiot 1911; Gauthiot

1914-1923]. Дастлаб Ж.Гамильтон [Hamilton 1990: 125-33], сўнгра Т.Мориясу ва Ю.Ёшида [Moriyasu, Yoshida, Katayama 2010: 14a-14q] томонидан Қораболғасун ёзувлари қайта нашр этилди. Р.Готьонинг соҳага оид яна бир хизмати шундан иборатки, у Будданинг ҳаёт фаолияти билан боғлиқ «Вессантара жатака» (Будданинг туғилиши тўғрисидаги ривоятлар) устида тадқиқотлар олиб борди [Gauthiot 2012]. Лекин мазкур тадқиқот Р.Готьонинг издоши, XX асрдаги энг таниқли лингвистлардан бири Э.Бенвенист (1902 – 1976) томонидан тўла нашр этилган [Benveniste 1946]. «Вессантара жатака»нинг ўзбек тилида, изоҳлар билан тўлдирилган ҳолдаги варианты эса кейинчалик ўзбек суғдшунослари М.Исҳоқов ва А.Отахўжаевлар томонидан эълон қилинди [Қаюмов, Исҳоқов, Отахўжаев, Содиқов 2000: 33-116].

Таъкидлаш лозимки, Суғднинг ўзида ҳам бир қанча суғдий ёзма ёдгорликлар топилган бўлишига қарамай, Шарқий Туркистондан топилган суғдий ҳужжатлар ушбу тил хусусиятларини тадқиқ этишда асосий манба бўлиб қолаверди.

Кейинги даврларга оид яна бир суғдий ҳужжатлар туркуми фанга «Кўҳна хатлар» (ҳозирда Лондондаги Британия музейида сақланмоқда) номи билан маълум. Мазкур суғдий ҳужжатларнинг сони 9 та бўлиб, улар хитой қоғози ва ипак матога битилган. Ушбу хатлар 1906 йилда А.Стейн экспедицияси томонидан Дунхуандаги қоровул минораси харобаларидан топилган. «Кўҳна хатлар» транслитерацияси биринчи бўлиб Г.Рейхальт томонидан эълон қилинган бўлса-да, уларнинг санаси эроншунос В.Б.Хеннинг (1908 – 1967) томонидан аниқланган [Henning 1948: 601-615] ҳамда тадқиқотчи ҳужжат санасига асос сифатида 307 йилда Е ва 312 йилда Лоян шаҳарларининг эгалланишини келтиради [Лившиц 2008: 173]. Ушбу фикр Ф.Грене ва Н.Симс-Вильямс томонидан ҳам қўллаб-қувватланган [Grenet, Sims-Williams 1987: 101-122]. Венгер олими Я.Харматта эса ушбу ҳужжатларнинг санаси милодий 196 йилга дахлдор деб кўрсатишни таклиф этиб, бу санани юз йилдан ортиқроқ муддатга қадимийлаштиришга ҳаркат қилади [Harmatta 1979: 153-165]. Бизнингча,



В.Б.Хеннинг талқини тўғри бўлиб, унда хунларнинг ҳужумлари ва Лояннинг ёнғин остида қолиши билан боғлиқ тарихий жараён ҳақида гап боради. Бу эса ўша замон тарихий жараёнларига мос келади.

Ҳужжатнинг қоровул минораси хоналари саҳни остига кўмиб, яшириб қолдирилгани ҳам тасодиф эмас. Ушбу суғдий мактубларда Лояндаги суғдийлар, Суғд мамлакати, Самарқанд, Хитойдаги суғдий савдогарлар жамоалари, уларнинг савдо маршрутлари ҳақида гап боради. Ҳужжатларнинг бирида Меванча исми қиз номи қайд этилган бўлиб, чопар унинг хатини Самарқандга етказиш учун йўлга чиққан эди. Чопар бу хатни Самарқандга етказа олмаган. Меванча ва бошқа хат эгалари ҳам чопарнинг хатни етказа олмаганлигидан беҳабар бўлишган. Чопар 5 йил ўтиб қайтиб келган. Чунки унинг Самарқандга бориш йўли хунлар томонидан эгалланган эди. Чопар иккинчи маротаба йўлга чиққан ва ўзи билан яна хатлар олган. Жумладан, Меванчанинг иккинчи хати ҳам шунда фидокор почтачининг чарм халтасига тушган. Иккинчи маротаба ҳам хавф-хатарга тўла йўл унга мазкур хатларни манзили – Самарқандга етказиш имконини бермаган. Қоровул минораси тагига душманлардан яширишга мажбур бўлган. Орадан ўн беш асрдан ортиқ вақт ўтиб ушбу мактублар олимлар томонидан топилган [Исҳоқов 1990а: 7].

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, Циньзян-Уйғур автоном вилояти (ХХР) ҳудудида жойлашган тарихий Чинончкат («Чинлар шаҳри» маъносида)дан 639 йилга оид суғдий ҳужжат топиллиши ҳам суғдшуносликда муҳим воқелик бўлган эди. Шу ҳужжатда Туркистон атамаси биринчи бора ёзма ёдгорликда қайд этилгани Исҳоқов томонидан биринчи бора аниқланган эди.

Япон шарқшуноси Ютака Йошиданинг Циньзян-Уйғур автоном вилояти маъмурий маркази Урумчига (Хитой) қилган сафари чоғида шаҳар музейида сақланаётган, фанга ҳали номаълум бўлган суғдий ҳужжат мавжудлиги маълум бўлган. Суғдийларнинг Хитойдаги фаолиятларига доир мазкур ҳужжат илк бора Ютака Йошида томонидан ўқилган ва япон тилида нашр этилган. Ўтган асрнинг 80-йиллари охирларида

Ю.Йошида ва Т.Мориясу ҳаммуаллифлигида ҳужжатнинг япон тилидан инглиз тилига таржимаси амалга оширилган [Yoshida, Moriyasu 1988: 1-50]. Бу эса суғдшунослик ва шарқшуносликда муҳим янгилик ҳисобланиб, суғдийларнинг Хитойдаги фаолиятини ёритишда муҳим манба ҳисобланарди.

Ҳужжат америкалик шарқшунос Ричард Фрай тавсияси ва ёрдами асосида тожикистонлик олим Д.Довутов томонидан рус тилига таржима қилинган [Давутов 1992]. Чинончкат ҳужжатининг ўзбекча талқини М.Исҳоқов томонидан маҳорат билан амалга оширилган эди [Исҳоқов 1993: 1-5].

Ҳужжат илк ўрта аср шаҳар харобаси – Чинончкат шаҳри атрофидаги Остона деб номланган қабр юзасининг қумлоқ қисмидан топилган. Ушбу суғдий ҳужжат билан бирга қабрдан 638 йилга оид ер олди-сотдисида оид хитойча ҳужжат ҳам топилган. Хитой ҳужжатида кўрсатилгани каби, суғдий ҳужжатда ҳам у хитой, туркий ва суғдий тақвим асосида тузилганлиги кўрсатилган. Шунинг учун ҳам ҳужжатнинг санасини аниқ белгилаш қийинчилик туғдирмайди. Шунингдек, ҳужжатда унинг тузилган даври Цзюй сулоласи ҳукмдори Вэньтай даврида эканлигига доир ишора келтирилади. Вэньтай 624 – 640 йилларда ҳукмронлик қилган бўлиб, суғдий ҳужжат ана шу йиллар оралиғида (17 йил) тузилган бўлиши мумкин. Ҳужжатнинг тузилган санасини ўн икки йиллик туркий тақвим асосида аниқлаш муҳим натижа бериши мумкин. Ўн икки йиллик ҳайвон йилларини бугунги тақвим жадвалига солиш натижасида маълум бўладики, суғдий ҳужжат тўнғиз йилида битилган. Тўнғиз йили Вэньтай ҳукмронлигининг 627 ва 639 йилларидан бирига тўғри келади. Суғдий ҳужжат ушбу икки йилнинг бирига тўғри келади. Маълумки, суғдий ҳужжат билан бирга хитой ҳужжати ҳам топилган эди. Унинг санаси аниқ 638 йил деб давраштирилган. Бизнингча, иккала ҳужжат ҳам 639 йилда қабрга кўмилган ва суғдий ҳужжатнинг тузилиши ҳам 627 йил эмас, балки 639 йил бўлиши эҳтимоли юқори. Чунки ҳужжатлар 12 йиллик оралиқ билан қабрга кўмилган бўлиши эҳтимоли жуда кам.



Ушбу суғдий ҳужжатнинг Турфон воҳасидан топилиши тасодиф эмас. Ўтган асрнинг бошларидаёқ бу ердан суғдий ёзув намуналарининг топилиши суғдий тилни ўрганишни бошлаб берган эди. Мазкур ҳужжатларнинг Турфон бўйлаб топилиши бу ерда суғдийларнинг қизгин савдо фаолиятидан дарак беради. Натижада карвон йўллари бўйлаб Суғд савдо манзиллари – қишлоқлари ва шаҳарлари барпо бўла бошлади. Суғдий тил халқаро савдо-сотик, алоқа тили даражасига етди. Суғдийлар Хитойнинг турли ҳудудларига мил. ав. IV асрлардаёқ кириб борганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, улар кўплаб яшайдиган маҳаллаларни Хитойнинг йирик шаҳар ва қишлоқларида илк ўрта асрларда ҳам учратиш мумкин эди. Туркистонда туғилган чўри аёл Упачани сотиш бўйича савдо шартномаси тузилган Чинончканд шаҳрининг ҳам катта қисмини суғдий этнос вакиллари ташкил этган. Жумладан, олди-сотдида қатнашган чўри аёл, унинг хўжайини, тўртала гувоҳ ва ҳужжат тузувчи котиб ҳам суғдий Охван Патурак ўғли эканлиги, ўз навбатида, Охван ушбу ҳужжатни отаси котиб Патуракнинг рухсати билан тузгани кабилар Шарқий Туркистонда суғдий котибчилик касбининг наслдан наслга ўтганлигини ҳам тасдиқлайди. Ҳужжатда «Туркистон» иборасининг биринчи марта учраши муҳим аҳамият касб этарди.

Шарқий Туркистондан топилган юқорида таъкидланган ҳужжатлар тадқиқотлари Ф.В.К.Мюллер ва Ф.К.Андреас томонидан бошланган бўлиб, мазкур ҳужжатларнинг немис, француз, инглиз тилларида дунё юзини кўришида К.Залеман (суғдий тилнинг тавсифий грамматикаси тафсилотларини ёзган), Э.Захау (христиан матнларини нашрга тайёрлаган), Р.Готьё (суғдий тил ёзма ёдгорликларини тадқиқотчилар учун ўқиб фойдаланишни қулайлаштириш учун лотин-юнон ҳарфларидан фойдаланиб махсус транслитерация белгиларини ишлаб чиқди: *La Alphabet de la Sogdienne*, 1910), Э.Бенвинист (буддавий ва христиан матнлари асосида суғдий тил сўз туркумлари, уларнинг категориялари ва сўз тузилишини ишлаб чиққан), П.Тедеско (суғдий тилдаги сўз

ясовчи ва сўз ўзгартувчи грамматик воситалар масалаларига бағишланган бир қатор муҳим тадқиқотларни амалга оширган. Жумладан, П.Тедеско грамматик маъно тақсимланишида сўз ўзакларининг икки турга, яъни оғир ва енгил ўзакларга ажралишини аниқлади. Бу ҳодиса М.Исҳоқов томонидан суғд грамматикасининг феъл тизими устида иш олиб борганда шахс-сон, замон ва бошқа категорияларнинг грамматик хоссалари тўғри талқин қилинишига олиб келди), В.Б.Хеннинг (буддавий, моний, христиан матнларининг солиштирма тадқиқини амалга оширган) каби олимларнинг ишлари кейинчалик И.Гершевич, Д.Н.Маккензи, М.Шварц, В.Зундерман, Н.Симс-Вильямслар томонидан давом эттирилди [Лившиц, Хромов 1981: 350-354]. Айниқса, И.Гершевичнинг суғдий тилнинг фонетик тизими ва грамматикаси борасидаги фикрлари суғдшуносликнинг кейинги тараққиёти учун улкан хизмат қилди [Gershevitch 1954, 1960].

Таъкидлаш лозимки, Муғ тоғи суғдий ҳужжатлари 1932 – 1933 йилларда топилган бўлсада, уларнинг 1962 – 1963 йилларга қадар тўлиқ нашр этилмаганлиги сабаб илмий жамоатчилик суғдий ёзувдаги мавжуд ҳужжатлар буддавий, христиан, моний ҳужжатларидаги диний мазмундаги матнлардан иборат деб тасаввур этган.

Бир сўз билан айтганда, 1905 – 1906 йилларда Турфондан топилган суғдий ёзма ёдгорликларнинг Европа олимлари томонидан ўрганилиши жаҳонда суғдшуносликнинг вужудга келишига замин яратди. К.Г.Залеман раҳбарлигида тадқиқотлар олиб борган Ф.А.Фрейманнинг илмий изланишлари соҳани янада олдинги силжишига олиб келди. Россия (А.А.Фрейман, В.А.Лишиц, О.И.Смирнова, И.Якубович, П.Б.Лурье), Япония (Ютака Йошида, А.Бегматов), Эрон (Б.Ғариб, З.Заршинос), АҚШ (Р.Фрай, М.Шварц, П.О.Шерву, Аншуман Пандей), Франция (Ф.Грение, Раҳам Аша, Етиен де ла Вессьер), Буюк Британия (Н.Симс-Вильямс), Германия (В.Б.Хеннинг, Х.Хумбах, Х.Тремблей, Кристиан Рек), Венгрия (Я.Харматта), Ўзбекистон (А.Отахўжаев, Ғ.Бобоёров, Б.Ғойибов, А.Кубатин) каби давлатларда жаҳон миқёсидаги тадқиқотлар



амалга оширилиб, муайян суғдшунослик мактаблари шаклланди.

XX асрнинг 70-йилларида Ўзбекистонда ҳам суғдшуносликнинг вужудга келишига имкон яратилди. Рус суғдшуноси В.А.Лившиц раҳбарлигида илмий изланишлар олиб борган М.Исҳоқов ўзбек суғдшунослигида ўз мактабини яратди. Олимнинг илмий изланишлари анчайин кенг бўлиб, М.Исҳоқов авестошунослик, эроний тиллар тарихи ва муаммолари, Марказий Осиё халқлари тарихининг назарий асослари билан бир қаторда суғдий ёзма ёдгорликларнинг палеографиясига жиддий эътибор қаратган ва суғдшунослик келажакда Ўзбекистон тарихини ўрганишда устувор соҳалардан бири бўлишини белгиллаган. Эътиборли жиҳати, ўзбек китобхони суғдий ёзма манбалардаги Суғдийёна тарихини М.Исҳоқов тадқиқотлари асосида билади.

Олимнинг суғдшуносликка оид илк тадқиқотлари суғдий ёзувда феъл масалаларига бағишланган [Исҳоқов 1969; Исҳоқов 1972; Исҳоқов 1973; Исҳоқов 1977]. Эътиборлиси шуки, М.Исҳоқовнинг ўтган асрнинг 60 – 70- йилларида амалга оширилган суғдий тилида феъл хусусиятларига доир тадқиқотлари бугунги кунда ўзининг долзарблигини йўқотмаган ва ҳамон соҳа мутахассисларининг илмий ишларидан муҳим тадқиқот сифати жой олган. Бунга асосий сабаб тадқиқот суғдий тилдаги феъл сўз туркумига оид муаммоларнинг оригинал талқини ҳисобланади. Олимнинг Турфон ҳужжатлари ва Муғ тоғи суғдий ҳужжатларидаги феъл шакллари аниқ, моҳиятан тўғри ҳамда ҳозирги кунда сақланиб қолган ҳолатдаги шакли билан қиёсий таҳлили ушбу ишларнинг илмийлиги ва жозибдорлигини кучайтирган десак муболаға бўлмайди. Тарихий атамаларни ҳозирги кунда сақланиб қолган шакллари билан солиштириш ва шу аснода тушунтириш М.Исҳоқовнинг суғдий ёзма ёдгорликлар талқинидаги муҳим услубияти эканлигини таъкидлаш жоиз. Суғдий ҳужжатларнинг бирламчи лингвистик манбалар эканлигини ва уларнинг аҳамиятини тўғри кўрсатиш кейинги тадқиқотлар учун муҳим эканлигини олим тўғри тушунган ҳолда феълларни ўз услубида талқин этган.

Ўзлари эътироф этгани каби, ушбу масалада И.Гершевич ва В.А.Лившиц изланишлари бу йўналишдаги тадқиқотларга асос бўлган.

М.Исҳоқовнинг ҳар бир суғдий ҳужжат талқинига шубҳа билан қараши, унинг талқини масаласида ўз фикрларини илгари суриши, тўғри талқин қилинган ибораларни қабул қилиши ҳам унинг услубияти жозибдорлигидан дарак беради. Олимнинг муҳим хусусиятларидан бир шуки, у киши ҳозирда ҳам аксарият ҳолларда қоғозда ёзишни ва суҳбатдошига хатда тушунтиришни маъқул кўради. Энг муҳими, ҳар бир фикр учун ўнлаб ёзма манбалар ва илмий адабиётларни асос сифатида келтириши ўқувчида рад этиб бўлмас факт сифатида тасаввур уйғотади.

Мирсодиқ Исҳоқов билан йигирма йилга яқин давр мобайнида илмий фаолият олиб борган тадқиқотчи сифатида айтишим мумкинки, олим (ҳозирда ҳам суҳбатлар жараёнида, айниқса, Муғ тоғи суғдий ҳужжатлари ҳақида гап борганда) ҳарфларни таҳлил қилиб маъно чиқариш бефойда эканлигини ва бутун иборани талқин қилишга эътибор қаратиш муҳимлигини таъкидлаб келади. Бошқа суғдий манбалар орқали кўплаб турли тиллардаги ибораларни билган олим матн тузилиши, ҳужжат палеографияси, имлоси ва синтаксиси хусусиятлари асосида мавжуд категорияларни талқин этишни шогирдларга уқтиради. Бу устози В.А.Лившиц услуби эканлигини фахр билан таъкидлайди. Суғдий ёзувлар талқини билан боғлиқ бир қатор усулларни олим айнан устози В.А.Лившицдан ўргангани, Буғут ёдномаси устида В.А.Лившиц ва С.Г.Кляшторный билан бирга ишлагани у кишининг кейинги ижод йўлида катта мактаб бўлганини мароқ билан гапириб беради. Шунингдек, академик Я.Ғуломов тавсиясига кўра В.А.Лившиц ҳузурига – Ленинградга жўнатилган М.Исҳоқов ўзининг лингвист сифатида шаклланиши учун муҳим омил бўлган В.А.Лившиц, О.И.Смирнова, С.Г.Кляшторный, М.Н.Боголюбов, С.Н.Соколов, Л.Г.Герценберг, А.З.Розенфельд ва бошқа бир қанча олимларнинг маърузалари муҳим бўлганлигини эътироф этади. М.Исҳоқов номзодлик диссертацияси устида ишлаган пайтла-



рида устози В.А.Лившицнинг хонадонида яшаб ишлаганини алоҳида чуқур миннатдорлик билан гапириб беради. Олим В.Лившицнинг бой кутубхонаси бўлганлигини ва манбалар билан шуғулланишда бу қулай имконият яратганини, ҳатто кутубхоналарга қатнашга ҳам деярли ҳожат қолмаганини устоз кўп эслайди. Айни шу даврда М.Исҳоқов умумий тилшунослик, тил назарияси, қадимий ёзма ёдгорликлар палеографияси устида ишлаш технологияси, номаълум матнларни ўқиш ва талқин қилиш малакасини ҳосил қилди. Қисқаси, Ленинград М.Исҳоқовнинг ҳаётида буюк мактаб ролини ўйнади.

Мазмуни, тузилиши, палеографик, стилистик ва матн хусусиятлари жиҳатидан суғдий манбаларни талқин қилишда илк мустақил қадамлар олимнинг бир қатор изланишларида намён бўлади [Исҳоқов 1983: 18-19; Исҳоқов 1987; Исҳоқов 1987; Исҳоқов 1988; Исҳоқов 1989: 3-146]. Олимнинг ушбу ишларида суғдий жумлаларни талқин этишда ёзув шакли ва унинг турли хусусиятларини тадқиқ этиш бирламчи омил сифатида кўзга ташланади. Ушбу изланишларни М.Исҳоқов ўзининг докторлик диссертациясида якуний хулоса сифатида илмий жамоатчилик эътиборига ҳавола этган [Исҳоқов 1992]. Бу борадаги илмий хулосаларини «Марказий Осиё жаҳон ёзуви маданияти тизимида» номли монографиясида баён қилган [Исҳоқов 2008]. Ушбу тадқиқотларда М.Исҳоқовнинг суғдий ёзувни талқин қилишдаги муҳим услублари акс этган. Жумладан, моний, христиан ва буддавий-суғдий матнларни фарқлашдаги хусусиятлар, Суғд ёзувда «ламед» ҳарфининг вазифаси ва ушбу ҳарф учрайдиган ҳужжатларнинг асосан Уйғур хоқонлиги (744 – 848) даври билан чегараланиши ҳамда бунга ёзувнинг уйғурлар томонидан ислоҳ қилиниши (шунинг учун ҳам ушбу ҳарф учрайдиган ҳужжатлар Уйғур хоқонлиги даври – VIII асрнинг иккинчи ярми этиб белгиланган) каби масалалар таҳлил қилинган ва суғдий ёзувдан X асрларда ҳам фойдаланилганлиги тўғрисида маълумотлар келтирилган. Бу ҳолатни ёзма манбалар ва муаммога доир илмий изланишлар олиб борган В.Б.Хеннинг,

Н.Симс-Вильямс, В.А.Лившиц каби олимлар ҳам тасдиқлайди. Хусусан, Араб халифалигининг Суғд ва унга қўшни минтақаларни эгаллаганидан сўнг аксарият суғдийлар Шарқий Туркистонга кетиб қолгани маълум. Шунинг учун ҳам кейинчалик ўз асари учун материаллар йиғиш мақсадида Маҳмуд Кошғарий ҳам айнан Шарқий Туркистонга сафар қилгани бежиз эмас.

1970 – 1978 йилларда М.Исҳоқов Самарқанддаги археология институтида фаолият олиб борган. Ўзининг суғдий ёзувларни талқин этишдаги қарашларини М.Исҳоқов бир қанча археологик топилмаларни талқин этишда ҳам намён этган. Ушбу тадқиқотларнинг бир қисми яқка муаллифликдаги ва ҳаммуаллифликда нашрдан чиққан [Исҳоқов 1974; Исҳоқов 1974а; Исҳоқов, Ташходжаев, Ходжайов 1977; Сулейманов, Исҳоқов 1980; Исҳоқов 1983: 43-44; Исҳоқов 1984; Исҳоқов 1985]. М.Исҳоқовнинг, айниқса, археологик тадқиқот объектларидан топилган нумизматик материалларнинг талқинига бағишланган, арабшунос Ш.Камолиддин ва суғдшунос Ғ.Бобоёровлар билан ҳаммуаллифликдаги тадқиқотидан сўнг бу борадаги баҳсли масалалар янада ойдинлашди [Исҳоқов, Камолиддин, Бабаяров 2007; Исҳоқов, Камолиддин, Бабаяров 2008]. Ушбу тадқиқот учун Чоч ва Суғддан топилган тангалар асос бўлиб хизмат қилган. Ушбу тадқиқотларнинг жаҳон суғдшунослари томонидан эътироф этилганлиги муҳим аҳамиятга эга.

М.Исҳоқов 1986 – 1992 йилларда Марказий Осиёнинг араб истилосигача бўлган қадимий ёзувлари ва ёзув маданияти тарихи йўналишида изланишлар олиб бориб, Ўзбекистонда тарихий манбашуносликнинг янги саҳифасини очди. 1992 йилда шу йўналиш бўйича «Палеографическое исследование согдийских письменных памятников Центральной Азии до исламского периода» мавзuida докторлик диссертациясини ёқлаган. Тадқиқот соҳа мутахассислари томонидан эътироф этилиб, ҳозирги кунда ҳам энг кўп иқтибос келтириладиган тадқиқотлардан саналади.

1989 йилда нашр этилган «Ўлмас обидалар» номли жамоавий монографиянинг «Суғд



ёзувининг шаклланиши ва тараққиёти масалалари» номли монографик қисми суғдий ёзувининг палеографик хусусиятларини, унинг хат усулларини, ёдгорликларда амал қилган дастхат турларини чуқур таҳлил қилган ҳолда тарихимиз манбашунослиги учун янги тадқиқотлар майдони яратилишига хизмат қилди. Суғдий ёзувининг шаклланиши масаласида М.Исҳоқов ўзига қадар соҳага доир илмий изланишлар олиб борган В.Б.Хеннинг, И.Гершевич ва В.А.Лившицларнинг бу борадаги фикрларини қўллаб-қувватлайди ва бунга асос сифатида Муғ архиви ва Турфон ҳужжатларини келтиради.

2000 йилда чоп этилган «Қадимги ёзма ёдгорликлар» номли монографияда М.Исҳоқов бир қатор суғдий ёзма ёдгорликларнинг ўзбек тилига таржималарини илмий изоҳлар билан нашр этиб, илмий жамоатчиликни ва кенг китобхонлар оммасини суғдий тилда етиб келган ноёб фалсафий-ахлоқий мерос билан таништиради. Ушбу тадқиқот натижасида жаҳон суғдушунослигида кенг ўрганилган (Э.Бенвенист, Р.Готъо, К.Г.Залеман ва б.) будданинг туғилиши ҳақидаги бир қанча ривоятлар ўзбек кутубхони эътиборига ҳавола этилди.

Суғдий ёзма ёдгорликларда илк ўрта асрлар Марказий Осиё ва унга туташ ҳудудлар тарихининг муҳим жараёнлари акс этган. Айниқса, Араб халифалигига қарши курашдаги ҳамкорлик ва ҳужжатлардаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар, иқтисодий-ҳуқуқий масалалар тарихи тарихий тадқиқотлар учун муҳим ҳисобланади. Ўз даврида В.Б.Хеннинг, Н.Симс-Вильямс, Ф.Грене каби олимлар ҳам суғдий ёзма ёдгорликларнинг тарихий талқини якунига етмаганлигини ўз тадқиқотларида келтириб ўтишган. Суғдий ёзувлар билимдони В.А.Лившиц ҳам ушбу ёзма ёдгорликларнинг тарихий талқини якунига етмаганлигини эътироф этган. М.Исҳоқов устозининг ушбу фикрларини тўғри англаган ҳолда суғдий ёзма ёдгорликларнинг лингвистик таҳлили билан бирга уларда акс этган тарихий жараёнларни ҳам қиёсий ўрганган ва даврни ўрганишдаги аҳамиятини очиб берган [Исҳоқов 1974; Исҳоқов 1986; Исҳоқов 1990а; Исҳоқов 1990; Исҳоқов 1992; Исҳоқов,

Отахўжаев 2001: 6-8; Исҳоқов 2009: 34-40; Исҳоқов 2011; Исҳоқов 2011а; Исҳоқов 2011б; Исҳоқов 2016]. Шу ўринда М.Исҳоқов ижодидаги яна бир жиҳат кўзга ташланади. Бу олимнинг таржимонлик соҳасидаги юқори илмий савияси эди. М.Исҳоқовнинг «Суғдийна тарих чорраҳасида» (56 б.) ва «Унутилган подшоликдан хатлар» (96 б.) рисоалари бир гуруҳ Муғ тоғи суғдий ҳужжатлари таржималаридан иборат бўлиб, кейинги ўттиз йил мобайнида ушбу рисоаларга тадқиқотчилар томонидан энг кўп ҳавола берилганлиги ҳам буни яққол кўрсатади. Ушбу таржима тадқиқотларда ҳам суғдушуносликнинг жаҳон миқёсидаги ўрганилиши келтириб ўтилган.

Суғдий атамаларнинг тўғри ишлатилиши тарихий жараёнларни ўрганишда муҳим аҳамиятга эга. Бундан ташқари, Марказий Осиё тарихига оид тадқиқотлардаги бир қисм атамалар ўзининг келиб чиқишига кўра суғдий асосли бўлиб, аксарият тадқиқотчилар буни эътибордан четда қолдиришади. Э.Бенвенист, И.Гершиевич, В.Б.Хеннинг, Н.Симс-Вильямс, П.Лурье каби лингвистлар турли манбаларда учрайдиган суғдий атамаларнинг таҳлилини амалга оширган ҳолда атамашунослик алоҳида йўналиши эканлигига ва суғдий топоним ҳамда ономастик маълумотлар бугунги кун луғатларини бойитишда муҳим эканлигини таъкидлаб келишади. М.Исҳоқов ҳам ўз изланишларида ушбу масалаларга муайян ўрин ажратган. Олим услубидаги яна бир жиҳат ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётга доир суғдий ибораларнинг талқини масаласига қаратилган [Исҳоқов 2003; Is'haqov 2010; Исҳоқов 2011в: 64-65; Исҳоқов, Ғойибов 2019: 7-12]. М.Исҳоқовнинг бу борадаги муҳим услуби шогирдларига муайян суғдий иборани оғзаки тушунтириши, моҳиятини очиб бериши эди. Шунингдек, айрим сўзларнинг генезисини талқин қилишда бугунги ўзбек ва тожик тилли лаҳжаларда учрайдиган сўзлар ўзагини топиш ҳам айнан М.Исҳоқов услубининг муҳим жиҳати ҳисобланади.

Бунга биргина мисол. Масалан, «паранжи» сўзининг талқини масаласига тўхталиб, атамани арабча ёки уйғурча деб талқин қилиш нотўғ-



рилигини таъкидлайди. М.Исҳоқовга кўра, бу сўз икки қисмдан иборат: биринчи қисми пар- [пар-]. Этимологик жиҳатдан пар- > urarī. Яъни қадимги эроний, хусусан, қадимги форсий тилда urarī – «устидаги», «бирор нарсаининг устига ишорат» қилувчи олд кўмакчи маъносига эга. Бу кўмакчи биз таҳлил қилаётган «паранжи» сўзида шаклантирувчи компонент вазифасини ўтаган. Сўзнинг иккинчи қисмидаги -anc [анж-] ўрта эроний тиллардан бири суғдий тилли ёзма ёдгорликларда икки хил орфографик шаклда: бири, 'unc, иккинчиси, unch шаклида «аёл» маъносида (аслида, «аёл» сўзи араб тилидан олинган бўлиб, тахминан «оила одами» («аҳли оила») маъносига тўғри келади. Бу ҳақда Қуръонда ҳам келтирилган. Масалан, Оли Имрон – Имрон оиласи (М.Исҳоқов талқини) Nov 3, Nov 5, A-5 рақамли ҳужжатларда учрайди [СДГМ II 21-23; Gharib 1995: 87].

-unc сўзи ёшга нисбатан аёл кишининг вояга етган босқичини кўзда тутади. Турмуш қурган босқичдаги аёл суғдий манбаларда vathu(h) [вадух] деб кўрсатилган [СДГМ II 29: Исҳоқов 1992: 45]. И.Гершевичга кўра, бу сўздаги -th- олд қатор тиш оралиғи сирғалувчи товушдир. Бу товуш ҳозирги эроний тилларда -d- товушига мос келади. Сўз охиридаги -h грамматик аёллик жинсига ишорат қилади [Gershevitch 1961: 73-79].

-unc сўзининг ишлатилиш доираси, фикри-мизча, кенгроқ бўлган. Масалан, чорванинг ёшига нисбатан ҳам ишлатилган. Урғочи қорамолнинг биринчи ёши бузоқ, иккинчи ёши ғўнажин дейилади. Бу сўздаги ўзак қисми ғўнан-, яъни икки ёшли ҳайвон демақдир. Бунга тарихий -unc [инж-], аёлликка (ёки урғочиликка) ишорат қилувчи сўз қўшилганда ғўнан- сўзининг охиридаги -n- товуши тушиб қолган. Натижада ғўнажин шакли барқарор луғат бирлигига айланган.

Мазкур мулоҳазалардан кейин паранжи сўзига қайтиб, бу сўзнинг икки қисмдан иборатлигини кўриш мумкин. Бу эса сўзнинг арабча эмас, балки суғдий асосга эга эканлигини кўрсатади. Яъни «паранжи» аёлларнинг устки кўчалик кийими демақдир. Тарихий, хусусан, археологик манбаларда аёлларнинг паранжи

кўринишидаги кийимда тасвирланган намуналари мавжуд. Масалан, Эфталийлар даврига (V – VI асрлар) оид Болаликтепа (Сурхондарё воҳаси) ёдгорлиги деворий суратларида зиёфат манзарасида иштирок этаётган аёлларнинг елкасига ёпилган енгсиз парчабоф матодан тикилган кийим айна биз кўзда тутган паранжининг ўзидир.

М.Исҳоқовда сўзларнинг генезисини топишда ўзига хос иқтидор бўлиб, у киши ҳар қандай сўзнинг ўрта қисми ишлатилишини асос қилиб олган ҳолда уни осон талқин этиб тушунтириб беради. Ушбу ибора талқини ҳам олимнинг сўзлар генезисини аниқлашда ўзига хос услуб соҳиби эканлигидан далолат беради. Бу М.Исҳоқовнинг дастлаб суғдий тил лингвистикаси билан шуғуллангани самараси бўлса ажаб эмас. Бундан ташқари, жаҳон суғдшунослари Э.Бенвинист, В.Б.Хеннинг, И.Гершевич, В.А.Лившиц каби олимларнинг тадқиқотларида келтирилган талқинлар олимнинг бу услуби ривожланишига кенг йўл очган.

Суғдий ёзув турли ёзувлар билан боғлиқ ҳолда ривожланди. Суғдий ёзув ҳам ўз тараққиёти давомида, айниқса, туркий ёзув билан бирга давомий, узвий ҳолда ривожланган. Илк суғдий ёзув тадқиқотчилари бўлган Ф.В.Мюллер, К.Залеман, Э.Бенвинист, Ф.К.Андреаслар ҳам суғдий ёзув ўз тараққиёти давомида бир қатор ёзувларнинг шаклланиши учун асос бўлганлигини, ўз навбатида, суғдий ёзувнинг вужудга келишида оромий, паҳлавий ёзувлар замин бўлганлигини келтириб ўтишган. Бу масалада М.Исҳоқовнинг ҳам ўз қарашлари мавжуд [Исхаков 2000: 46-57; Исхаков 2003]. М.Исҳоқовнинг бу борадаги тадқиқотлари эвазига суғдий ёзувнинг несториан шаклидан VIII – IX асрларда Еттисув ва Шарқий Туркистондаги суғдий ва туркий этнос вакиллари ҳам диний, ҳам дунёвий матнларни ёзишда фойдаланганлиги далилланди.

Кейинги йилларда М.Исҳоқов изланишлари суғдийларнинг Буюк ипак йўли бўйлаб фаолияти ва суғдий ёзувнинг минтақа халқлари ҳаётига таъсири масаласига қаратилди. Хусусан, суғдий ёзув ўз тараққиёти давомида уйғур, манчжур ва корейс ёзувларининг шакл-



ланишида асос бўлганлиги М.Исҳоқов тадқиқотларидаги янги йўналиш сифатида баҳолашни мумкин. Жумладан, корейс ёзувининг хаттий синишларини тадқиқ қилган олимнинг суғдий ёзув асосида шакллангани ҳақидаги назарияни илгари сурган [Исҳоқов 2006: 309-311; Исҳоқов 2007: 221-224; Исҳоқов 2008а: 180-195; Исҳоқов 2011: 122-124] ва бу қарашлар илмий жамоатчиликнинг эътирофларига сабаб бўлмоқда.

Хуллас, Мирсодиқ Исҳоқов жаҳон суғдшунослиги ва ўзбек суғдшунослиги ўртасида боғловчи бўлиб, олим раҳбарлигида тамал тоши қўйилган «Ўзбек суғдшунослик мактаби» соҳа тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Жумладан, проф. М.Исҳоқовнинг шогирдлари А.Отаходжаев, Ғ.Бобоёров, Б.Ғойибов, А.Кубатин каби олимлар устоз-шогирд анъанасини давом эттирган ҳолда суғдшуносликнинг турли йўналишларида жаҳон миқёсидаги тадқиқотларни олиб боришмоқда ва уларнинг ишлари эътироф этилмоқда. Ушбу олимлар илмий ишларининг натижалари эса ўзбек давлатчилиги

тарихи, тарихий география, манбашунослик, атамашунослик тадқиқотлари учун амалий тажриба вазифасини ўтаб, ижтимоий-гуманитар йўналишлар учун таълим жараёнларини янги маълумотлар билан бойитишда муҳим ўрин тутаётганлигини қайд этиш лозим. Суғдшуносликка оид тадқиқотлар арабшунослик, туркшунослик, хитойшунослик ва бошқа бир қанча йўналишларда тадқиқотлар олиб боришда муҳим илмий аҳамият касб этиб, мазкур соҳаларга оид тадқиқотларнинг тўлиши ва кучайишига хизмат қилаётганлигини эътироф этиш лозим. Бундан ташқари, ўзбек суғдшунослари томонидан жаҳон суғдшуносларининг илмий изланишлари давом эттирилиб, улар томонидан амалга оширилаётган Суғд давлатчилиги тарихи, тарихий географияси, танга зарби, тангалардаги ёзувлар палеографияси, Суғд хўжалик тарихи, Суғднинг диний-ахлоқий, фалсафий, маънавий ҳаётига доир изланишлар жаҳон миқёсидаги тадқиқотларнинг амалга оширилиши учун асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар:

- [1] Бобоев Ю.А. Абурайхон Беруни – основоположник согдологии // Номаи Донишгоҳ, – Хучанд: №4 (45), 2015. – С.12 – 17.
- [2] Боголюбов М.Н. Ягнобский (новосогдийский) язык. Исследования и материалы. Афтореф. док. дис. – Ленинград, 1956. – С.16.
- [3] Давутов Д. Согдийская купчая из Турфана // Известия Академии наук Республики Таджикистан. Серия: востоковедение, история, филология. №1 (25). 1992.
- [4] Исҳоқов М. Некоторые глагольные формы в согдийских документах с горы Муг // Народы Азии и Африки. 1969. №1.
- [5] Исҳоқов М. Глагольные формы инъюнктива в согдийском языке // Общественные науки в Узбекистане, 1972. №5.
- [6] Исҳоқов М. К структуре форм будущего времени глагола в согдийском языке // История материальной культуры Узбекистана. Вып. 10. 1973.
- [7] Исҳоқов М. Раскопки дахмы в Еркургане // Археологические открытия, Ежегодник. – Москва, 1974.
- [8] Исҳоқов М. Надгробный кайрак с двумя надписями // Афросиёб, серия. IV выпуск. – Тошкент, 1974а.
- [9] Исҳоқов М. Глагол в согдийском языке. – Ташкент: Фан, 1977.
- [10] Исҳоқов М. Оттиск печати с согдийской надписью // ОНУ. 1983. №11. – С.43 – 44.
- [11] Исҳоқов М. Согдийская надпись на керамическом сосуде // Общественные науки в Узбекистане. 1984. №1.
- [12] Исҳоқов М. Согдийская надпись из Афрасиаба // Адабий мерос. 1985. 2 (36).
- [13] Исҳоқов М. К стилистике согдийских документов с горы Муг // Адабий мерос. 1987. 4 (42).
- [14] Исҳоқов М. Материалы письма согдийских письменных памятников // Адабий мерос. 1988. 1 (43).



- [15] Исхаков М.М. Палеографическое исследование согдийских письменных памятников: Дисс... докт. ист. наук. – Ташкент, 1992. – 280 лист.
- [16] Исхаков М.М. Преемственность в истории древних тюркских систем письменности (согдийского-тюркские контакты) // O'zbekiston tarixi. – Тошкент, 2000. №4. – Б.46 – 57.
- [17] Исхаков М. География распространения памятников древнетюркской письменности и вопросы этнокультурных отношений Евразии // Тюркология. №1. Турция-Казахстан, 2003.
- [18] Исхаков М. К вопросу о генезисе корейского фонетического алфавита // Материалы конференции в Алматы, посвященной культурно-историческим взаимоотношениям между Кореей и ЦА. – Алматы, 2006. – С.309 – 311.
- [19] Исхаков М. К истокам корейского алфавита // Роль города Самарканда в истории мирового культурного развития. Материалы Международного научного симпозиума, посвященного 2750-летию юбилею города Самарканда. – Ташкент-Самарканд: Фан, 2007. – С.221 – 224.
- [20] Исхаков М.М. Центральная Азия в системе мировой письменной культуры. – Ташкент: УМЭД, 2008. – 453 с.
- [21] Исхаков М. Еще раз к вопросу о создании корейского буквенно фонетического алфавита // Корееведение. – Ташкент: Фан, 2008^a. – С.180 – 195.
- [22] Исхаков М. Социоллингвистический подход к тексту «Эдикта Хунмин Чоним» короля Кореи Седжона // The 11th international Conference on Korean Studies. July 6-7. – Tashkent, 2011. – P.122 – 124.
- [23] Исхаков М.М., Ташходжаев Ш.С., Ходжайов Т. Раскопки Кошттепа // ИМКУ. Вып. 13. – 1977.
- [24] Исхаков М., Камолиддин Ш., Бабаяров Г. Титулатура доисламских правителей Чача. – Ташкент: ТашГИВ, 2007. – 87 с.
- [25] Исхаков М., Камолиддин Ш., Бабаяров Г. Заметки по истории и нумизматике раннесредневекового Чача. – Wiesbaden. Archivum EURASIA Media Aer, 2008. – 269 p.
- [26] Исҳоқов М. Суғд ёзма ёдгорликлари тарих кўзгуси // Археологлар ҳикоя қилади. Илмий тўплам. – Тошкент: Фан, 1974.
- [27] Исҳоқов М. Уч алфавитли ёзув // Фан ва турмуш. – Тошкент, 1983. №3. – Б.18 – 19.
- [28] Исҳоқов М. Муғ тоғидан топилган суғдча никоҳ битими // Адабий мерос. 1986. 3 (37).
- [29] Исҳоқов М. Суғд ёзувида «ламед» ҳарфининг функцияларига доир // Адабий мерос. 1987. 1 (39).
- [30] Исҳоқов М. Суғд ёзувининг шаклланиши ва тараққиёти масалалари // Ўлмас обидалар. Жамоавий монография. – Тошкент. Фан, 1989. – Б.3 – 14б.
- [31] Исҳоқов М. Суғд элчиси Фатуфарн Тошкентда // Адабий мерос. 1990. 4 (54).
- [32] Исҳоқов М.М. Суғдиёна – тарих чорраҳасида. – Тошкент: Фан, 1990а. – 56 б.
- [33] Исҳоқов М. Унутилган подшоликдан хатлар. – Тошкент: Фан, 1992. – 96 б.
- [34] Исҳоқов М. Номи азал Туркистон // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – Тошкент, 1993. №45-46. – Б.1 – 5.
- [35] Исҳоқов М., Отахўжаев А. Суғд-Чағониён муносабатларидан // Термиз шаҳрининг жаҳон цивилизациясида тутган ўрни. Халқаро конференция материаллари. – Тошкент: Фан, 2001. – Б.6 – 8.
- [36] Исҳоқов М. Суғдча шиду ва ўзбекча шипшидон // «Тарихий манбашунослик муаммолари» мавзуидаги конференция материаллари. – Тошкент: ЎЗМУ, 2003.
- [37] Исҳоқов М. Илк ўрта асрларда Чочнинг ҳарбий-сиёсий вазиятига доир (Муғ тоғи суғд ҳужжатлари асосида) // Ташкент қаласынинг 2200 жылдығына арналган «Тэуэлсыздық танғи – досттық нэрі» мавзуидаги халқаро конференция. – Тошкент: Фан, 2009. – Б.34 – 40.
- [38] Исҳоқов М. Никоҳ битими янгиликми? // Ҳуқуқ ва бурч. 2011. №1.
- [39] Исҳоқов М. Суғдиёнада ернинг нархи қанча бўлган? // Ҳуқуқ ва бурч. 2011а. №2.
- [40] Исҳоқов М. Суғдиёнада нарх-наво // Ҳуқуқ ва бурч. 2011б. №4.



- [41] Исҳоқов М. Суғдиёнада «ихшид» ва «ихрид» унволлари ҳақида // Ўзбек давлатчилиги ва маданияти тарихида Жанубий Ўзбекистоннинг ўрни. Республика илмий анжумани. – Қарши, 2011в. – Б.64 – 65.
- [42] Исҳоқов М. Илк ўрта асрларда Суғд, Уструшона ва Чоч муносабатларига доир // «Буюк ипак йўлида Уструшона (антик давр ва ўрта асрлар)» мавзuidaги республика илмий анжумани материаллари. – Жиззах, 2016.
- [43] Исҳоқов М., Ғойибов Б. Паранжи нима? (бир кийим тарихидан) / Водийнома. 2019. №2. – Б.7 – 12.
- [44] Лившиц В.А. Согдийская надпись из Семиречья. Лингвистические и эпиграфические свидетельства // Письменные памятники и проблемы истории культуры народов Востока: доклады и сообщения 15-й научной сессии ЛО ИВАН СССР. Часть 1 (2). – Москва, 1981. – С.79 – 87.
- [45] Лившиц В.А., Хромов А.Л. Согдийский язык // Основы иранского языкознания. Среднеиранские языки. – М.: Наука, 1981а. – С.350 – 351.
- [46] Лившиц В.А. Согдийские «Старые письма» (I. III.) // ППВ. 2008. – №1 (8) – С.173.
- [47] Согдийские документы с горы Муг. Вып. II (СДГМ II) // Чтение, перевод и коммен. В.А. Лившица. Юридические документы и письма с горы Муг. – М., 1962. – С.21, 23, 181.
- [48] Сулейманов Р., Исхаков М. Древний Самарканд. – Ташкент: Фан, 1980. – 120 с.
- [49] Қаюмов А., Исҳоқов М., Отахўжаев А., Содиқов Қ. Қадимги ёзма ёдгорликлар. Суғдларнинг буддавий фалсафий-ахлоқий ёзма меросидан. – Тошкент: Ёзувчи, 2000. – Б.33 – 116.
- [50] Benveniste E. Vessantara jataka. Text sogdien éd traduit et com. – Paris, 1946.
- [51] Gharib B. Sogdian Dictionary. Sogdian- Persian-English. – Teheran: Farhang Publications, 1995, XXII. – P.87.
- [52] Gauthiot R. De l'alphabet sogdien // JA, ser. 10, 1911. T.17.
- [53] Gauthiot R. Une version sogdienne du Vessantara jataka // Journal Asiatique. Ser. 10. 1912. t. 19.
- [54] Gauthiot R. Essai de grammaire sogdienne. I. Phonétique // Mission Pelliot en Asie Centrale. Ser. petit in-octavo, T. 1. – Paris, 1914 – 1923.
- [55] Gershevitch I. A grammar of Manichaen Sogdian. – Oxford, 1954. – I –X, 2-ed. – Oxford, 1961. – P.73 – 79.
- [56] Grenet F., Sims-Williams N. The Historical Context of the Sogdian Ancient Letters. Transition Periods Iranian History. Actes du Symposium de Fribourg-en-Brisgau, Studia Iranica. (22 – 25 Mai 1985). – Cahier-Leuven, 1987. Vol. 5. – P.101 – 122.
- [57] Hamilton J. L'inscription trilingue de Qara Balgasun d'après les estampages de Bouilane de Lacoste // A. Haneda, ed., Documents et archives provenant de l'Asie Centrale. – Kyoto, 1990. – P.125 – 33.
- [58] Harmatta J. Sogdian Sources for the history of Preislamic Central Asia // Prolegomena to the History of Preislamic Central Asia. – Budapest, 1979. – P.153 – 165.
- [59] Henning W.B. The date of Sogdian Ancient Letters // BSOAS. 1948. Vol. 12. – P.601 – 615.
- [60] Is'hakov M. Mug'dag'i sog'd Bilgelerinde go'riilen eski turkce unvanlar. Utukennen Istambul'a // Turkipenin 1290 yili, Sempozyumu, – Ankara, 2010.
- [61] Chavannes E. Documents sur les Tou-kiue (Turcs) occidentaux // Сб. Тр. Орхонской эксп. – СПб., 1903. Вып. 6. – P.229.
- [62] Moriyasu T., Yoshida Y., Katayama A. Kara-Balugasun hibun (Qara Balgasun Inscription) // Moriyasu and Ochir. 2010. – P.209 – 27, plates 14a-14q.
- [63] Salemann C. Manichaica I. // Известия имп. АН. Серия 6. – СПб.: 1907.
- [64] Salemann C. Bietrage zur christlich – soghdischen grammatik // Известия имп. АН. Серия 6. – СПб., 1913. – С.1125 – 1144.
- [65] Yoshida, Yutaka & T. Moriyasu. A Sogdian sale contract of a female slave from the period of the Gaochang kingdom under the rule of Qu clan» [in Japanese] // Studies on the Inner Asian Languages, IV. 1988. – P.1 – 50.



«ВОДИЙНОМА» – ОЛИМЛАР ЖУРНАЛИ

Дилшодбек Ҳомидов,
«Водийнома» журнали масъул ходими

«Мерос» халқаро илмий-амалий экспедиция жамоат фонди томонидан чоп этилаётган «Водийнома» журналининг ташкил этилгани ва мунтазам равишда нашр этилаётганига 7 йил бўлди (2016 йилда журналнинг илк сони нашр этилган). Бу давр мобайнида журналнинг 28 та сони муштарийлар қўлига етиб келди ва журналхонларга илм, маърифат, маънавият тарқатишга хизмат қилиб келмоқда. Журнал Низомида ижтимоий-тарихий, илмий ва оммабоп журнал мақоми берилган бўлиб, барчасининг пойдевори илмийлик асосига қурилган. Шу нуқтаи назардан «Водийнома»ни «илм журнали» десак ҳам тўғри бўлади.

Журнал саҳифаларини йиллараро кўздан кечиран эканмиз, ундаги материалларда жаҳон, ватанимиз тарихига оид илмий мақолаларни, маърифий-маънавий мавзудаги янги қарашларни, ижтимоий ҳаётимизнинг турли соҳаларига тааллуқли бўлган мунозарали, илмий асосга эга бўлган баҳсли материалларни кузатишимиз мумкин.

Журналнинг ўрганиш объекти ҳудудий жиҳатдан водий (Ўзбекистон, Қирғизистон, Қозоғистон) ўрамининг қадимги, кечаги ва бугунги тарихи, сиёсий-ижтимоий турмуш тарзи ҳақида бўлса-да, унда Фарғона водийси тарихига таъсир этган, унга алоқадор бўлган бошқа мамлакатлар ҳақидаги материаллар ҳам берилган. Зеро, ҳеч бир халқ тарихи бошқа ҳудудлардан изоляция қилиниб, алоҳида ўрганилмайди. Шунга кўра журнал материалларига эътибор қаратсак, унинг ҳудудий жабҳаси ҳам, мавзу-

вий жиҳатлари ҳам ранг-баранглигини кузатиш мумкин.

Биз юқорида журналнинг ўзига хос сифати хусусида тўхталиб, унинг **илм журнали** эканини айтиб ўтдик. Журналнинг йилма-йил мақолаларини таҳлилга тортганимизда унда материалларнинг қарийб 95 фоизи илм аҳли томонидан битилганини, унда энг долзарб илмий муаммолар кўтарилганини, илмий мунозаралар, баҳслар асосида илмиётга аниқликлар киритилганини, муайян соҳалар бўйича илмий янгиликлар, ихтиролар рўёбга чиққанининг гувоҳи бўлдик. Энг эътиборлиси, журналда берилган мақолаларнинг катта қисми муайян фан бўйича илк марта эълон қилинган илмий янгиликлардан иборат бўлган.

Аллоҳ таоло Ўз каломида: «Оллоҳ сизлардан имон келтирган ва илм ато этилган зотларни



(баланд) даража (мартаба)ларга кўтарур», – деб марҳамат этган.

Президентимиз ўз чиқишларида олимларни **мамлакатнинг олтин фонди** деб атайдиган ва бугунги кун илм-фанни янги босқичга кўтаришни талаб қилаётганини, зотан, жамият олдида турган долзарб масалаларни илм-фансиз ечиш қийин эканини таъкидлаб ўтади.

«Водийнома» журналини халқаро миқёсдаги журнал деб атасак тўғри бўлади. Журнал саҳифаларида америкалик (Назиф Шахроний, Тэд Элдер – элшунос), қозоғистонлик (Мамбет Қойгелдиев – академик), қирғизистонлик (Ташманбет Кененсариев – профессор, Тинчтикбек Чоротегин – профессор, Азамат Казакбаев – доцент, Д.Т.Атамтаева – тадқиқотчи, Гулида Охунова – тадқиқотчи), тожикистонлик (Ғофур Ҳайдаров – профессор, Жамшид Жўразода – профессор) каби олимларнинг долзарб мақолаларини учратиш мумкин. Шунингдек, журналдан Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиклари А.Асқаров, А.Саидов, Н.Каримов ва Ўзбекистондаги бир қатор илм фидойиларининг материаллари жой олганини кузатишимиз мумкин. «Водийнома» журнали Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация Комиссияси раёсатининг 2017 йил 29 мартдаги 239/5-сонли қарори билан «Тарих» фанлари бўйича илмий журналлар рўйхатига киритилган. Номзодлик, докторлик диссертацияларини ҳимоя қилаётганларнинг «Водийнома»да эълон қилинган мақолалари Олий Аттестация Комиссияси томонидан эътироф этилади.

Журналимизнинг ушбу сонидан «Водийнома» журналининг фаолиятида ўзларининг қизиқарли, илмий, мушоҳадага чорловчи мақолалари билан эътибор қозонган, яқинда фан доктори илмий даражасини қўлга киритган жамоатчи мухбирларимизнинг муваффақиятлари ҳақида ҳикоя қилмоқчимиз. Улар тарих фанлари доктори Сойибжон Ҳошимов, филология фанлари докторлари Баҳодиржон Раҳмонов ва Маъмуржон Саидхонлардир.

Ҳошимов Сойибжон Абдуразақович

профессор Рустамбек Темирович Шамсутдинов илмий маслаҳатчилигида 2022 йил 15 декабрь куни Андижон давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи



DSc.03/31.12.2020. Tar.60.01. рақамли илмий кенгашда «Ўзбекистонда совет ҳокимиятининг қатағон сиёсати (1917 – 1936 йиллар)» мавзудаги диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.

Сойибжон Ҳошимов ўз тадқиқотида 1917 – 1936 йиллар даврий чегарасида совет ҳокимиятининг Ўзбекистонда амалга оширилган қатағон сиёсати сабаб ва оқибатларининг туб моҳиятини объектив очиб берган.

Тадқиқотчи муаммога янгича концепция асосида ёндашиб, яқин даврларгача махфийлик тамғаси остида сақланган архив ҳужжатлари ва мавзуга оид бошқа манбаларни таҳлил этиш орқали Туркистонда совет ҳокимиятининг ўрнатилишидан то 1936 йилга қадар бўлган давр оралиғида советлар ва уларнинг жазоловчи органлари томонидан аҳолининг турли қатламларига қарши ўтказилган қатағон жараёнларини фактик манбалар асосида очиб берган. Унда Туркистон мухторияти қатнашчиларига нисбатан қўлланилган қатағон сиёсати, совет ҳокимиятининг қатағон сиёсатининг ижрочи органлари – Фавқулодда комиссия (ЧК), «инқилобий» трибуналлар, «учлик», «бешлик»лар ва уларнинг фаолияти тарихи, Туркистон, Хоразм ва Бухоро республикаларида совет ҳокимияти томонидан амалга оширилган ҳарбий, сиёсий қатағон масалаларини кенг ва атрофлича очиб берган.

Совет ҳокимияти жазоловчи идораларининг Ўзбекистонда миллий муҳолифатга қарши қўллаган тазйиқ ва таъқиблари, большевикларнинг «синфий кураш» доктринасининг фожиали оқибатлари, партия ва совет ходим-



ларининг қатағон домига тортилиши масалалари кенг баён қилинган.

Шунингдек, тадқиқотчи томонидан совет ҳокимиятининг Туркистон АССР, Ўзбекистон ССРда дин ва диний идораларга қарши олиб борилган чеклов сиёсати, унинг босқичлари ва трансформацияси, совет идораларининг муслмон-руҳонийларга қарши қўллаган таъқиб-таъйиқларини ёритиш асносида республикада маориф-маданият ва диний уламо вакиллари-га нисбатан юритилган қатағон сиёсатининг моҳияти очиқ берилди, қатағон кўлами ҳамда қатағон қилинганлар миқдори бирламчи манбалар асосида аниқлангани мутахассислар томонидан эътироф этилди.

Сойибжон Ҳошимов – 10 та китоб, 100 дан ортиқ мақола ва тезислар муаллифи.



Раҳмонов Баҳодир Мамажонович профессорлар Баҳодир Саримсоқов, Салимаҳон Мирзаевалар илмий маслаҳатчилигида 2022 йил 15 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси

Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc 02/30.12.2019.Fil.46.02 рақамли Илмий кенгаш қошидаги 10.00.08 – «Фольклоршунослик» ихтисослиги бўйича «Ўзбек халқ оғзаки ижодиёти жанрларининг постфольклор шароитидаги ҳолати ва функционал хусусиятлари» мавзуида филология фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.

Баҳодир Раҳмоновнинг мазкур тадқиқотида янги Ўзбекистон глобаллашув шароитида жадал илдамлаётган ҳозирги даврда ўзбек фольклори жанрларининг бугунги ҳолати ва уларнинг ижтимоий муаммоларни акс эттиришга қодир ёки қодир эмаслиги илмий жиҳатдан асосланган. Шу аснода ўзбек фольклори жанрлари таркибида илк маротаба анъанавий дoston, эртақ, афсона, ривоят, нақл, қўшиқ, лапар ва бошқа жанрлар жонли овоз, шунингдек, соз

кўмагидаги ижродан айрилганида оммага адабий-эстетик таъсир масаласида айнан нима-ларни йўқотганлигига аниқлик киритилган. Ўзбек фольклорининг бугунги кунда воқеликни ҳозир ҳам фаол истифода эта оладиган жанрларига кенг ва теран муносабат билдирилган. Айрим анъанавий жанрларнинг унутила бошлашидаги ижтимоий-маиший сабаблар ҳамда янгидан яратилишдан тўхтаб қолган халқ дostonларининг постфольклор шароитидаги муваффақиятсиз модификацияларига илмий баҳо берилган. Халқ эртақлари яратилишидан тўхтаб қолганлиги унга хос поэтик шакл ва бадий тасвир усулларининг бугунги воқеликни бутун мураккаблиги билан акс эттира олмаслиги аниқланган. Ёш авлод камолоти учун хизмат қилиб келган афсона, ривоят ва нақлларга хос ғояларга бўлган ҳозирги маънавий эҳтиёж сабаблари, аммо мазкур жанрларнинг янги реал воқеликни акс эттириб, бундан кейин ҳам жонли яшашга қодир эмаслиги ойдинлаштирилган. Шунингдек, диссертацияда барча даврларда жонли ижрода бўлиб келаётган халқ латифаларининг ягона қаҳрамон, универсал макон ва замон қамровига эга бўлиши универсал сюжет ва композицияга асосланиши илмий жиҳатдан исботлаб берилган.

Баҳодир Раҳмонов 100 дан ортиқ илмий, илмий-маърифий, илмий-оммабоп, ижтимоий-сиёсий мавзудаги мақолалар ҳамда 11 та китобнинг муаллифи, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг аъзосидир.

Саидхонов Маъмуржон Муҳаммедович 2023 йил 6 январь куни Фарғона давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019 Fil.05.02 рақамли Илмий кенгаш йиғилишида 10.00.01 – «Ўзбек тили» ихтисослиги бўйича «Ўзбек тилида ишораларнинг вербаллашуви ва матний хусусиятлари» мавзуида фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун докторлик диссертациясини ҳимоя қилди.





Ушбу тадқиқот ўзбек тилшунослигида илқ бор ички ва ташқи тилшуносликнинг диалектик тадқиқига бағишланган илмий иш сифатида юксак баҳоланди.

Маълумки, кейинги йилларда тилнинг асосий вазифаси бўлмиш мулоқот жараёни тадқиқи устувор вазифа сифатида ўрганилмоқда. Мулоқот кишиларнинг ўзаро фикр алмашинуви бўлиб, унда сўзловчи узатган фикр тингловчи томонидан қабул қилинади ва мос равишда жавоб қайтарилади. Биз диалогик нутқда фақат нутқий воситаларга эътибор қаратганмиз ва уларни таҳлил этганмиз. Лекин ахборот фақатгина нутқий эмас, балки нонутқий воситалар билан ҳам амалга ошади. Яъни биз маълум ахборотни тингловчига узатаётганимизда имо-ишоралардан, мимик воситалардан фойдаланамиз, шу орқали ахборот мукамал, тўлақонли, реал ва жонли ифодаланади.

Кишилар ўртасидаги алоқа-аралашувда ишлатилувчи бош қимирлатмоқ ҳаракати *тасдиқ*, *розилик* маъноларини, бош тебратмоқ *инкор*, *норозиликни*, елка учирмоқ, елка қисмоқ *беҳабарлик*, *билмасликни*, кўз қисмоқ *ҳазил*, *билдирмаслик* каби маъноларни, бош бармоқни юқорига тик қилмоқ *яхши*, *зўр* маъноларини, лабини бурмоқ *менсимаслик*, *эътиборсизликни*, тишларини ғижирлатмоқ *аччиқланиш*, *дар-*

газаблик маъноларини ифодалайди ва бу каби воситалар коммуникатив актнинг доирасига киради.

М.Саидхонов диссертацияда кишилар ўртасидаги мулоқот жараёнида ишлатиладиган имо-ишоралар, овознинг турли сифатий ифодаси орқали қўшимча маъно ифодалаш, инсоннинг турли органларининг маъноли ҳаракатлари коммуникатив маънолари, сукут ва унинг мулоқотда ишлатилиши хусусида илмий ҳулосаларини берган. Эътиборли жиҳати – ишда ишораларнинг турли жиҳатдан таснифлари ва уларга муносабат билдирилган, уларнинг тил тизимида лексик бирликлар билан ифодаланиши, натижада тилшунослиқда ишора феъллари лексик-семантик гуруҳининг мақоми аниқланган ҳамда ишоралар ифодасининг бадиий матнда ишлатилиши тадқиқ этилган.

М.Саидхоновнинг 2 та монографияси, 3 та ўқув қўлланмаси ва 100 га яқин мақола ва тезислари чоп этилган.

«Водийнома» таҳририяти журналимизнинг фаол жамоатчи мухбирлари – Сойибжон Ҳошимов, Баҳодиржон Раҳмонов ва Маъмуржон Саидхоновларни фан доктори илмий даражасига эга бўлганлари билан чин дилдан табриклайди ва илмий-ижодий ишларида зафарлар тилаб, улардан долзарб мақолалар кутиб қолади.